

**А.Ч. Бхактиведанта Свами  
Прабхупада**

# Бебаҳо | неъмат



THE BHAKTIVEDANTA BOOK TRUST

Москва - 1996.

Шри Шримад Бхактиведанта Свами Прабхупада.  
Основатель-ачаря Международного общества  
Сознания Кришны.  
Бесценный дар.  
Москва - 1996.  
Бхактиведанта бук траст.  
SBN 91-7149-289-5

Ҳазрат А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада - замонамизнинг энг йирик файласуф-донишманди. Қадимий санскрит тили ва Ведалар фалсафасининг тенгсиз билимдони сифатида у Ҳиндистоннинг асосий фалсафий ва диний асарларини санскрит тилидан инглиз тилига таржима қилиб, уларга батафсил изоҳ ёзган. У инсониятга олтмишга яқин асар ёзиб қолдирган. Бу асарлар ҳозирги замон китобхонларини қадимий Ҳиндистоннинг буюк донишмандлик илми билан таништириб, уларга атрофини ўраб турган оламга, борлиқда ИНСОНнинг тутган ўрнига бошқача кўз билан қараш имконини бериб, ўзининг маънавий ҳаётини юқорида поғонага кўтаришга ундайди.

Бу моддий оламда яшаётган ҳар бир инсон қандайдир даражада ақлсизлик, ғофиллик касалига мубғало бўлиб, турли мусибатлар, азоб-уқубатлар гирдобиди яшайпти. Ведалар илмини тарқатиш ҳаракатининг мақсади - инсонни ҳаётда шундай мусибатларга дучор қилиб қўйган дунёвий, ўткинчи нарсаларга қаттиқ боғланиб қолиш касалидан даволаб, унинг азалий, табиий онгини қайта тиклашдан иборат. Алдамчи моддий нарсаларга боғланишдан халос бўлган кишигина кўнгли хотиржам бўлиб, ҳақиқий бахт нималигини тушуниб, унга интилиб яшашга қодир бўла олади.

\* \* \*

Асарнинг ўзбекча таржимасига қавс ичида муқаддас Қуръондан олинган баъзи бир оятларни киритдик. Халқимиз асосан Қуръон оятларига иймон келтирган мусулмонлардан иборат бўлгани боис китобхонлар бу буюк илмни табаррук Қуръон таълимотига зид ёки одамларни Қуръон йўлидан бошқа йўлга даъват қиладиган таълимот деб нотўғри тушунмаслиги учун, асарда айtilган хулоса ва кўрсатмалар мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган “Қуръони Карим”да ҳам борлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик, зеро, мазкур асарнинг мақсади - одамларни ўз динидан, эътиқодидан айириш эмас, аксинча, уларнинг ўзлари сиғиниб юрган ягона Парвардигор ҳақидаги илмини чуқурроқ ўрганишларига, ҳар қандай диннинг охириги мақсади Худога муҳаббат уйғотиш эканини яхшироқ тушуниб олишларига ва бу билан ўзларининг иймон-эътиқодини янада мустаҳкамроқ қилиб олишларига ёрдам беришдан иборат. Пайғамбаримиз(с.а.в) ҳадисларида: “Илмни ҳатто Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганиш керак, “бешиқдан то қабргача илм ўрганиш” дейилган. Қуръони каримда эса шундай аниқ кўрсатмалар берилган: 41-сура, 43-оятда:”(Эй Муҳаммад)...**сизга ҳам, фақат сиздан олдинги пайғамбарларга айtilган сўзлар айtilур”, 10-сура, 94-оятда: (Эй Муҳаммад), агар Биз сизга нозил этган нарсдан шубҳада бўлсангиз, у холда ўзингиздан аввалги Китоб ўқийдиган кишилардан сўранг!**..

Парвардигор ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган, ўзларини ҳеч қандай динда деб ҳисобламайдиган дунёвий одамлар эса, энг қадимий муқаддас китоблар саналган Ведаларда, хусусан муқаддас "Бхагавад-Гита"да берилган Парвардигор ҳақидаги муқаммал илмдан хабардор бўлиб, ўзларининг дунёқарашини кенгайтирадилар.

Раса Мандала дас.

Мундарижа

- Кришна - рух ҳақидаги илоҳий илм манбаи
- Моддий олам чангалидан қандай кутулиш мумкин
- Кришнани севиш санъати.
- Риёзат, яъни нафси тия билиш
- Кришна онгида мустаҳкам туриш санъати
- Ҳаётда муаммо ва адашишлардан кутулиш йўли
- Кришна онги билан яшаш - ҳақиқий озодликка эришиш

## Кришна - рух ҳақидаги илоҳий илм манбаи

Кришнани англаш ҳаракатининг мақсади - тирик мавжудотларнинг азалий, бошланғич онгини қайта тиклашдан иборат. Моддий оламда яшаётган ҳар бир инсон қандайдир даражада ақлсизлик касалига мубтало бўлиб, ҳар хил азоб-укубатлар гирдобида яшайпти. Кришнани англаш ҳаракати - инсонни шундай мусибатларга дучор қиладиган “дунёвий нарсаларга қаттиқ боғланиш” касалидан даволаб, унинг азалий, табиий онгини қайта тиклайди. Бенгалиялик буюк донишманд-вайшнава шундай деб ёзади: “Ажиналар таъқиб қилиб юрган киши маъноли гаплар гапириш қобилятини йўқотади. Худди шундай, моддий қувват ҳукми остига тушиб қолган одамнинг ўзини “ақлдан озган”, унинг айтаётган гапларини эса, бемаъни гаплар, “алаҳсираш” деб ҳисоблаш керак”. Кимдир бошқаларнинг кўзига буюк файласуф ёки олим бўлиб кўриниши мумкин, аммо у *майя*, алданиш тузоғига илинган бўлса, унинг кашф қиладиган барча таълимотлари, гипотезалари, айтаётган тахмин, хулосалари қайсидир даражада бемаъни алаҳсирашдан бошқа нарса эмас. Яқинда бизга бир психиатр олим ҳақида гапириб беришди. Ундан бир қотилнинг маънавий, руҳий ҳолатини аниқлаб беришни илтимос қилганларида у жавоб бериб айтадики, шунча вақтдан бери мен текшириб кўрган одамларининг барчаси у ёки бу даражада ақлдан озган. Шу боис, одамларнинг шундай ҳолатини эътиборга олиб, агар истасалар, суд қотилнинг руҳий ҳолатини эътиборга олиб, уни оқлаб юбориши мумкин. Бу мисолнинг мазмуни шундан иборатки, моддий оламда соғлом фикрлай оладиган кишини учратиш жуда қийин. Ҳозир бутун жаҳонда одамларнинг ақлдан озганлик ҳолати юзага келган, бунинг асосий сабаби эса, уларнинг пок руҳий онги моддийлик касали билан булғангандир.

Кришнани англаш Халқаро ҳаракатининг мақсади - одамларда “Кришна онги” деб аталадиган, уларнинг азалий, соф онгини қайта тиклашдан иборат. Ёмғирнинг суви аслида тоза, соф, у дистилланган сувдан фарқ қилмайди, лекин у ерга тушган заҳоти ифлосланиб, лойқа бўлиб қолади. Шунга ўхшаб, бизлар барчамиз аслида Кришнанинг, Худонинг ажралмас заррачалари, соф руҳий сифатларга эга бўлган жон(рух)лармиз. Ана шу азалий, бошланғич табиий ҳолатимизда ҳаммамиз худди Парвардигорнинг Ўзи сингари покмиз. Шри Кришна муқаддас «Бхагавад-гита»да шундай дейди:(15.7)

*мамаивамшио жива-локе  
жива-бхутаҳ санатанаҳ*

*манах шаитханиндрийани  
пракрити-стхани каршати*

“Бу шартланган оламдаги тирик мавжудотлар - Менинг мангу заррачаларимдир. Шартланган ҳолатга тушиб қолиб, улар зўр бериб ўзларининг олти сезгиси билан аёвсиз кураш олиб борадилар. Шу сезгиларнинг биттаси – унинг ўз ақлидир”.

Демак, барча тирик мавжудотлар Кришнанинг ажралмас бўлақларидир. (“Сўнгра уни ростлаб, ичига Ўз(даргоҳидаги) жондан киритди” (Қуръон. Сажда сураси. 9)\*. Ҳамиша шуни эсда тутиш лозимки, биз Кришна деганда Худони, ягона Парвардигорни назарда тутамиз. Кришна ибораси “ҳаммани ўзига маҳлиё этувчи” деган маънони англатади ва Худонинг Олий Шахсининг энг буюк, мукаммал, муқаддас номи ҳисобланади. Олтиннинг зарраси ҳам худди олтин сингари сифатларга эга бўлгани сингари, Кришнанинг кичкина зарралари ҳам сифат жиҳатдан Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Кимёвий таркиби бўйича Парвардигорнинг танаси билан тирик мавжудотнинг мангу руҳий танаси бир-бирдан фарқ қилмайди: улар руҳий қувватдан таркиб топган. Демак, ўзимизнинг азалий, бошланғич, булганмаган ҳолатимизда бизнинг танамиз ҳам Парвардигорнинг танаси сингари руҳий сифатларга эга бўлади, аммо, худди ерга тушиб булганган ёмғир сувлари сингари, биз ҳам моддий оламдаги нарсалар билан булғаниб қолганмиз. Моддий оламини Парвардигорнинг ташқи, моддий қуввати бошқариб туради.

Ташқи қувват, моддий табиат ҳақида гап борганда шундай савол туғилиши мумкин: “Кимнинг қуввати? Кимнинг табиати?” Моддий қувват, моддий табиат ўзи мустақил ҳаракат қилишга қодир эмас. Уни мустақил ҳаракат қилади деб ҳисоблаш - ғирт аҳмоқлик бўларди. «Бҳагавад-гита»да “моддий табиат ўзидан-ўзи мустақил ҳаракат қилмайди”, деб аниқ ёзилган. Ҳаракат қилиб турган бирор мураккаб қурилмани кўриб, ақлсиз, бефаросат одам унинг ўзи мустақил ҳаракат қиляпти, деб ўйлаши мумкин, лекин аслида бундай эмас. Қаердадир ана шу қурилмани ҳаракатга келтириб, унинг ҳаракатини бошқариб турган оператор бор, лекин баъзида биз уни кўрмай турган бўлишимиз мумкин. Биз одамни ҳайратга соладиган даражада тез ҳаракат қиладиган жуда кўп мураккаб электрон машиналарни кўрганмиз, лекин, қаердадир бирор онгли инсон қандайдир тугмачаларни ёрдамида бу ғаройиб ускуналарнинг барчасини бошқариб туради. Буни тушуниш кийин эмас: ҳар қандай ускуна, машина моддий унсурлардан таркиб топган, шу сабабли ўзи мустақил ҳаракат қилишга қодир эмас - уни албатта тирик руҳ, жон бошқариб туриши керак. Масалан, магнитофон ўзидан-ўзи эмас, балки эгасининг, тирик мавжудот бўлган инсоннинг истаги ва амри билан ишлайди. Машина қанчалик мукаммал бўлмасин, то уни руҳий жон ҳаракатга келтирмагунча, ўзи ҳаракат қила олмайди. Худди шундай, биз “табиат” деб

атайдиган Коинот ҳам катта машинага ўхшайди, уни бошқариб турган тирик зот эса - Худо, Кришна. Бу «Бҳагавад-гита»да ҳам тасдиқланган, унда Кришна шундай дейди:(9.10)

*майадхйакишена пракритих суйате са-чарачарам  
хетунанена каунтейа жагад випаривартате*

“Моддий табиат Менинг амримга бўйсуниб ҳаракат қилади, эй Кунтининг ўғли. У кўзгалувчан ва кўзгалмас хилма-хил тирик мавжудотларни яратади. Унинг қонунлари асосида бу фазовий борлиқ, Коинот такрор ва такрор яратилиб, такрор ва такрор яксон қилинади”.

Тирик мавжудотларни икки тоифага бўлиш мумкин: кўзгалувчан(одамлар, ҳайвонлар ва хашаротлар) ва кўзгалмас(дарахтлар, тоғлар). Кришна айтяптики, мана шу икки тоифа тирик мавжудотларни бошқариб турган Табиат Унинг амрига бўйсуниб ҳаракат қилади. Демак, бутун оламини қандайдир Олий Ҳукмдор бошқариб туради. Ҳақиқий илмдан беҳабар бўлгани, ғофиллиги сабабли одамлар ҳозирги замонда ана шу оддий ҳақиқатни қабул қилишга қодир эмаслар. Шу боис Кришнани англаш Халқаро ҳаракатининг мақсади - моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остига тушиб, соғлом фикрлаш қобилиятини йўқотган ана шундай ғофил одамларни Ҳақиқат Илми билан таништиришдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг мақсадимиз - инсониятни ғафлат уйқусидан уйғотиб, уни ўзининг азалий, табиий ҳолатига қайтаришдир.

Бутун жаҳонда, айниқса мана шу ерда, Америкада жуда кўп университетлар бор, уларда ҳар хил факультетлар бор, лекин ҳеч ким, дунёнинг бирор жойида одамларга руҳ ҳақидаги илмни ўргатмайди. (“Айтинг: Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир” Қуръон. Ал-исро.85; Ол и имрон. 179. Аллоҳ сизларни **ғайб илмидан хабардор қилмади**. Лекин Аллоҳ пайғамбарларидан Ўзи истаган зотларни сайлаб олур (ва уни ғойибдан огоҳ қилур.). Бутун жаҳонда Парвардигор Шри Кришнанинг «Бҳагавад-гита»да берган руҳий таълимотини ўргатувчи бирор факультет топиладими? Массачусети технология институти талабалари олдида маъруза қилганимда, мен улардан: “Сизларнинг институтда тирик одамнинг ўлик одамдан фарқини ўргатадиган факультет борми?”-деб сўрадим. Одам ўлганида унинг танасидан қандайдир бир нарса чиқиб кетади. Ана шу нарсани алмаштириш технологиясини ҳеч ким ўрганмайдими, ҳеч ким буни сизларга ўргатмайдими? Нимага олимлар ана шу муаммони ҳал қилишга уринмайдилар? Бу муаммони ҳал қилиш уларнинг қўлидан келмайди, шунинг учун улар мағрурлик билан бу муаммога қўл силтаб қўяверадилар. Улар худди бирор катта иш қилаётган одамлардай еб-ичиш, ухлаш, насл қолдириш ва ўзини ҳимоя қилиш технологиясини ўрганишга киришадилар. Ведавий муқаддас китобларда бу технология - ҳайвонлар технология-

сидир, деб айтилган. Хайвонлар ҳам зўр бериб яхши овқатланиш, хотиржам ухлаш, жинсий алоқа қилиб, насл қолдириш ва ҳаётини муҳофаза қилишга интиладилар. Шундай экан, инсоннинг катта университетларда ўрганаётган илмининг хайвонлар илмидан нима фарқи бор? Аслида ҳақиқий инсон ўлик тана билан тирик тананинг, **ўлик билан тирикнинг фарқини** тушуниб олиш учун илм ўрганиши лозим. Кришна ана шу илоҳий, руҳий илми «Бхагавад-гита»нинг бошида Аржунга ўргатган. Аржун Кришнанинг дўсти, жуда ақлли, чуқур тафаккурга эга инсон эди, лекин барибир унинг илми ҳам, худди бошқа одамларники сингари чекланган эди. Кришна Аржунни чекланган илми доирасидан ташқарида бўлган нарсалар билан таништирди. Ана шу илм *адхокшаджа* деб аталади, яъни бу илми бизга фақат моддани ўрганишда ёрдам бера оладиган сезги органларимиз ёрдамида бевосита сезишнинг иложи йўқ. Масалан, ҳозир жуда кучли микроскоплар бор, улар ёрдамида кўзларимиз кўролмайдиган нарсаларни кўра оламиз, лекин танадаги руҳни ҳеч қандай микроскоп ёрдамида кўриб бўлмайди. Шунга қарамай барибир рух, жон ҳақиқатан ҳам бор нарса.

«Бхагавад-гита» таълимоти тана ва унинг эгаси бўлган руҳни бир-бирдан бутунлай ажратган ҳолда, алоҳида-алоҳида таҳлил қилади. “Мен” - тананинг эгасиман, бошқалар ҳам ўз танасининг эгаси. Бу “менинг қўлим”, деб айтаман, лекин “мен - мана шу қўлман” демайман-ку. Мен қўл меники эканини тасдиқлапман, демак, мен қўлимдан фарқ қиламан. Бу гапларни биз кўзларимизга, оёқларимизга ва танамизнинг бошқа қисмларига нисбатан ҳам айтишимиз мумкин. Мана шу менга тегишли бўлган нарсаларнинг орасида албатта “мен”, “ўзим” ҳам бўлишим лозимлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ана шу саволга жавоб излаш жараёни мураккаб, медитация деб аталади. Ҳақиқий мураккаб - одам ўзига “Мен кимман, қаердаман?” деб савол бериб, шу саволга жавоб излаш жараёнидир. Лекин моддий усуллар билан бунга қанчалик уринмайлик, биз ўзимиз бу саволларга жавоб топа олмаймиз, шунинг учун жаҳоннинг ҳеч бир университетидан бирор олим бу саволларга жавоб изламайди, бу нарсаларни ўрганишга уринмайди. Одатда, “бу жуда қийин, мушкул иш!” - дейди олимлар. Ёки “бу муҳим, долзарб муаммо эмас!” деб айтадилар. Ҳозир олим ва инженерлар отсиз арава(машина) ва механик қуш(самолет)лар ихтиро қилиш билан банд. Авваллари одамлар от, туя, филларга миниб юрадидилар, атроф-муҳит, ҳаво ҳам ифлосланмас эди, экология муаммоси ҳам йўқ эди. Ҳозир одамлар машиналарда, самолетларда юрадидилар, олимлар ўзларининг шу “ихтиро”лари билан жуда гердаядилар. “Биз отсиз юрадиган аравалар, қанот қокмай учадиган қушлар яратдик!” - деб мақтанишади улар. Улар самолет ва ракеталар

учун сунъий қанот яратдилар, лекин улар ҳеч қачон жонсиз, руҳсиз яшай оладиган тана ярата олмайдилар. Агар улар шу ишни қила олсалар эди, ҳақиқатан ҳам мақтовга лойиқ иш қилган бўлардилар, лекин, уларнинг бу йўлда қилган барча уринишлари бекорга кетаверади, чунки биз аниқ биламизки, фақат руҳий жон, яъни рух танани яшашга, машинани ишлашга мажбур қила олади. Ҳатто энг замонавий компьютер ҳам операторсиз ишлай олмайди. Худди шундай, Коинот деб аталадиган бу катта машина ҳам, Олий Руҳнинг бошқаруви остида ишлашини ҳамиша эсда сақлашимиз лозим. Ана шу Олий Руҳ - Кришна. Олимлар оламнинг мавжудлигининг бошланғич сабабини ёки моддий оламнинг олий бошқарувчисини излаб топишга ҳаракат қиладилар ва бу тўғрида ҳар хил таълимот ва таҳмин, гипотезаларни олға сурадидилар, лекин, ҳақиқий илм ўрганиш усули жуда содда, осон ва айна пайтда мукамал: мукамал шахс - Кришнанинг гапларини тинглаш. Кришнанинг «Бхагавад-гита»да нозил қилган мукамал илмини ўрганган ҳар бир инсон дарров тушуниб етадики, ўзимиз ҳам, Ер сайёраси ҳам таркибий қисми бўлган ва “моддий олам” деб аталадиган бу борлиқ фақат уни Кришнанинг Ўзи бошқариб тургани сабабли бирор хатосиз, бир маромда ишлаб турибди.

Бизнинг илм ўрганиш усулимиз жуда оддий. Кришнанинг насиҳатларидан таркиб топган «Бхагавад-гита» - донишмандлик илмининг асосий китоби ва уни *ади-пурушанинг* Ўзи, бевосита Худонинг Олий Шаҳси айтиб берган. Парвардигор - ҳақиқатан ҳам мукамал шахс. Кимдир бунга эътироз билдириши мумкин: хўп, биз Кришна ҳақиқатан ҳам мукамал шахс эканини тан оламиз, лекин жаҳонда Кришнани тан олмайдиган шунча одамлар ҳам бор-ку? Шуни яхши тушуниб олиш керакки, биз Кришнани ўз истагимиз билан, ўзимиз шуни хоҳлаганимиз учун мукамал шахс деб тан олаётганимиз йўқ. Кришна ҳақиқатан ҳам мукамал шахс эканини жуда қўп ишонарли зотлар тасдиқлаган. Биз фақат ўзимизнинг фикр-ўйларимизга, сезгилаимизга асосланиб Кришнани мукамал шахс, ягона Парвардигор деб қабул қилган эмасмиз. Йўқ. Бу ҳақиқатни ҳақиқий илм манбаи бўлган Ведаларни мукамал биладиган билимдон донишманд олимлар ҳам тан олганлар. Уларнинг биттаси - барча ведавий битикларнинг муаллифи Вйасадева. Ведалар барча илмларнинг манбаидир, Ведаларнинг муаллифи Вйасадеванинг ўзи тасдиқлаб айтадики, Кришна - Худонинг Олий Шаҳси. Вйасадеванинг руҳий устози Нарада Муни ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Нарада Мунининг руҳий устози маъбуд Браҳма Кришнани Олий Шаҳс дебгина қолмасдан, Уни - Олий Ҳукмдор деб айтади. У шундай дейди: *швараҳ парамәх кришнаҳ* - яъни, “бутун борлиқнинг олий ҳукмдори - Кришна”.

Бутун борлиқда ўзини мутлақо мустақил деб

айта оладиган бирор зот топилмайди. Қанчалик катта мартабага, лавозимга эга бўлмасин, ҳар бир тирик мавжудот барибир кимнингдир амрига бўйсунishi шарт. Аммо, Кришна ҳеч кимга бўйсунмайди, шунинг учун ҳам У - Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор. У - ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳукмдоридир: ҳеч ким Ундан устун эмас, ҳеч ким Уни ўз амрига бўйсундира олмайди. У билан тенглаша оладиган ва Унинг Олий ҳокимлигини У билан бўлишадиган ҳам бирор зот йўқ. Бундай хулоса ғалати бўлиб туюлиши мумкин, чунки ҳозирги даврда “биз Худонинг даргоҳиданмиз” деб эълон қиладиган зотлар кўпайиб кетган. Ана шундай Худоларнинг пайдо бўлиши ҳозирги кунда одатдаги ҳол бўлиб қолган: уларнинг кўпчилиги одатда Ҳиндистондан чиққан фирибгарлардир. Бошқа мамлакатларда яшайдиган одамларда бундай касаллик йўқ, чунки уларнинг орасида сохта Худолар жуда камдан-кам ҳолларда пайдо бўлади. Ҳиндистонда эса, ғофил одамлар деярли ҳар куни кимнидир “Худо” деб эълон қиладилар. “Нью-Йоркка ёки Лос-Анжелесга Худонинг Ўзи учиб келармиш!” деган гаплар тез-тез қулоққа чалиниб туради - шундай “Худо”ни кутиб олиш учун жуда кўп одамлар тўпланишади. Аммо, қандайдир сирли фабрикаларда пайдо бўлган ана шундай сохта Худоларга Кришнанинг мутлақо алоқаси йўқ. Уни ҳеч ким Худо деб эълон қилган эмас, ҳеч ким Худо қилган эмас, У ҳамиша Худо бўлган, ҳамиша Худо бўлиб қолаверадиган ҳақиқий, ягона Парвардигордир.

Шундай қилиб, Ведаларнинг тасдиқлашига ишониб, биз бу моддий оламни, моддий табиат Кришнанинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси бошқариб турганини тушуниб олишимиз лозим, - мана шу ҳақиқатни Ведалар илмини мукаммал биладиган барча табаррук зотлар тасдиқлайдилар. Илм олиш учун ишонарли манбага мурожаат қилиш йўли биз учун янгилик эмас: ҳар қандай одам ҳам ҳаётда кимгадир ишониб яшаши лозим. Илм ўрганиш учун биз мактабга борамиз, ёки репетитор ёллаймиз, ёки ота-онамиздан ўрганамиз. Улар биз ишонадиган одамлар - авторитетлар, ишонарли манбалардир, шу боис табиий равишда биз улардан илм ўрганамиз. Ёшлигимиздан бери биз кўп нарсани отамиздан ўрганамиз: “Дада, бу нима?” Дадамиз ҳам бизнинг саволларимизга ҳамиша жавоб берган: “Бу - ручка, бу - тарвуз, бу - кўзойнак, бу - стол...”. Шу тариқа инсон ўз умрининг биринчи кунларидан бошлаб илм ўргана бошлайди. Ота-онасидан сўраб, инсон кўзига кўринган нарсаларнинг номларини, уларнинг бир бири билан ўзаро муносабатларини билиб олади. Яхши ота-она ҳеч қачон боласи берган саволларга нотўғри жавоб бермайди, улар фарзандига ҳар бир нарса ҳақида тўғри маълумот берадилар. Худди шундай, агар биз ҳеч қачон алдамайдиган мукаммал зотга мурожаат қилсак, ундан руҳий нарсалар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўламиз, ўрганган

илмимиз ҳам мукаммал бўлади. Агар биз ўзимизнинг мукаммал бўлмаган ақлимизга ишониб, қандайдир хулосалар чиқарсак, албатта қандайдир хатоларга йўл қўямиз. Илм олишнинг индуктив йўли, яъни, баъзи бир нарсаларни ўрганиб, шулар асосида дарров умумий хулосага келиш орқали олинган илм мукаммал илм бўлолмайди. Биз чекланганмиз, бизнинг моддий сезгиларимиз ҳам чекланган, шу боис ўзимизча чиқарган хулосаларимиз ҳамиша нотўғри бўлади.

Лекин, агар биз илмни мукаммал манбадан, яъни Кришнадан ўргансак, кейин фақат шу эшитганларимизни такрорлаб юрсак, бизнинг айтаётган гапларимиз ҳам ишонарли ва шубҳасиз, мукаммал бўлади. Парампаранинг, яъни шогирдлар силсиласининг занжири қонун-қондаси шундай: биз Кришнанинг, Унинг содиқларининг насихатларини тинглашимиз ва эшитганларимизни худди шундай, ўзгартирмасдан такрорлашимиз керак. Кришна «Бхагавад-гита»да айнан мана шу усул ҳақида гапиради:(4,2)

*эвам парампара-праптам  
имам раджаршайо видух*

“Бу олий илм шу тарзда шогирдлар силсиласи орқали устоздан шогирдга ўтиб келган, авлиё шоҳлар уни шу йўл билан ўрганганлар”.

Қадим замонларда одамлар ҳақиқий илмни ҳамманинг чексиз обрў-эътиборига сазовор бўлган буюк авлиё шоҳлар орқали ўрганганлар. Шундай шоҳлар *риши*лар деб аталган, бу унвон “буюк донишманд ва Худонинг содиқ хизматкори” деган маънони билдирган. Улар оддий инсонлар эмасдилар, шунинг учун, улар бошқараётган ҳукумат ҳам жамият олдидаги ўз бурчини бениҳсон бажарган. Ведавий жамият тарихида Худонинг содиқ хизматкорлари бўлиб руҳий баркамоллик чўққисига эришган жуда кўп шоҳлар ҳақида хабарлар бор. Масалан, Дхрува Махараж Худони излаб ўрмонга йўл олган эди, шу жойда каттиқ риёзатларга берилиб, олти ойдан кейин у Парвардигорни яққол кўришга муваффақ бўлди. Гарчи бу шаҳзода эндигина беш ёшга тўлган бўлиб, танаси ҳали жуда нозик бўлса ҳам, у баркамоллик чўққисига эришишга муваффақ бўлди, чунки у руҳий устози Нарада Мунининг насихатларига чуқур ишонч билан қатъий амал қилган эди. Ўрмонда ўтказган биринчи ойи давомида Дхрува ҳар уч кунда бир марта озгина мева ва сабзавот еб, ҳар олти кунда бир марта озгина сув ичиб юрди. У ҳатто олаётган нафасини ҳам аста-секин камайтира бориб, охирида бутунлай нафас олмай қўйди. Олти ой давомида Дхрува Махараж бир оёғида турди, олти ой давом этган ана шундай риёзатлардан кейин Парвардигорнинг Ўзи унинг олдида пайдо бўлди. Бизлар бундай қийин риёзатларга берилишимизга ҳожат йўқ, чунки шунчаки ана шундай буюк содиқларнинг, Ведалар илмининг билимдонларининг изидан борсак, биз ҳам Парвардигорни юзма-юз кўриш имкониятига

эга бўламиз. Инсоннинг ҳаётда эриша олиши мумкин бўлган энг юксак баркамоллик чўққиси мана шундан иборат.

Кришнани англаш усулининг асосини барибир риёзат ташкил этади, лекин бу риёзатларни бажариш унчалик қийин эмас. Бу риёзатларнинг моҳияти овқатланиш ва жинсий алоқани иложи борича камайтиришдан иборат. Овқат аввал албатта Кришнага таклиф қилинган бўлиши керак, жинсий алоқа фақат никоҳ доирасида ва фақат фарзанд кўриш учун бўлиши керак. Рухий юксалишда тезроқ муваффақиятга эришиш учун яна бир неча қоидаларга амал қилиш лозим. Дхрува Махараж чеккан риёзатларни такрорлаш ҳозирги даврда ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, лекин шунга қарамай, Кали-юга даври учун ведавий муқаддас китобларда берилган асосий қонун-қоидаларга амал қилиш ёрдамида биз руҳий ўзлгимизни англаб, қалбимизда Кришна онгини ривожлантиришимиз мумкин. Ана шу йўлдан адашмай борар эканмиз, биз ҳақиқий мукамал илмга эга бўламиз. Агар ўлгандан кейин ҳаёт бор ёки йўқлигини, келажакда ҳаётда қандай шароитга тушиб қолишимизни билмасак, буюк олим ёки файласуф деб ном чиқаришнинг қандай маъноси бор? Қалбида Кришна онгини ривожлантирган ҳар қандай инсон ўзининг кейинги ҳаёти қандай бўлишини, **Парвардигор ким ва қандай эканини, тирик мавжудот ўзи ким ва унинг Парвардигор билан ўзаро муносабати қандай** эканини ҳеч қийналмасдан айта олади. Шундай инсоннинг илми мукамал илмдир, чунки у бундай маълумотларни "Шримад Бхагаватам", «Бхагавад-гита» сингари ишончли мукамал муқаддас китоблардан олади.

Кришнани англаш усулининг моҳияти шундан иборат. Бу усул жуда осон: ҳар бир инсон ўз ҳаётида бу усулдан фойдаланиб, инсон танасидаги ҳозирги ҳаётида руҳий баркамоллик чўққисига эришиши мумкин. Бу усулни ҳатто мутлақо саводсиз, ўқиш, ёзишни билмайдиган одам ҳам муваффақият билан қўллаш олади. Қуйидаги мантрани мунтазам зикр қилиб юриш билан ҳар қандай одам ҳам баркамоллик чўққисига эришиши мумкин:

*Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна,  
Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама,  
Рама Рама Ҳаре Ҳаре.*

Кришна бизга тил ва икки қулоқ бериб қўйган, шуниси ҳайратлики, Парвардигорни кўз билан эмас, балки тил ва икки қулоқ ёрдамида англаш мумкин. Кришнанинг насиҳатларига қулоқ солиб, биз тилимизни тийишни ўрганамиз, тилимизни тийиш натижасида қолган бошқа сезгиларимизни жиловлай оламиз. Барча сезги аъзолари ичида тил энг очофат ва тўймас бўлиб, уни жиловлаш жуда қийин. Лекин, барибир уни Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ва аввал Кришнага таклиф этил-

ган таом - *прасад* тановул қилиш ёрдамида жиловлаб олиш мумкин.

Биз Кришнани ўзимизнинг ҳозирги покланмаган ақл ва сезгиларимиз ёрдамида англашга қодир эмасмиз. Бунинг ҳеч қандай иложи йўқ, чунки Парвардигор Кришна шу қадар улуғворки, бизнинг ақлимиз ва сезгиларимиз Уни ўзининг чегарасига, тасаввурига сиғдира олмайди. Аммо, ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширган киши Худони англаш олади. Шунинг учун ҳам Кришна бизга айнан шу усулни тавсия этади.

*сарва-дҳарман паритяджйа  
мам экам шаранам враджа  
ахам твам сарва-панебхйо  
мокшайишйами ма шучах*

“Барча динлардан воз кеч ва ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан қўрқма”. (Бг.18.66).

Лекин, бахтга қарши, биз оғир касалликка чалинганмиз. Касаллик бизнинг бўйсуннишни истамаслигимиздир - биз ҳеч кимга бўйсуннишни, ҳеч кимнинг биздан устун, бизга ҳукмрон эканини тан олишни истамаймиз. Шунга қарамай, “ҳеч кимга бўйсуннишни истамаймиз” десак ҳам, барибир моддий табиат бизни биратўла ўзига бўйсундириб қўйибди. “Ҳеч кимга бўйсунмайман” деб гердаядиган, лекин айни пайтда ўзининг сезги аъзоларининг, нафсининг итоаткор қули бўлиб, улар қажоққа етакласа, ўша ёққа кетиб юрган кишидан ҳам нодонроқ одам борми? Шунинг учун “биз мустақилмиз” деб даъво қилишимиз мутлақо асоссиз бўлиб, ўзимизнинг ғофиллигимиз натижасида чиқарган аҳмоқона хулосадир. Биз ҳамшиша кимгадир бўйсунамиз, шунга қарамай биз Олий Ҳукмдорга бўйсуннишни истамаймиз. Мана шу - алданиш, иллюзия деб аталади. Лекин, Парвардигор барибир бизга бироз мустақиллик бериб қўйган. Биз бўйсуннишда икки йўлдан бирини мустақил танлаш имкониятига эгамиз: кимга бўйсунамиз - ўзимизнинг сезги аъзоларимизнинг амригами ёки Кришнанинг амригами? Кришна - Олий Ҳукмдор, шу билан бирга У - энг яхши Ҳукмдор, чунки У ҳамшиша бизга яхшилик қилишни истайди, У - бизнинг мангу дўстимиз. Нимага буюрса ҳам У фақат бизнинг манфаатимизни кўзлаб буюради. Демак, барибир кимнингдир амрига бўйсуннишга мажбур эканмиз, нимага энди бўйсунниш учун Олий Ҳукмдор Кришнанинг амрига бўйсуннишни танламаймиз? Унинг амрига бўйсуниб, шунчаки "Шримад Бхагаватам", «Бхагавад-гита»да таърифланган Унинг улуғворлиги, кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва Унинг муқаддас номлари - Ҳаре Кришна мантрасини мунтазам зикр қилиш, шарафлаб қўйлаб юриш шарофати билан биз ҳаётда руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига дарров кўтарила оламиз.

## Моддий олам чангалидан қандай қутулиш мумкин?

Бугунги суҳбатимиз мавзуси энг улуғвор мавзу: Худонинг муқаддас номларини шарафлаб куйлаш. Мана шу мавзу Махараж Парикшит билан Шукадева Госвамнинг суҳбатида ҳам муҳокама қилинган эди. Шукадева Госвами гуноҳларга ботиб кетган бир браҳманни мисол келтирган эди. Ўша браҳман шунча гуноҳи азимларга ботиб кетган бўлишига қарамай, умрининг охириги дақиқасида Кришнанинг муқаддас номини зикр қилиш шарофати билан руҳий озодликка эришган эди. Бу воқеа "Шримад Бхагаватам"нинг олтинчи кўшиғида ҳикоя қилинади. Бу асарда Вйасадева Кришнанинг эрмаклари ҳақида жуда кўп ҳикоялар келтирган, айти пайтда Кришнани англаш фалсафасини жуда чуқур таърифлаб берган.

"Шримад Бхагаватам"нинг бешинчи кўшиғида биз яшаб турган коинотдаги сайёралар тизими батафсил таърифланган. Коинотдаги барча сайёралар олий, ўрта ва қуйи сайёралар тизимига бўлинган. Ҳар хил сайёралар ҳақидаги маълумотлар фақат "Шримад Бхагаватам"да эмас, балки бошқа жуда кўп муқаддас китобларда ҳам бор. Уларда ҳам (қуйи)дўзахий ва (олий)жаннатий сайёралар ҳақида маълумотлар бор. "Шримад Бхагаватам"да эса, шу сайёраларнинг қаерда жойлашгани ва Ер сайёрасидан уларгача бўлган масофалар ҳақида маълумотлар бор. Унда келтирилган маълумотлар ҳозирги замонавий олимлар ҳисоблаган Ердан Ойгача ва бошқа сайёраларгача бўлган масофалар билан бир хил. "Шримад Бхагаватам"да коинотдаги бошқа кўплаб сайёралар ҳам таърифланган.

Ҳатто бизнинг сайёрамизда ҳам ҳар хил об-ҳаво шароитлари мавжуд. Ер шарининг мўътадил қисмида жойлашган Америка сингари мамлакатларнинг об-ҳавоси Ҳиндистон, Африка сингари тропик мамлакатларнинг об-ҳавосидан кескин фарқ қилади. Худди шундай, коинотда ҳам об-ҳавоси, яшаш шароити бошқа сайёраларникидан кескин фарқ қиладиган сайёралар бор. Шукадева Госвамидан ана шундай сайёралар ҳақидаги маълумотларни тинглаб туриб, Махараж Парикшит шундай деганди:

*адхунеха маха-бхага  
йатхаива наракан нараҳ  
наограйатанан нейат  
тан ме вйакхйатум архаси*

“Эй азиз ҳукмдорим, сен менга дўзахий сайёраларни таърифлаб бердинг. Бу дунёда гуноҳга ботиб яшаган осий одамлар ўлгандан кейин шу сайёраларга тушади”(ШБ.6.1.6).

Махараж Парикшит вайшнав, яъни Худонинг содиқ хизматкори эди, ҳақиқий вайшнав эса, бошқаларнинг азоб чекаётганини кўриб,

ҳамдардлигидан уларга ачиниб, қаттиқ изтироб чекади. Масалан, Йисо Масих, одамларнинг қандай ачинарли ҳаёт кечираётганларини кўриб, уларни қайғуриб, қаттиқ қийналган эди. Қайси давлатда туғилганидан, қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар, вайшнавлар, яъни Худонинг содиқ хизматкорлари ҳамиша бошқаларга нисбатан жуда ҳамдард бўладилар. Шунинг учун вайшнавни, яъни ягона Парвардигорнинг шон-шухратини бошқаларга тарғибот қилиб юрган кишини ҳақорат қилиш - ҳатто Парвардигорнинг Ўзи ҳам ҳеч қачон кечирмайдиган энг оғир гуноҳ ҳисобланади.

Ҳақиқий вайшнавнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилган кишининг гуноҳини Кришна ҳеч қачон кечирмайди. Лекин вайшнав ҳамманинг гуноҳини кечириб юборишга ҳамиша тайёр. Шунинг учун уни *крипамбудхи* – “марҳамат уммони” деб атайдилар. *Ванчха-калта-тару*: Ҳар қандай кишида ҳам қандайдир орзу-истаклар бўлади, ҳақиқий вайшнав инсоннинг ҳар қандай орзусини рўёбга чиқаришга қодир. *Калта-тару* деб руҳий оламда ўсадиган орзулар дарахтини айтдилар. Моддий оламдаги мевали дарахтларда фақат бир хил мевалар етилади, лекин Кришналоқада ва руҳий оламнинг бошқа сайёраларида ўсадиган барча дарахтлар “орзулар дарахти”дир, улар ҳар бир инсоннинг истагига қараб, турли хил мевалар бера олади. Бу ҳақда “Браҳма-самхита”да ёзилган: *чинтамани пракар-садмасу калта-врикша*. Ҳақиқий вайшнав ҳам ана шундай дарахтга қиёсланган, чунки у самимий интилаётган шогирдга бебаҳо неъмат - Кришна онгини совға қилиши мумкин.

Вайшнавни *маха-бхага* деб ҳам атайдилар, бу “жуда омадли” деган маънони билдиради. Вайшнав бўлиб, ҳозирги ҳаётида Худони англаб етган киши энг олий даражадаги инсон ҳисобланади. Чайтанйа Махапрабху, ҳозирги даврда Кришнани англаш илмини кенг тарғибот қилишни бошлаб берган буюк доҳий айтган эдики, коинотнинг ҳар хил сайёраларида яшайдиган тирик мавжудотлар ҳаётнинг бир туридан иккинчи турига ўтиб, туғилиш ва ўлишлар чархпалагида айланиб юрадилар. Тирик мавжудот коинотнинг дуч келган сайёрасига тушиб қолиши мумкин - дўзахга, жаннатга - бунинг учун у етарлича тайёргарлик кўрса бас. Жуда кўп жаннатий ва дўзахий сайёралар ва сон-саноксиз ҳаёт турлари мавжуд. "Падма пурана"да ёзилганки, коинотда 8.400.000 ҳаёт тури мавжуд, тирик мавжудот шу ҳаёт турларидан бирдан иккинчисига ўтиб, ўзининг ҳозирги инсон танасидаги қилган ишлари натижасида ҳар гал янги тана олиб, коинот бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юради. “Ҳар ким экканини ўради”, (“Қилмиш - қидирмиш”), - ҳар бир тирик мавжудот албатта бўйсунадиган ҳаёт қонуни мана шундан иборат. Шри Чайтанйа Махапрабху айтадики, моддий оламда адашиб юрган миллионлаб тирик

мавжудотлар орасида биргина киши Кришнани англаш йўлига кириш бахтига муяссар бўлиши мумкин. Кришнани англаш илмини эгаллаш, Кришна онгига эга бўлиш ҳар бир инсоннинг кўлидан келади, лекин, айниқса биз яшаётган Кали-юга даврида уни эгаллашга ҳамма ҳам бирдай интилавермайди. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"да Кали-югада яшаётган одамлар "жуда омадсиз" деб таърифланган. Чайтанйа Махапрабху айтадики, ҳаётда катта омадга дуч келган энг бахтли одамларгина, Кришнани англаш йўлига кириши, руҳий илмга эга бўлиши, шу тариқа ҳаётда туганмас, ҳақиқий бахтга эришиши мумкин.

Шундай қилиб, вайшнавинг бурчи - эшикмаэшик юриб, бу оламда мусибат чекиб юрган бахтиқаро одамларнинг чексиз, ҳақиқий бахтга эришишларига ёрдам беришдан иборат. Вайшнав ҳаммиша "қандай қилиб одамларни бундай оғир, даҳшатли ҳаёт гирдобидан озодликка чиқариш мумкин?" - деб ўйлаб юради. Махараж Парикшит ҳам Шукадева Госвамидан шу ҳақда сўраган эди. "Эй азиз ҳукмдорим, - деган эди у. - сен менга инсон ўзининг бу дунёда қилган гуноҳлари оқибатида қандай оғир ҳаёт шароитларига тушиб қолиши ёки дўзахга равона бўлиши ҳақида гапириб бердинг. Энди менга инсон ана шундай оғир аҳволдан қутулиши мумкин бўлган йўллар ҳақида гапириб бер". Бу жуда муҳим савол. Парвардигорнинг Ўзининг, Унинг ўғли ёки Худонинг содиқ хизматкорларининг, вайшнавларнинг бу дунёга келишдан ягона мақсади - оғир мусибат чекаётган гуноҳкорларни руҳий озодликка чиқаришдан иборат. Улар бунга қандай амалга оширишни яхши билдилар. Парвардигор Нрисимхадевани кўрганида Прахлад Махараж Унга шундай деган эди: (ШБ.7.9.43)

*наиводвидже пара дуратйайя-ваитаранйас  
твадвирйя-гайяна-махамрита-магна-читта  
шоचे тато вимукха-четаса индрийартха-  
майя сукхайя бхарам удвахато вимудхан*

"Эй азиз Худойим, - деди Прахлад Махараж. - мен ўзимнинг озодликка чиқишим ҳақида қайғураётганим йўқ". Прахлад Махаражнинг мана шу гаплари фақат ўзларини ўйлайдиган, руҳий озодликка чиқишларига ҳеч ким тўсқинлик қилмаслигини истайдиган майавади-файласуфларнинг дунёқарашига мутлақо зиддир. Майавадилар: "Агар мен Худо ҳақидаги илмини тарғибот қилиб, оддий одамларнинг орасига борадиган бўлсам, йўлдан адашиб, шунча чеккан риёзатларим натижасидан маҳрум бўлиб қоламан" - деб ўйлайдилар. Шу боис улар Ҳақиқат илмини тарғибот қилишга интилмайдилар. Аммо, вайшнавлар ҳеч нарсадан қўрқмасдан руҳий илмини бошқаларга ўргатадилар, гарчи ҳар қадамда руҳий юксалиш йўлидан адашиш хавфи учраб турса ҳам, улар ҳеч қачон адашмайдилар. Бу дунёда шартланиб қолган руҳларни озодликка чиқариш учун вайшнав ҳатто дўзахга боришга ҳам тайёр. Мана

шундай кайфият Прахлад Махаражнинг кайфиятига мос келади. Прахлад Махараж давом этиб шундай дейди: "Мени ўзимнинг бу дунёга тушиб қолганим ташвишга солаётгани йўқ. Мени ўз тақдирим унчалик ташвишга солмайди, чунки мен ҳаммиша Кришна онги билан яшашни ўрганиб олдим". Прахлад Махараж Кришна онгига эга зот бўлгани учун кейинги ҳаётда албатта Кришнанинг даргоҳига қайтиб боришини яхши билар эди. «Бхагавад-гита»да айтилганки, Кришнани англаш усулининг қонун-қоидаларига жиддий амал қилиб юрган киши кейинги ҳаётда албатта энг олий мақсадга эришади, яъни Худонинг даргоҳига, ўзининг мангу уйига қайтиб боради. Прахлад Махараж шундай дейди: "Мени фақат бир нарса ташвишга соляпти. Мен Кришна онгига эга бўлмаган одамларнинг тақдирига ачинапман. Мен ўзимни ўйлаётганим йўқ, лекин ана шу одамларнинг тақдири менга сира тинчлик бермайди". Нимага одамлар Кришна онгига эга эмаслар? *Майя-сукхайя бхарам удвахато вимудхан*. Чунки улар ярамас, ғофил одамлар тузган жамиятда яшайптилар. Худди кум устига қурилган иморатдай, бу жамият фақат ўткинчи, дунёвий бахтга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

*Майя-сукхайя*. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай: биз совун кўпигига ўхшаган маданият барпо этишда жуда катта муваффақиятга эришдик. Ҳар йили жаҳонда миллионлаб автомобиллар ишлаб чиқарилади, улар учун минглаб, миллионлаб километр йўллар қурилиб, таъмирланади. Бу эса, жамиятда ҳар хил ноқулайликларни келтириб чиқаради, лекин шунга қарамай, барибир транспорт муаммоси ҳал бўлмай қолаверади. Мана шу *майя-сукхайя*, алдамчи бахт деб аталади. Биз у ёки бу йўл билан бахтли бўлишга интиламиз, лекин аслида ўзимиз учун ҳар хил янги муаммолар келтириб чиқарамиз, холос. Америка автомобил ишлаб чиқаришда жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган, лекин Американинг бу ҳолати мамлакатдаги атиги бирор муаммони ҳал қила олдами? Одамлар ўз ҳаёт шароитини энгиллатиш учун автомобил ўйлаб чиқардилар, лекин атрофимизга қараб туриб, кўрамизки, автомобилларнинг кўпайиб кетгани одамларнинг ҳаёт шароитини энгиллатгани йўқ, аксинча, жуда кўп янги муаммоларни юзага келтирди. Эндиликда дўстлар билан учрашиш ёки врачга кўриниш учун 30-40 км йўл юришга мажбур бўлдик. Нью-Йоркдан Бостонгача тахминан бир соатда учиб бориш мумкин, лекин, уйдан аэропортга бориш учун икки-уч соат йўлда сарсон бўлиб юриш керак. Мана шу *майя сукхайя* деб аталади. *Майя* дегани "алдамчи", "сароб" дегани билдиради. Биз ҳаётимизни ҳар хил қулайликлар билан таъминлашни истаймиз, лекин интилишимиз натижасида ҳар хил янги муаммоларга дуч келамиз, холос. Моддий олам ўзи шундай тузилган. Агар биз Парвардигорнинг, моддий табиат-



нинг биз учун яратиб қўйган шароитига, қулайликларига қаноат қилмасдан, ўзимиз сунъий равишда қандайдир қулайликлар яратмоқчи бўлсак, жуда катта ноқулайлик ва муаммоларга дуч келамиз. Аксарият одамлар буни тушунмайдилар, шу боис улар, энди тирикчилик қилиш учун пул ишлаб топадиган жойгача ҳар куни 40-50 км йўл юриб бораётган бўлса ҳам, “хаётимиз тобора яхшиланиб борапти” деб алданиб юраверадилар.

Прахлад Махараж тушунтириб айтяптики, *вимудхалар*, яъни материалист одамлар, ўткинчи, сароб бахтга эришиш йўлида сон-саноксиз ташвишларга дуч келяптилар. *Вимудхан, майа-сукхайа бхарам удхавато*. Шунинг учун Ведалар жамияти ҳаётда инсонни таркидунё қилиб, *саннийаси* бўлишга, дунёвий ҳаётдан воз кечишга, шу тариқа ҳеч қандай муаммоларсиз Худога садоқат билан хизмат қилиб яшашга чакиради.

Лекин, Худони англаб етиш учун дунёвий ҳаётдан воз кечиш шарт эмас. Агар инсон Кришнани англаш усули билан ўзининг оиласида шуғуллана олса, унинг уйини ташлаб кетишининг мутлақо ҳожати йўқ. Гарчи Бхактивинода Тхакур, оилали бўлса ҳам, бунинг устига қозилик вазифасини бажариб юрган бўлса ҳам, бу машғулотлар унга Худога садоқат билан хизмат қилишда энг юқори поғоналарга кўтарилишга ёрдам берган. Дҳрува махараж ҳам, Прахлад Махараж ҳам оилали одамлар бўлган, шунга қарамай улар ҳаётда ўзларини шундай тутганларки, кундалик турмуш ташвишлари уларнинг Худога садоқат билан хизмат қилишларига тўсқинлик қилмаган. Шунинг учун Прахлад Махараж шундай дейди: “Мен ҳамиша Кришна онгида бўлиш санъатини ўрганиб олдим”. Ана шу санъатнинг сири нимада экан? *твад-вирйагайана-махаамрита-магна-читтаҳ*.

Ҳамиша Кришна онгида юриш учун Парвардигорнинг кўрсатган ғаройиб кароматларини ва эрмакларини шарафлаб қуйлаб юришнинг ўзи кифоя. *Вирйа* сўзи “энг олий даражада жасоратли” деган маънони англатади. “Шримад Бхагаватам” ўқиб ўрганар эканмиз, аста-секин биз Кришнанинг кўрсатган кароматлари, Унинг улуғворлиги, ҳамроҳлари, Кришна билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг барчаси ҳақиқатан ҳам шарафлаб қуйлашга энг муносиб мавзулар эканига ишонч ҳосил қила борамиз. Бу ҳақда Прахлад Махараж шундай дейди: “Аминманки, мен қаерда бўлсам ҳам, ҳамиша Сенинг кўрсатган илохий кароматларингни шарафлаб қуйлаб юраман, шунинг учун мен ҳеч қачон руҳий юксалиш йўлидан адашмайман. Лекин мени фуқароларни кеча-кундуз тинмасдан оғир меҳнат қилишга мажбур қиладиган худобехабар жамиятни юзаг келтирган одамларнинг келажакдаги тақдири ташвишга соляпти. Улар ҳақидаги ўйлар менга сира тинчлик бермаяпти”. Прахлад Махараж давом этиб, шундай дейди:

*прайена дева мунайаҳ сва-вимукти-кама маунам чаранти виджане на парартха-ништхаҳ*

*наитан вихайа крипанан вимумукша эко нанйам твадасйа шаранам бхрамато “нупашиё*  
“Эй азиз Худойим, кўпчилик авлиё донишмандлар фақат ўзини қутқариш йўлини излайдилар. Улар Ҳимолай сингари хилват жойларда яшайдилар, ҳеч ким билан ҳамсухбат бўлмайдилар, йўлдан адашишдан ёки ортикча ташвишлардан кўрқиб, ҳамиша шаҳарларда яшайдиган одамлардан узоқ юришга интиладилар. Улар фақат ўз манфаатини ўйлайдилар. Ана шундай авлиё донишмандларнинг одамлар кечаю-кундуз тиним билмай оғир меҳнат қилишга мажбур бўлаётган гавжум шаҳарларда пайдо бўлмаслигидан мен қаттиқ афсусланаман. Шундай авлиё донишмандларнинг қалбида бошқаларга нисбатан ҳамдардлик туйғуси умуман ривожланмаган. Мен эса, фақат алдамчи нафсининг, сезгиларининг талабини қондириш учун шунча вақтини, нодир инсон умрини оғир меҳнат қилишга сарфлаб юрган ғофил одамларнинг тақдирига ачиниб қийналаман”(ШБ.7.9.44).

Ҳатто, оғир меҳнат қилишнинг ҳам қандайдир ўзига хос маъноси мавжуд бўлса ҳам, унинг моҳияти оддий одамларга маълум эмас. Одамларнинг бу дунёда лаззат оладиган ягона машғулоти – жинсий алоқа. Шунинг учун Прахлад Махараж уларга ачиниб, ҳамдардлик билдирияпти: *наитан вихайа крипанан вимумукша эко*, “Эй азиз Худойим, мен бир ўзим озодликка чиқишни истамайман. Токи мана шу азоб чекаётган одамларнинг ҳаммасини ўзим билан бирга олиб кетмас эканман, мен бу дунёни тарк этмайман”. Шундай қилиб, агар бу дунёдаги барча адашиб юрган ғофил одамлар билан бирга бормайдиган бўлса, у Худонинг даргоҳига боришдан бош тортяпти. Ҳақиқий вайшнавнинг табиати шундай бўлиши керак. *нанйам твадасйа шаранам бхрамато “нупашиё*: “Мен уларга Сенга ўз ихтиёрини топшириш илмини ўргатмоқчиман. Менинг ҳаётдаги ягона истасгим шу”.

Прахлад Махараж ўз ихтиёрини Кришнага топшириш қанчалик муҳим эканини алоҳида таъкидлаяпти, чунки вайшнав биладикки, одам ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган заҳоти руҳий юксалиш йўлидаги барча тўсиқлар ўз-ўзидан ғойиб бўлади.

*наиводвидже парра дуратйайа-ваитаранйас твад-вирйа гайана-махамрита-магна-читтаҳ*  
“Вайшнав одамларнинг Кришнага сажда қилиб сиғинишларига ёрдам бериш учун қўлидан келганча ҳаракат қилиши лозим”. Бу усул жуда осон: баркамолликка эришиш учун бизга қўйиладиган ягона шарт - чуқур иймон билан Кришнанинг олдида самимий бош эгиб, Унга мурожаат қилиш: “Эй азиз Худойим, эй Парвардигор, мен шунча умрлардан бери Сени унутиб юрган эдим. Энди Сенинг мен учун қанчалик азиз, қадрли эканингни англаб етдим. Илтимос, мени қабул эт!” Бор йўғи шу. Агар инсон мана шу усул ёрдамида ўз ихтиёрини Худога топширса, унинг олдида баркамоллик

чўққисига эришиш йўлининг эшиклари кенг очилади. Ҳақиқий вайшнавинг ҳаётдаги мақсади шундан иборат.

Ҳақиқий вайшнава ҳамиша бу дунёда шартланган ҳолда тутқун бўлиб юрган ғофил одамларни руҳий озодликка чиқариш йўлларини ўйлаб, ҳар хил режалар тузиб юради. Чайтанья Махапрабхунинг Вриндаванда яшаган шогирдлари олти Госвами ана шундай вайшнавлардан эди. Шриниваса Ачарья уларни шарафлаб, шундай деб ёзган эди:

*нана-шастра-вичаранаика-нипунау  
сад-дхарма-самстхапакау  
локанам хитакаринау трибхуване  
манйау шаранйакарау  
радха-кришна-падаравинда-  
бхаджанандена матталикау  
ванде рупа-санатану рагху-йугау  
ири-жива-гопалакау*

“Олти Госвами - Шри Санатана Госвами, Шри Рупа Госвами, Шри Рагхунатха бхатта Госвами, Шри Рагхунатха даса Госвами, Шри Джива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами - бутун инсониятнинг бахт-саодати учун бутун жаҳонда ҳақиқий дин қонун-қоидаларини ўрнатиш ниятида барча муқаддас китобларни чуқур ўрганиб чиқдилар. Улар ҳамиша гопиларнинг туйғуларига фарқ бўлиб, Радха ва Кришнага илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилиб яшайдилар”.

Ҳақиқий вайшнавларга хос ҳамдардлик туйғуси билан Махараж Парикшит ҳам Шукадева Госвамига шундай савол билан мурожаат қилган эди: “Сен менга дўзахдаги азоб-укубатга тўла ҳаёт шароитини таърифлаб бердинг. Энди эса, марҳамат қилиб, шу ерда оғир изтироб чекаётган тирик мавжудотларни қутқариш йўлларини ўргат!” *адхунеха маха-бхага йатхаива наракан нараҳ нанограйатанан нейат тан ме. Нараҳ* ибораси билан адашган одамларни, яъни, ғофиллик ботқоғига ботган бу дунёдаги одамларни айтадилар. *наракан нараҳ нанограйатанан нейат тан ме:* “Уларни ана шу азоб-укубатлардан халос қилишнинг бирор йўли борми?” Вайшнавинг қалби шундай бўш, кўнгилчан. Махараж Парикшит ҳам шундай деганди: “Қандайдир сабаблар билан улар дўзах азобига мубтало бўлганлар. Лекин бу - улар дўзахда мангу қолишлари керак, дегани эмас. Уларни бу азобдан қутқариш йўли албатта бўлиши керак. Илтимос, менга шу йўлларни ўргат”.

Шукадева Госвами унга жавоб бера туриб шундай деди:

*на чед ихаивапачитим йатхамхасаҳ  
критасйа курйан мана-укти-панибхиҳ  
дхрувам са ваи претйа наракан упаити  
йе киртита ме бхаватас тигма-йатанаҳ*

“Ҳа, мен сенга ҳар хил дўзах турларини таърифлаб бердим, у жойга тушган тирик мавжудотлар чидаб бўлмас азоб-укубатларга дучор бўладилар. Лекин

у ўзининг инсон танасидаги ҳаётида дўзахга тушмаслик йўлини қилиб яшаши кераклигини билиши лозим”(ШБ.6.1.7).

Буни қандай амалга ошириш мумкин? Гуноҳ ишларнинг турлари кўп. Улардан биттаси - ҳаёлда амалга ошириладиган гуноҳ ишлар. Агар одам фақат ҳаёлида бирор гуноҳ иш қилишни, масалан, қотиллик қилишни режалаштирса бу ҳам гуноҳ ҳисобланади. Одам бирор иш қилишдан олдин, аввал шу ишни ҳаёлида режалаштиради, фикрлайди, кейин унда шу ишни амалда бажариш истаги пайдо бўлади. Американинг баъзи бир штатларида шундай қонунлар борки, агар сизнинг итингиз бировга қараб ақилласа ҳам бунинг учун жарима тўлашга мажбурсиз. Ит кимгадир ақиллайди, лекин итнинг эгаси бунинг учун жавоб бериши керак. Ит бунинг учун ҳеч қандай маъсулият сезмайди, у - ҳайвон, лекин, итнинг эгаси унинг яқин дўсти бўлгани учун, қонун олдида дўстининг қилган иши учун жавоб беради. Ҳатто итнинг ақиллагани ҳам баъзи ҳолларда жиноят ҳисоблангани сингари, бировларни гап билан ҳақорат қилиш ҳам гуноҳ ҳисобланади, чунки бундай гаплар ҳам аслида итнинг ақиллашидан фарқ қилмайди. Бу мисолнинг маъноси шундан иборатки, одам ақли, тили ёки амали, ҳаракати билан гуноҳ содир қилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси - гуноҳ, инсон шундай ишлари учун жавоб бериши лозим. *Дхрувам са ваи претйа наракан упаити.*

Аксарият одамлар ўлгандан кейин ҳаёт давом этишига ишонмайдилар, чунки улар ўзлари қилаётган ишларни ўйлаб кўришни, қилган гуноҳлари учун жавоб беришни истамайдилар, лекин, ўлгандан кейин ҳаёт давом этиши - муқаррар аниқ ҳақиқат. Ҳукуматнинг қонунларини бузмаслик кераклигини ҳамма билади, акс ҳолда қонунбузар киши қамоқхонага тушиб қолиши мумкин. Ҳукумат қонунларига кўра ҳар қандай жиноят албатта жазоланади. Гарчи баъзан давлат қонунларидан жазоланмай қутулиб қолишнинг иложи бор бўлса ҳам, Худонинг қонунларидан ҳеч ким қутула олмайди. Одам бировни алдаши, бирор нарсани ўғирлаши, кейин бирор жойга яшириниб, одил суд ҳукмидан қочиб қутулиши мумкин, лекин у олий суднинг, яъни табиат қонунларидан, қилган гуноҳлари учун муқаррар жазо олишдан ҳеч қаерга қочиб қутула олмайди. Бунинг сира иложи йўқ, чунки атрофимизда шунча кўп гувоҳлар бор: қуёш ва ой нури бизнинг ҳар бир ишимизнинг гувоҳидир, Кришна эса - олий гувоҳ. Демак, ҳеч ким: “Мен гуноҳ қилдим, лекин буни ҳеч ким кўрмади” деб айтолмайди. Кришна - ҳамиша ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган олий гувоҳ. Кришна тирик мавжудотнинг ўйлаган ёки қилган барча ишларини билибгина қолмасдан, у ўз хоҳиши билан ҳаракат қила олиши учун барча имкониятларни яратиб беради. Агар кимдир ўз сезгиларининг талабларини қондириш ниятида

ҳаракат қилмоқчи бўлса, Кришна унинг шу ниятига эришишида унга ёрдам беради. Бу ҳақда «Бхагавад-гита»да айтилган: *сарвасйа чахам хриди саннивишта* - “Мен ҳар кимнинг қалбида мавжудман”, *матта* *смритир джнана* *апохана* *ча* - “Илм, хотира ва унутиш Мендан чиқади”.

Шундай қилиб, Кришна бизга танлаш эркинлигини бериб қўйган: агар биз У билан бирга бўлишни истасак, бунга эришиш учун У бизга имконият яратиб беради, агар биз Ундан ажралган ҳолда ҳаракат қилишни истасак, У бизнинг Уни унутишимизга ёрдам беради. Агар биз ҳаётда Кришнани эсдан чиқариб, ўзимиз лаззатланишни истасак, Кришна бизнинг истагимизни амалга оширади. Аммо, агар биз Кришна онгида ҳаётдан лаззатланиб яшамокчи бўлсак, У бизга бу йўлда муваффақият қозониш учун ҳамма шароитни яратиб беради. Ҳамма нарса бизнинг ўзимизга боғлиқ. Агар биз ҳаётда Кришнага ҳам бахтли яшай оламиз, деб ўйласак, Кришна бунга ҳам монелик қилмайди. *Йатхечхаси татха куру*. Аржунга шунча насиҳат бера туриб, Кришна шундай дейди: “Мен сенга ҳаммасини айтдим. Энди ўзинг билганча иш тут!” Бунга жавобан Аржун шундай дейди: *каршиё вачанам тава* - “Мен фақат Сенинг амрингни бажаришга тайёрман”. Кришна онги билан яшашнинг моҳияти шундан иборат.

Парвардигор бизга Ўзи бериб қўйган озгина мустақиллигимиздан, танлаш эркинлигидан бизни маҳрум қилишни истамайди. Агар биз Худонинг амри билан яшашни истасак, У бизга ёрдам беради. Худонинг содиқ хизматкори ҳаётда ҳар хил адашишларга, хатоликларга дуч келиши мумкин, лекин у самимий ҳолда, чуқур иймон билан ўзига: “Энди мен бугундан бошлаб ҳамиша Кришна онги билан яшайман. Энди фақат Кришнанинг кўрсатмалари асосида яшайман!” - деб қасам ичса, албатта, Кришна унга ёрдам беради. Ҳатто Худонинг содиқ хизматкори билмасдан руҳий юксалиш йўлидан адашиб кетса ҳам, Кришна унинг гуноҳини кечиради ва унга етарли тафаккур ато этади. Шу тафаккури уни яна гуноҳ қилишдан сақлаб, огоҳлантириб туради: “Бундай қилма! Ўз бурчингни бажаришда давом эт!” Агар кимдир Кришнани унутишни истаса ва ҳаётда Унинг ёрдамисиз, Ундан мустақил ҳолда бахтли яшамокчи бўлса, Парвардигор унга ҳам бунинг учун бир неча умрлар давомида имконият яратиб беради.

Махараж Парикшит шундай дейди: “Агар мен Худо йўқ десам, бу ҳақиқатан ҳам Худо йўқ, мен қилган гуноҳ ишларим учун ҳеч қандай жавоб бермайман дегани эмас”. Атеистлар Худонинг мавжудлигини инкор этадилар, чунки улар ҳаётида ҳар хил гуноҳ ишларга ботиб кетганлар. Агар улар бир лаҳзагина Парвардигорнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини тасаввур қила олсалар эди, ўзларининг содир қилган гуноҳлари

учун тортадиган азобларини ўйлаб, даҳшатга тушган бўлардилар, шунинг учун улар “Худо йўқ!” деб ўзларини алдаб юрадилар. Худди шундай, куён ҳам, унга бирор йиртқич ҳамла қилганида кўзларини чирт юмиб олиб, “Мени ҳеч ким ўлдирмайди!” деган ўйлар билан ўзини овутишга ҳаракат қилади. Лекин, барибир йиртқичга ем бўлади. Худди шундай биз Парвардигор ҳамда Унинг беҳато амал қиладиган қонунлари мавжудлигини инкор этишимиз мумкин, лекин барибир Парвардигор, Унинг муқаррар қонунлари ҳақиқатан ҳам мавжуд. Суд пайтида жиноятчи: “Мени ҳукуматнинг қонунлари қизиқтирмайди!” деб айтиши мумкин, лекин уни барибир давлат қонунларига бўйсунушга мажбур қиладилар. Қонунларга риоя қилмайдиган одамларни қамоқхонага ташлаб, жазолайдилар. Худди шундай ғофиллиги туфайли одамлар ҳам Худони инкор қилишлари, “Мен ўзим Худо” деб даъво қилишлари мумкин, лекин барибир, ҳаётда қилган барча гуноҳ ва савоб ишлари учун албатта жавоб беришга мажбур бўладилар.

Барча тирик мавжудотларнинг фаолиятини назорат қилиб турадиган карма қонунларига биноан, агар биз тақводор бўлиб ҳаёт кечирсак, эзгу, савоб ишлар қилсак, шу ишларимиз учун муқофот сифатида бизнинг ҳаётимиз бахтли лаҳзаларга тўла бўлади, аксинча, агар ҳар хил гуноҳ ишларга берилиб кетсак, ҳар хил мусибатларга дучор бўламиз. Шунинг учун Шукадева Госвами шундай деди: -

*тасмат пураивасв иха папа-нишкритау  
йатета мритйор авипадйататмана  
дошасйа дриштва гуру-лагхавам йатха  
бхишак чикитсета руджам нидана-вип*

“Сен ҳар бир қилган ишинг учун албатта жавоб беришингни ҳамиша эсингда сақлашинг лозим. Қилган гуноҳ ишларингнинг оғирлик даражасига қараб, муқаддас китобларда кўрсатилган у ёки бу турдаги покланиш маросимларини бажаришинг лозим(ШБ.6.1.8).

Худди касалга чалинган киши табибга муҳтож бўлгани сингари, Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг қонунлари асосида қурилган жамиятда ҳам браҳманлар табақаси бўлган. Улар одамларнинг қилган гуноҳларига қараб қандай покланиш маросимини ўтказиш лозимлигини айтиб берганлар. Гуноҳлар оқибатидан ҳар турли покланиш усуллари мавжуд. Агар одам бирор гуноҳ иш қилиб қўйса, лекин кейин тавба-тазарру қилиб, ўз хоҳиши билан қаттиқ риёзат чекса, у қилган гуноҳлари оқибатидан покланган ҳисобланади. Бунинг масиҳийларнинг муқаддас китоби Библия ҳам тасдиқлайди. Шукадева Госвами айтадики, гуноҳкор одам гуноҳининг оғирлигига мос келадиган покланиш маросими орқали ўтиши керак. Худди шундай, касалнинг оғирлигига қараб табиб беморга арзон ёки қиммат, ўткир ёки ширин дори ёзиб бериши мумкин. Оддий бош оғриғидан арзон

аспирин таблеткаси ёрдамида халос бўлиш мумкин, лекин оғир касалликдан бир неча минг доллар турадиган жарроҳлик операциясиз кутулиб бўлмайди. Гуноҳлар ҳам худди касалликка ўхшайди, гуноҳлар оқибатидан кутулиш учун инсон албатта покланиш, даволаниш жараёнидан ўтиши лозим.

Туғилиш ва ўлишлар чархпалагида айланиб юриб, рух ҳамиша оғриқли ҳолатда бўлади. Рухнинг ўзи туғилиш, ўлиш ёки касалликларга дучор бўлмайди, чунки рух(жон) пок руҳий табиатга эга. «Бхагавад-гита»да Кришна айтадики, рух туғилмайди, ўлмайди - рух учун “туғилиш”, “ўлиш” деган тушунчалар йўқ.

*на жайате мрийате ва кадачин  
найам бхутва бхавита ва на бхуйах  
аджо нитйах шашвата “йам пурано  
на ханйате ханйамане шарире*

“Рух туғилмайди ва ўлмайди. У ҳеч қачон бутунлай йўқолиб кетмайди. Туғилмаган, мангу, емирилмас бўлган ҳолда рух ҳамиша мавжуд. Тана ҳалок бўлганда рух ўлмайди”(БГ.2.20).

Ҳозирги даврда инсониятга ўлгандан кейин рух қандай ҳаёт кечириши ҳақидаги илмни ўргатадиган маориф тизими жуда зарур. Ҳозирги мавжуд таълим тизими мутлақо яроқсиз, чунки ўлгандан кейин ҳаёти қандай бўлишини билмайдиган одам худди ҳайвонлардай яшайди, ҳайвонлардай ўлиб кетади. Ҳайвон ўлганидан кейин бошқа танага ўтишини билмайди. Лекин инсон танасида тирик мавжудотнинг онги, фикрлаш даражаси жуда юқори бўлади. Инсон танасини олган тирик мавжудот ҳам худди ҳайвонлардай фақат танасининг еб-ичиш, ухлаш, насл қолдириш ва ҳаётини ҳимоя қилиш талабларини бажариш билангина чекланиб қолмаслиги керак. Тирик мавжудот овқатланиш учун ҳар хил ширин таомларга, ухлаш ва жинсий алоқа қилиш учун юмшоқ тўшакларга, ҳар қандай вазиятда ҳимоя қилишга қодир бўлган ҳимоя тизимига эга бўлиши мумкин, лекин буларнинг барчаси биргаликда унга том маънода ИНСОН деб аталиш ҳуқуқини беролмайди. Фақат танасининг эҳтиёжларини қондиришни олдиға мақсад қилиб кўйган жамиятни ҳайвонлар жамияти деб ҳисоблаш керак. Ҳайвонларни фақат мана шу 4 турли фаолият қизиқтиради, бошқа ҳеч нарса уларни қизиқтирмайди. Агар одам ҳам ҳаётда ана шу нарсалардан юқорироқ қадриятларга кўтарилишга интилмаса, унинг ҳаёти ҳайвонларнинг ҳаётидан нимаси билан фарқ қилади?

Инсоннинг бошқа тирик мавжудотлардан фарқи шундан иборатки, у ҳаётда ўзига қуйидаги саволларни бериб, уларга жавоб излайди: “Нимага мен ҳаётда шунчалик азоб-укубатларга дучор бўляпман? Мана шу ҳолатимдан кутулишнинг бирор чораси борми? Ўлгандан кейин ҳаёт борми? Мен ўлишни ҳам, қийналишни ҳам истамайман. Мен тинчгина бахтиёр ҳаёт кечирмоқчиман,

бунинг иложи борми? Ана шундай ҳаётга эришиш имконини берадиган илм ёки усулнинг моҳияти нимадан иборат?”

Одамларда ана шунга ўхшаган саволлар пайдо бўлса ва шу саволларга жавоб излаш учун қандайдир ҳаракатлар қила бошласагина, улар яшаётган жамиятни инсонлар жамияти деб аташ мумкин. Агар одамларида шундай саволлар пайдо бўлмаса, уларга қандайдир йўллар билан жавоб топишга уринмаса, ундай одамлар жамиятини ҳайвонлар жамияти дегандан бошқа нарса деб бўлмайди. Ҳайвонлар, ҳайвонларга ўхшаб яшаётган одамлар ҳаётда фақат танасининг еб-ичиш, ухлаш, насл қолдириш ва ҳаётини муҳофаза қилишга бўлган талабларини қондиришда давом этишга интилиб яшайдилар, лекин эртами-кечми уларнинг бу фаолияти ҳам ниҳоясига етади. Аслида, ҳаётини ҳар хил хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, чунки ҳеч ким бешафқат ўлим чангалидан кутулиб қолишга қодир эмас. Масалан, иблис Хиранйакашипу мангу яшаб қолишни истаган эди, шу ниятига етиш учун у қаттиқ риёзатларга берилди. Лекин барибир, унинг барча уринишлари чиппакка чиқди, чунки Парвардигорнинг Ўзи ярим арслон-ярим одам Нрисимхадева қиёфасига кириб, тирноқлари билан уни тилка пора қилиб ўлдирди. Бугун замонавий олимлар келажакда, илмий изланишлар ёрдамида ўлим устидан ғалаба қозонишга эришишдан умидвор бўлиб юрибдилар, аммо ундай даъволар навбатдаги ғофилларча нодонликдан бошқа нарса эмас. Ҳеч ким муқаррар ажални тўхтатиб қола олмайди. Материалист олимлар дунёвий илм-фанда қанчалик муваффақият қозонмасинлар, дунёвий ҳаётнинг тўрт асосий муаммоси - туғилиш, касалликлар, кексайиш ва ўлим муаммоларини ҳал қилишга қодир бўлолмайдилар.

Етарли фаросатга эга бўлган киши туғилиш, касаллик, кексайиш ва ўлим билан боғлиқ бўлган муаммоларни узил-кесил ҳал қилиш учун қўлидан келганча ҳаракат қилиши лозим. Ҳеч ким ўлишни истамайди, аммо ўлим муқаррар. Ҳар бир одам ўлишга мажбур. Бунинг устига Ер аҳолисининг тобора кўпайиб бораётгани ҳаммани ташвишга соляпти. Ҳозирги одамлар жинсий алоқа пайтида ҳомиладор бўлишга қарши турли-туман дори-дармонлар, ҳар хил мосламалар ишлатадилар, лекин шунга қарамай ер юзида аҳоли сони кундан кунга кўпайиб борапти. Шундай қилиб, туғилишни ҳам, ўлишни ҳам тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ. Тиббиёт фани шунча ривожланганига қарамай, касаллик ва кексаликни тўхтатишнинг ҳам иложи йўқ.

Баъзида одамга ҳаётда ўзининг барча муаммолари ҳал бўлгандай туюлиши мумкин, лекин, туғилиш, кексалик, касаллик ва ўлим муаммолари-чи? Бу муаммоларни ҳал қилишнинг ягона усули - Кришнани, Парвардигорни англаб

етишдан иборат. Бизнинг танамиз ҳар дақиқа ўтган сайин ўзгариб туради, унинг энг охириги ўзгариши “ўлим”, “ажал” деб аталади. Айни пайтда Кришна айтадики: (4.9)

*жанма карма ча ме дивйам  
эвам йо ветти таттваатах  
тйактва дехам пунар жанмма  
натит мам эти со “ржуна*

“Менинг бу дунёга келишимнинг, кўрсатган қарма-қармларимнинг илоҳий табиатини англаб етган киши ҳеч қачон моддий оламда туғилмайди, у Менинг мангу даргоҳимга эришади, о Аржун”.

Ана шундай одамнинг кейинги тақдири нима бўлади? *мам эти* - у Кришнанинг даргоҳига эришади. Лекин, агар биз Кришнанинг даргоҳига боришни истасак, ўзимизнинг руҳий танамизни ривожлантиришимиз лозим. Кришнани англаш усули айнан ана шу мақсадни кўзлайди. Кришнани англаш илмини амалда қўллаб юрган киши аста-секин ўзининг руҳий танасини ривожлантириб боради ва ажали етганда бир пасда Кришналоқага, Кришнанинг даргоҳига кўтарилади ва шу ерда бахт ва лаззатга тўла мангу ҳаёт кечира бошлайди.

## Кришнани севиш санъати

Шастралар, яъни муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига биноан, қилган гуноҳ ишлари оқибатидан халос бўлиш учун инсон ҳар хил покланиш жараёнлари орқали ўтиши керак. Шукадева Госвами айтадики, агар инсон ҳозирги танасини тарк этишдан аввал ана шундай покланиш жараёнларидан ўтган бўлса, у кейинги ҳаётида қилган гуноҳлари оқибатида азоб чекмайди. Акс ҳолда у ҳозирги ҳаётида қилган гуноҳлари сабабли кейинги ҳаётида “эқканини ўриб” ҳар хил азоб-уқубатларга дучор бўлади. Худонинг қонунларига кўра бировни қасддан ўлдирган қотилга ўлим жазоси бериш керак. “Жонга жон, қонга қон” деган қонун одамлар ўйлаб чиқарган қонун эмас. Бу қонун инсониятнинг яшаш қонунларини белгиловчи муқаддас “Ману-Самхита” асарида ҳам акс этган. Унда айтилганки, шоҳ жиноятчи қотилни дорга осиб ўлдириш билан жазолаганда, у жиноятчининг манфаатини ўйлайди, чунки агар жиноятчи ҳозир жазосиз қолса, содир қилган мана шу гуноҳи учун кейинги ҳаётида чексиз азоб-уқубатларга дучор бўлади. Жиноятига жазо сифатида осиб ўлдирилган киши эса, кейинги ҳаётида яна инсон танасида туғилади.

Табиат қонунлари муқаммал ишлайди, ундан ҳеч ким қочиб қутула олмайди, афсуски, аксарият одамлар буни тушунмайдилар. Табиат қонунларининг “жонга - жон” деган қонундаси “Ману-Самхита”да эълон қилинган ва бу қонун ҳамма жойда ўз кучини тўла намоеён этаверади. Шунга ўхшаб, бошқа қонунлар ҳам борки, унда “одам

ҳатто чумолини ўлдиргани учун ҳам албатта жазо олади” дейилган. Ўзимиз ҳеч кимга ҳаёт ато эта олмаймиз, шунинг учун бизнинг ҳеч қандай тирик мавжудотни ўлдиришга ҳаққимиз йўқ. Демак, “одам ўлдириш билан ҳайвонларни ўлдириш орасида катта фарқ бор” деб ҳисоблайдиган қонунни аслида ўзларининг гуноҳларини оқлашга уриниб юрган гуноҳкор, жиноятчи одамлар ўйлаб чиқарган, бундай қонун муқаммал қонун эмас, яъни, Худонинг қонуни бўлиши мумкин эмас. Одамларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган қонунларнинг барчаси албатта номуқаммал, қандайдир нуқсонга эга бўлади, лекин Парвардигорнинг қонунлари ундай эмас. Парвардигорнинг қонунларига кўра бирор жониворни ўлдириш ҳам худди одам ўлдириш каби оғир гуноҳ ҳисобланади. Ҳайвон ўлдириш гуноҳи одам ўлдиришга қараганда кичикроқ гуноҳ деб ўйлайдиган одамлар аслида Худонинг қонунларини ўз фойдасига ўзгартирмоқчи бўладилар. Муқаддас китоб “Библия”да келтирилган муқаддас ўн насихатнинг биттасида “Ўлдирма!” деб ёзилган. Парвардигорнинг бу қонуни муқаммал, лекин одамлар уни нотўғри талқин қилиб: “Мен одам ўлдирмайман, лекин ҳайвонларни ўлдиришим мумкин!” деб тушунадилар. Шу тариқа одамлар ўзларини алдаб юрибдилар, натижада ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам оғир мусибатларга дучор қиладилар. Ўзларининг қилаётган гуноҳ ишларини оқлаш учун улар қандай далил ва исботлар ўйлаб топмасин, Парвардигор барибир уларни гуноҳларига яраша албатта жазолайди.

Гарчи таналари, ёки устки кийимлари ҳар хил кўринишда бўлса ҳам, барча тирик мавжудотларни Парвардигорнинг Ўзи яратиб қўйибди (“Ерда судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқаётган ҳар бир қуш худди сизлар каби (Бизнинг) жамоалардир...Кейин ҳаммалари Парвардигорлари даргоҳига тўпланурлар”. Анъом сураси.38). Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Отасидир. Отанинг жуда кўп болалари бўлиши, уларнинг баъзилари онглироқ, баъзилари эса, онгсизроқ бўлиши мумкин. Лекин, қандайдир бир фарзанди Отасининг олдига келиб, “Менинг укамнинг онги етишмайди, шунинг учун уни ўлдириб, гўштини ейишга рухсат бер!” - деса, нахотки Отаси бундай таклифга рози бўлса? Ҳатто оиласи учун оғир дард бўлса ҳам, отаси ақллироқ боласига Ўзининг ақлсиз боласини ўлдиришга ҳеч қачон рухсат бермайди. Худди шундай, барча тирик мавжудотларнинг меҳрибон Отаси бўлган Парвардигор қандай қилиб одамларга ҳайвонларни ўлдиришни буюриши, ёки рухсат бериши мумкин, ахир ҳайвонлар ҳам Унинг фарзандлари-ку? «Бҳагавад-гита»да Парвардигор барча тирик мавжудотларни Ўзининг фарзандлари деб эълон қилади. У Аржунга шундай дейди: “Мен Она табиатни уруғлантирувчи Отаман”. Худди фарзанд туғилишида ота уруғлик бергани, онаси

эса уни тана, қон ва бошқа таркибий қисмлар билан таъминлагани сингари, Кришна ҳам моддий табиатни Ўзининг ажралмас зарралари бўлган тирик мавжудотлар билан уруғлантириб, уларни Она табиат қорнига солиб қўяди.

Рухий зарранинг ўлчами жуда-жуда кичик: муқаддас китобларда унинг ўлчами *кешагра*, яъни, “соч толасининг учининг ўн мингдан бир бўлагича” келади деб аталган. Биз буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз: бошқача қилиб айтганда, рух шу қадар майдаки, уни ҳатто ҳозир мавжуд, ёки келажакда яратилиши мумкин бўлган энг кучли микроскоп ёрдамида ҳам кўришни иложи йўқ. Рухий зарранинг ўлчамлари шу қадар кичкинаки, уни ҳеч қачон моддий кўзлар ёрдамида кўриб бўлмайди. Бу маълумотларнинг барчаси муқаддас китобларда берилган, лекин, бизнинг сезги аъзоларимиз муқамал бўлмагани сабабли биз руҳни бевосита кўришга қодир эмасмиз. Бизнинг моддий кўзларимиз уни бошқа нарсалардан ажратиб кўра олмайди, лекин у барибир танада мавжуд, танадан чиққандан кейин эса, тирик мавжудотнинг қилган ишлари натижасига қараб, рух бошқа бир тана ичига киради.

Соғлом фикрли киши ҳамиша эсида сақлаши лозимки, унинг қилаётган ҳар бир ишини юқорида туриб жуда кўп гувоҳлар назорат қилиб туради. Моддий оламдаги тирик мавжудот худди бирор корхонада ишлаётган, ҳар бир ҳаракатини унинг раҳбари назорат қилиб турадиган ишчига ўхшайди. Ишчи ўзининг қилаётган ҳатти-ҳаракати билан раҳбаридан қандай тасаввур қолдираётганини билмайди, лекин унинг қилаётган ҳар бир иши албатта инobatга олиниб, ёзиб борилади. Қилаётган ишларининг натижаларига қараб унинг маошини оширишлари ёки камайтириши, жазолаши ёки ишдан бўшатишлари мумкин. Худди шундай, бизнинг қилаётган ҳар бир ҳаракатимизни ҳам назорат қилиб турадиган гувоҳлар бор, шунинг учун муқаддас китобларда айтилганки, тирик мавжудот ҳамиша назорат остида бўлади ва ўзининг қилган ишларига қараб жазоланади ёки муқофотланади. Ҳозир биз нодир инсон танасига эга бўлдик, лекин кейинги ҳаётимизда бундан яхшироқ ёки ёмонроқ бўлган бошқа танага эга бўламиз. Тирик мавжудотнинг қандай тана олиши уни кузатиб турган олий зотларга боғлиқ, шунинг учун, аксарият ҳолларда тирик мавжудот кейинги ҳаётида қандай танага эга бўлишини билмайди, яъни реинкарнация, руҳнинг бир танадан иккинчи танага кўчиб юриш илмидан хабардор эмас.

Рухнинг бир танадан иккинчи танага ўтиб юриши ҳатто бир ҳаётнинг ўзида ҳам давом этаверади, чунки бизнинг танамиз ҳамиша ўзгариб туради. Рух эндигина она қорнида пайдо бўлганида, танасининг ўлчами жуда кичкина, мошдай бўлади. Аста-секин унда тўққиз тешик пайдо бўлади: икки кўз, икки қулоқ, икки бурун, оғиз, жинсий ва ахлат чиқариш аъзолари. Шу тарзда тана ривожлана

бошлайди ва маълум вақтгача она қорнида қолади. Ўсиб ривожланишда маълум даражага етганида, тана она қорнидан чиқиб, ундан ташқарида мустақил улғая бошлайди. Ўсиб-улғайиш албатта тананинг ўзгариши орқали амалга ошади. Тирик мавжудотнинг ўзи бу қандай рўй бераётганини тушунмайди, чунки бу - англаш жуда қийин бўлган жараён. Болалик пайтимизда бизнинг танамиз кичкина эди, лекин ҳозир шу тана йўқ. Демак, биз танамизни алмаштирдик. Ҳар қандай моддий нарса вақт ўтиши билан емирилади, яқсон бўлади, худди шундай моддий тана ҳам, эскирган машина ёки кийим сингари, вақти келиб руҳнинг фаолияти учун яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Шундай қилиб, тананинг ҳамиша ўзгариб туриши - ҳеч ким инкор қила олмайдиган ҳақиқатдир, лекин, афсуски, шунга қарамай, гарчи “юксак ривожланган” деб ҳисобланса ҳам, ҳозирги замонавий таълим-тарбия тизимлари мана шу ҳақиқатни бутунлай инкор этади. Аслида руҳий илмдан хабари йўқ одамни илмли, зиёли, маданиятли киши деб бўлмайди. Еб-ичиш, ухлаш, болачақа қилиш ва ўзининг ҳаётини муҳофаза қилишни ўрганиш учун қандайдир маълумотга эга бўлишнинг мутлақо ҳожати йўқ. Ҳайвонлар ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар, - уларнинг илмий унвонлари, университет дипломлари йўқ, - шунга қарамай улар ҳам бинойидек еб-ичадилар, ухлайдилар, бола-чақа қиладилар, ўз ҳаётини етарлича химоя қиладилар. Агар таълим-тарбия тизими одамларга фақат мана шу ишларни бажариш илмини ўргатиш билан чекланиб қоладиган бўлса, ундай тизимни илм ўргатувчи, таълим берувчи тизим деб бўлмайди. Ҳақиқий илм бизга ўзимизнинг ким эканимизни тушуниш, англаш имкониятини бериши лозим. Токи инсон ўзининг ҳақиқий моҳиятини, ўзлигини англаб етмас экан, у ғафлат ботқоғида, ғофиллик гунаси таъсири остида қолиб кетаверади. Инсон ҳаёти моддий табиат қонунлари таъсиридан қутулишга мўлжалланган, шунинг учун биз ҳамиша улар билан курашиб, моддий табиат келтирадиган ҳар хил қийинчиликларга қарши тураемиз. Лекин, моддий табиат кучларини ҳақиқатан ҳам енгиш - туғилиш, кексалик, касаллик ва ўлимни енгиш демакдир. Инсон мана шу ҳақиқатни тушуниб етиши жуда муҳим, лекин, афсуски биз ҳаётда бунга унчалик эътибор бермаймиз.

Агар жамиятдаги таълим-тарбия тизими одамларга Парвардигор бизга бериб қўйган ҳамма нарсадан тўғри фойдаланиш илмини ўргатса эди, бутун жаҳондаги аҳвол бутунлай яхшиланиб кетган бўларди. Биз озиқланадиган ғалла, мева ва сабзавотларни бизга Парвардигор ато этиб қўйган. Парвардигор ҳамма тирик мавжудотларни ризқ билан таъминлайди. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган: *живо живасйа живанам* - “бир тирик мавжудот иккинчи тирик мавжудот учун ризқ бўлади”(1.13.47). Қўллари йўқ тирик мавжудот

қўллари бор тирик мавжудотларга: одамларга ва бошқа шу сингари тирик мавжудотларга озуқа бўлади. Оёғи йўқ тирик мавжудотлар тўрт оёқли тирик мавжудотларга ем бўлади. Майсалар ҳам тирик мавжудотлардир, лекин уларнинг оёғи йўқ, шу сабабли ҳеч кимдан қочиб қутула олмайди, натижада сигир сингари тўрт оёқли тирик мавжудотларга ем бўлади. Қўзғалмас тирик мавжудотлар қўзғалувчан тирик мавжудотлар учун емиш бўлади. Шундай қилиб, моддий оламда кучлилар ва кучсизлар ўртасида ҳамиша кураш бўлиб туради. Кучлилар кучсизларга зулм ўтказиши - табиат қонуни шундай. Одатга кўра вайшнавлар, Худонинг содиқ хизматкорлари овқатга гўшт ишлатмайдилар. Лекин, уларнинг мақсади фақат вегетариан бўлиш, яъни шунчаки гўшт емаслик эмас, уларнинг мақсади - Худони англаб етиш, қалбида Кришна онгини ривожлантириш. Кришна онгига эга бўлиш учун инсон ҳаётда маълум қонун ва қоидаларга амал қилиб яшаши лозим. Албатта, инсон нима биландир озиқланиши керак, лекин Кришна онги билан яшашнинг моҳияти шундан иборатки, биз емоқчи бўлган овқатимизни аввал Кришнага таклиф қилишимиз лозим. Бу «Бхагавад-гита» фалсафасининг асосий мезонларидан бири. «Бхагавад-гита»да Кришна шундай дейди:(9.26)

*патрам пушпам пхалам тойам  
йо ме бхактия прайаччхати  
тад ахам бхакти-упахритам  
ашнами прайататманах*

“Агар содиқ хизматкорим Менга муҳаббат ва садоқат билан барг, гул, мева ёки сув таклиф қилса, Мен унинг эҳсонини қабул қиламан”.

Албатта, Парвардигор оч экан, У биздан Унинг қорнини тўйғазишимизни илтимос қиляпти деб ўйламаслик керак(“Мен улардан бирон ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини истамасман”. Ваз-3-зориёт сураси.51). Бундай эҳсон қилишнинг моҳияти тирик мавжудот билан Парвардигор орасидаги ўзаро муҳаббатга асосланган ўзаро муносабатлардир. Парвардигор биздан шуни истайди. “Мени сев, сен Мени қанчалик севсанг, Мен ҳам сенга шунга мос муҳаббат билан жавоб бераман” - дейди У(“Аллоҳга қурбонликларингизнинг гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин У Зотга фақат сизларнинг тақво-ихлосингиз етар.”Ҳаж сураси.37).

Кришна - ҳар нарсага қодир Парвардигор. У Ўзининг қудрати билан бутун борлиқни яратиб, мавжудлигини таъминлаб турибди, шунинг учун Унга биздан барг, гул, мева ва сув сўрашининг нима кераги бор? Лекин, барибир шунга қарамай, агар биз муҳаббат билан Унга шу нарсаларни таклиф қилсак: “Эй Парвардигор, менда шундан яхшироқ нарса йўқ. Топган нарсам фақат мана шу барг ва гул бўлди. Илтимос, шуларни мендан қабул эт!” - Кришна биздан жуда мамнун бўлади. Бизнинг шундай ихлосимиз, муҳаббатимиз Криш-

нани жуда қувонтиради. Агар биз тақдим этаётган нарсаларни Кришна мамнун бўлиб қабул қилса, ҳаётда буюк бахтга эришган бўламиз, чунки биз Кришна билан дўстона муносабат ўрнатган бўламиз(“Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсадан ҳам устунроқдир. Мана шу ҳақиқий буюк бахтдир.” Тавба сураси.72). Мева, барг, гул ёки сув жаҳоннинг ҳамма жойидан топиш мумкин бўлган нарсалардир, бойми, камбағалми ҳар қандай одам ҳам уларни Кришнага таклиф этишга қодир. Биз шуни яхши тушуниб олишимиз лозимки, биринчидан, вегетариан бўлиш асосий, охириги мақсад эмас, иккинчидан - Парвардигор аслида ҳеч нарсага муҳтож эмас. Биз ўрганишимиз лозим бўлган асосий нарса - Худони севишдир.

Муҳаббат бир-бирова нимадир совға қилишдан бошланади. Севишганлар бир-бирларига ҳар хил совғалар берадилар, шу тариқа улар орасида ўзаро муҳаббат юзага кела бошлайди. Агар биз бирор киз ёки йигит билан орамизда ўзаро муҳаббатга асосланган муносабат ўрнатмоқчи бўлсак, унга бирор нарса совға қиламиз, унинг берган совғасини қабул қиламиз. Кришна бизга худди шундай усул билан ўзаро муносабат ўрнатишни ўргатапти. Кришна илтимос қилиб бизга айтяпти: “Мени севишга уриниб кўринг. Мени севишни ўрганинг. Менга бирор нарса совға қилинг!”

Лекин биз Унга: “Эй Ҳожам, менда Сенга совға қилишга муносиб ҳеч нарса йўқ!” деб айтишимиз мумкин.

- “Наҳотки сиз бирор барг, гул, мева ёки сув ҳам топа олмасангиз?”

- “Ҳа, албатта. Бу ҳамманинг қўлидан келади!”

Тирик мавжудотга Парвардигор билан ўзаро муҳаббат ўрнатиш имконини берадиган Кришнани англаш усули шундан иборат. Биз Парвардигор билан ҳар қандай муносабат ўрнатишимиз мумкин. Биз Унинг шахсий хизматкори бўлишимиз, ёки бундан ҳам улуғворроқ муносабат ўрнатиб, Унинг отаси, ёки онаси ёки ҳатто севгилиси бўлишимиз ҳам мумкин. Кришна ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатларни ҳар бир тирик мавжудот билан бевосита ўрнатишга тайёр. Аслида ана шундай муносабатлар азалдан мавжуд, чунки Кришна - ҳар бир тирик мавжудотнинг Отаси, биз эса, Унинг ажралмас заррачалари, фарзандларимиз. Ўғил отасининг танасининг бир бўлаги ҳисобланади, шунинг учун улар орасидаги муносабат ҳеч қачон узилмайди. Бу муносабатларни бироз вақт эсдан чиқариш мумкин, лекин, боласи отаси ҳақида, ёки отаси боласи ҳақида ўйлаган заҳоти уларнинг қалбида аввалги ўзаро муҳаббат туйғуси дарров уйғонади. Худди шундай биз ҳам, гарчи ҳозир бу муҳаббат ўзини намоён этмаётгандай туюлса ҳам, Кришна билан ўзаро муҳаббат ришталари билан боғланганмиз, биз буни шунчаки эсимиздан чиқарганмиз. Ана шу унутиш натижа-сида “Худо билан бизни боғлаб турган ҳеч қандай

муносабат йўқ” деб ўйлаймиз, лекин аслида ундай эмас. Биз Парвардигор билан мангу боғланганмиз, чунки Унинг ажралмас заррачасимиз. Биз ана шу муносабатларни қайта тиклашимиз лозим, Кришнани англаш усули ёрдамида биз шу муносабатларни қайта тиклай оламиз.

Ҳозир биз Кришна онги билан яшаётганимиз йўқ, чунки бизнинг онгимиз, фикру-ўйларимиз бошқа нарсалар билан банд. Кимдир ўзини ҳиндистонлик деб, кимдир - америкалик, яна биров - бошқа бировман деб ўйлайди. Шу тариқа биз жуда кўп сохта ўзликларни юзага келтирамиз, лекин аслида, бизнинг ҳақиқий ўзлгимиз, “мен” деб юрган ҳақиқий ўзлгимизнинг табиати умуман бошқа. Аслида биз ҳамиша: “Мен - Кришнанинг бир бўлагиман!” - деб ўйлашимиз лозим. Ана шундай ўй билан яшаш Кришна онги билан яшаш деб аталади. Биз ўзимизни ҳамиша Кришнанинг ажралмас бир бўлаги деб ҳис қилиб юришимиз лозим. Фақат ана шундай онг билан яшагандагина барча тирик мавжудотлар орасида ўзаро ҳақиқий муҳаббат юзага келиши мумкин. Кришна ҳар биримизнинг мангу Отамиз, демак, агар биз қалбимизда ана шундай онгни, Кришна онгини ривожлантириб, У билан ўзаро муносабатимизни қайта тикласак, бошқа тирик мавжудотлар билан ҳам ўзаро муносабатларимизни тиклаган бўламиз. Масалан, инсон уйланганида табиий равишда у хотинининг оиласидагиларга ҳам бирдай қариндош бўлиб қолади. Худди шундай, Кришна билан азалий муносабатимизни қайта тиклаганда, ўз-ўзидан бошқа тирик мавжудотлар билан ҳам қариндошлик муносабатлари тикланади. Бутун оламдаги тирик мавжудотлар орасидаги, ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатлар ана шундан иборат. Бутун олам аҳлини севишнинг моҳияти шундай. Барча тирик мавжудотлар орасида ҳақиқий, мангу муҳаббат фақат уларни боғлаб турадиган ягона боғловчи орқали ўрнатилади. Акс ҳолда Америкада туғилган киши фақат Америкада туғилганларни яхши кўради, бошқа жойда туғилганларга бошқача кўз билан қарайди. Бу дунёдаги барча алоқалар, муносабатлар нисбий, ўткинчи нарсалардир. Ҳеч қандай макон, замон, вазият таъсир қилмайдиган мангу муносабатлар аслида тирик мавжудотнинг Кришна билан ўзаро муносабатларидир. Биз ана шу муносабатларни қайта тиклаганимизда бутун жаҳонда қардошлик, ҳамжиҳатлик, адолат, тинчлик ва фаровонлик ўрнатишда юзага келаётган барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Лекин, одамларда Кришна онгини ривожлантирмай туриб, бундай юксак мақсадлар шунчаки ушалмас орзу бўлиб қолаверади. Токи биз ҳар қандай фаолиятимизнинг асосида ягона Парвардигор туриши лозимлигини тушунмас эканмиз, жаҳонда тинчлик ва бирдамлик ўрнатиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бутун жаҳонда барқарор тинчлик ўрнатиш

формуласи «Бхагавад-гита»да берилган. Биз аслида ягона лаззатланувчи Кришна эканини тушуниб олишимиз лозим. Ҳаёт ҳақида ана шундай тўғри тушунчани, тасаввурни Кришнани англаш жамиятларининг марказларига бориб ривожлантириш мумкин. У ерда ҳар қандай фаолиятнинг марказида ягона Кришна туради. Масалан, ҳар қандай таомни биз ўзимиз учун эмас, балки Кришнани мамнун қилиш учун тайёрлаймиз. Барибир, охиروқибатда Кришнага таклиф қилинган таомни ўзимиз еймиз, лекин, овқат тайёрлаётганда уни ўзимиз учун эмас, Кришна учун тайёрлаёмиз деб ўйлашимиз лозим. Ёки, масалан, эҳромда яшайдиган содиқлар кўчага Кришна ҳақидаги китобларни сотгани чикқанларида, улар бундан бирор фойда кўриш учун эмас, балки одамларга Кришна ҳақида илм тарқатиш учун чиқадилар. Китоб сотишдан тушган пулларнинг ҳаммасини содиқлар Кришнага хизмат қилиш учун, кўпроқ одамларга Кришна ҳақида гапириб бериш учун ишлатадилар. Тирик мавжудотнинг ҳар бир ҳаракати Кришнани мамнун қилишга қаратилган ана шундай фаолият унинг қалбида Кришна онгини ривожланишига ёрдам беради. Биз бунинг учун қилаётган ишимизни ўзгартиришимизнинг ҳожати йўқ, фақат қилаётган ишимиздан мақсад ўзимизни эмас, Кришнани мамнун қилиш эканини тушунсак бас. Шу тариқа биз ўзимизнинг азалий, бошланғич онгимизни қайта тиклаб, ҳақиқий бахтга эришимиз мумкин. Токи инсон қалбида ўзининг азалий онгини, яъни Кришна онгини қайта тикламас экан, уни ҳақиқий, соғлом фикрли инсон деб бўлмайдди. Кришна онгига эга бўлмаган ҳар қандай одамни ақлсиз деб ҳисоблаш керак, чунки у ўзининг ҳаётини нотўғри, ўткинчи, алдамчи тасаввурларга асосланиб яшаётган бўлади. Табиатига кўра тирик мавжудотлар мангу, шунинг учун ўткинчи нарсалар унинг ҳаётининг мақсади бўла олмайди. Биз ўзимиз мангу бўлганимиз сабабли, бизнинг фаолиятимиз ҳам мангу бўлиши керак. Тирик мавжудотнинг ана шундай мангу фаолияти Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат.

Кришна - мангу, олий тирик мавжудот, бизлар эса - Унга бўйсунувчи мангу тирик мавжудотлармиз. Кришна - Олий Ҳукмдор, биз эса - Унинг ҳукми остидамиз. Бармоқ тананинг ажралмас қисмидир ва у бутун танага хизмат қилиши лозим. Аслини олганда, танага хизмат қилиш - бармоқнинг ягона вазифаси. Агар бармоқ шу ишни қилишни тарк этса, бунга ягона сабаб унинг қандайдир касалга чалингани бўлади. Худди шундай, Кришна барча тирик мавжудотларни ҳамма зарур нарсалар билан таъминлаб турадиган ягона Ота, чунки бизлар Унинг ажралмас заррачаларимиз, бизларнинг ягона вазифамиз ҳам Унга хизмат қилишдан иборат. Кришнага хизмат қилишга бағишланган ҳаёт билан яшаш - тирик мавжудотнинг табиий ҳолатидир, мана шу



хақиқий озодлик бўлади. Кришнани инкор қилишга уриниб, У билан ҳеч қандай муносабат ўрнатишни истамайдиган одамлар аслида, ҳаёт мазмунини нотўғри тушуниб, фақат гуноҳга ботадилар, холос.

Бу мавзу Шукадева Госвами билан Махараж Парикшит орасидаги суҳбат пайтида ҳам муҳокама қилинган эди. Махараж Парикшит Шукадева Госваמידан қандай қилиб тирик мавжудотларни дўзах азобидан қутқариш мумкин деб сўраган эди. Инсониятни азоб-уқубатлардан халос этиш - ҳар бир вайшнавининг табиий истаги. Одатда одамларни бошқа бировларнинг мусибатлари ташвишга солмайди, лекин, вайшнавлар, Худонинг содиқ хизматкорлари, ҳамиша қандай қилиб адашиб, ҳаётда қийналиб юрган одамларга ёрдам бериш ҳақида ўйлаб юрадилар. Масалан, масихийларнинг эътиқоди бўйича, Иисо Масих хочга михланиб ўлиш билан бутун дунёдаги одамларнинг қилган ва қилаётган гуноҳларини ўз зиммасига олган. Худонинг содиқ хизматкорлари ҳамиша бошқаларнинг азоб-уқубатларини ўз зиммасига олишни, дардларига ҳамдард бўлишни истади. Ана шундай содиқлардан яна бири Васудева Датта. У Чайтанья Махапрабхунинг яқин ҳамроҳларидан бири эди. Бир куни у Чайтанья Махапрабхудан сўради: “Бу дунёдаги барча одамларни озодликка чиқариб, руҳий оламга, Вайкунтхага олиб кет. Агар Сен шунча қилган гуноҳлари оқибатида уларни бунга муносиб эмас деб ҳисобласанг, уларнинг барча гуноҳлари оқибатини менга юкла. Мен уларнинг барчаси учун дўзахда азоб чекишга тайёрман”. Вайшнавининг қалбидаги ҳамдардлик туйғуси шундай. Лекин бу - Иисо Масих ёки Васудева Датта биз билан қандайдир шартнома тузган, шу шартнома бизга уларнинг ҳамдардлигига суянган ҳолда истаганча гуноҳ ишлар қилавериш ҳуқуқини беради, дегани эмас. Ана шундай деб ўйлашдан ҳазар қилиш, жирканиш керак. Вайшнав, Худонинг содиқ хизматкори бутун оламнинг азоб-уқубатларини ўз гарданига олиши мумкин, лекин одамлар уларнинг меҳрибонлигини суистеъмол қилиб, гуноҳ қилишда давом этмаслиги керак. Худди шундай, шогирд ҳам устозининг меҳрибонлигини суистеъмол қилмаслиги керак. Аксинча, соғлом фикрли ҳақиқий инсон ўзининг қилаётган гуноҳлари натижасида бошқа биров қийналаётганини тушуниб етиб, гуноҳ қилишни тезроқ тарк этишга интилиши лозим.

Аслида қилган гуноҳлари учун ҳар ким ўзи жавоб беради. Шунинг учун Шукадева Госвами шундай маслаҳат беради: *тасмат пураивасв иха папа-нишкритау* - ўзининг қилган гуноҳ ишлари оқибатидан халос бўлиш учун инсон бутун умри давомида тавба-тазарру қилиш билан покланиш маросимлари орқали ўтиши лозим. *Йатета мритйор авипадйататмана дошасйа дриштва гуру-лагхавам йатха бхишак чикитсета руджам*

*нидана-вит.* Содир қилган гуноҳларининг оғирлигига қараб одам ҳар хил даражали риёзатлардан ўтиб, покланиши лозим. Аввал айтганимиздай, ҳар бир гуноҳга алоҳида покланиш маросими бўлади. Ҳар бир инсон ўлмасидан аввал албатта барча гуноҳларидан покланиши лозим, акс ҳолда гуноҳлари оқибатидан кейинги ҳаётида қаттиқ азоб-уқубатларга дучор бўлади. Агар биз барча гуноҳларимиздан покланмаган бўлсак, моддий табиат қонунлари бизни албатта жазолайди ва кейинги ҳаётимизда қаттиқ қийналамиз. Дунёвий фаолият натижаларига ана шундай боғланиш карма-бандхана деб аталади. *йаджнартхат карmano “нйатра локо “йам карма-бандханаҳ тад-артхам карма каунтейа мукта-сангаҳ самачара*

“Ҳар қандай фаолиятни Вишнуга қурбонлик сифатида амалга ошириш лозим, акс ҳолда у моддий оламда тутқун бўлиб қолишга сабаб бўлади. Шунинг учун, эй Кунтининг ўғли, ҳаётдаги ўз бурчингни Худони мамнун қилиш учун бажар, шунда сен ўз меҳнатинг натижаларига боғланиб қолишдан халос бўласан ва моддий тутқунликдан озодликка чиқасан”(БГ.3.9).

Одам маза қилиб гўшт ейиш учун бирор ҳайвонни ўлдириши мумкин, лекин ана шу қилган ишининг оқибатлари уни бу дунёга боғлаб қўяди. Кейинги ҳаётида унинг ўзи шу ҳайвонга ўхшаган тана олади, у ўлдирган ҳайвон эса, одам танасида туғилиб, энди унинг ўзини ўлдириб, гўштини ейди. Ведавий муқаддас китобларда шундай ёзилган. Бунга ишониш ёки ишонмаслик ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Бахтга қарши, ҳозирги ёшларга шундай таълим-тарбия бериляптики, уларнинг ўлгандан кейин ҳаёт давом этишига ишонишлари жуда қийин. Аслини олганда одам дунёвий илмларни қанчалик кўпроқ эгалласа, Парвардигорнинг мавжудлигига, Унинг қудратли қонунларига, ўлгандан кейин ҳаёт албатта давом этишига, қилган савоб ёки гуноҳ ишлари учун муқаррар жавоб беришига шунчалик камроқ ишонади. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги замонавий таълим-тарбия тизими одамларнинг тобора ҳайвонларга ўхшаб боришига муваффақият билан ёрдамлашяпти. Агар одам ҳақиқий ўзлиги, “мен”и ҳақида илмга эга бўлмаса, мен дегани танадан фарқ қилишини тушунмаса, унинг онги эшакнинг онгидан фарқ қилмайди. Эшак ҳам худди бошқа ҳайвонлар сингари: “Мен - танаман” деб ҳисоблайди. Агар инсон ҳам худди шундай фикрласа, унинг ҳайвондан фарқи нимада? “Шримад Бхагаватам”да шундай дейилган:

*йасйатма-буддхиҳ кунане тридхатуке  
сва-дхиҳ калатрадишу бхаума иджйадхиҳ  
йат тиртха-буддхиҳ салиле на кархичидж  
джанешив абхиджнешу са эва гокрхараҳ*

“Уч унсурдан таркиб топган танасини “мен” деб ҳисоблайдиган, ўзининг фарзандлари ва хотинига

каттиқ боғланиб қолган, туғилган жойини муқаддас саждагоҳ деб ҳисоблайдиган, муқаддас қадамжоларда ювиниб покланишга интиладиган, аммо, у ерда яшаётган авлиё зотлардан руҳий илм ўрганишни истамайдиган киши ҳаётда адашиб юрган, аслида эшак ва сигирлардан фарқ қилмайдиган одамдир”(ШБ.10.84.13).

“Аюрведа” таълимотига кўра моддий тана учун сурдан таркиб топган: *капха*, *питта* ва *вата* - сўлак(слиз), харорат(желч) ва ҳаво(воздух). Тананинг ичи жуда мураккаб қурилма бўлиб, унинг вазифаси овқатни суюқликка айлантиришдан иборат. Танамизнинг ичида ҳаммиша қандайдир мураккаб жараёнлар бўлиб туради, лекин улар ҳақида биз нима биламиз? Биз, “Бу - менинг танам” - деймиз, лекин ана шу танамиз ҳақида нималарни биламиз? Баъзи одамлар ҳатто ўзларини Худо деб эълон қиладилар, аслида эса, ўзининг танаси ичида нималар рўй бераётганини тушунишга қодир эмаслар.

Тана - ахлат, сийдик, қон ва суюқлар тўлдирилган чарм қопдан бошқа ҳеч нарса эмас. Агар одам, инсоннинг онгини тафаккурини мана шу нарсалар юзага келтиради деб ҳисоблаб юрган бўлса, ундай одамни қандай қилиб соғлом фикрли киши деб айтиш мумкин? Наҳотки, ахлат, сийдик, қон ва суюқларнинг бир қопга солиб аралаштириш билан онг, тафаккур яратиш бўлса? Шунга қарамай ғофил одамлар “Мен - танаман” деб ўйлашда давом этаверадилар. Шунинг учун ҳам муқаддас китобларда моддий танасини ўзим деб, хотини, бола-чақасини ўзининг қариндошлари деб ҳисоблайдиган киши ҳаётда адашиб юрган одам деб аталган. *Калатра* ибораси “хотин” деганни, *ади* ибораси - “бошланиш” деганни билдиради. Ёлғизликдан қутулиш учун инсон хотин олади, кўп ўтмай уларнинг фарзандлари, кейин неваралари пайдо бўлади. Шу тариқа бизнинг танамиз кўпайиб, тарқалиб кетаверади. Аёлни *стри* деб ҳам атайдилар, *стри* ибораси “кенгайтирадиган зот” деган маънони англатади. *Калатрадишу* ибораси “ўзининг танасини хотинидан бошлаб кенгайтириш” деганни билдиради. *Бхаума* деган ибора одамнинг туғилган жойини билдиради. Ана шу жойни ғофил одам муқаддас, саждагоҳ(*иджйадхи*) деб билади. Одамлар туғилган жойлари, ватани учун жонини беришга ҳам тайёр, лекин аслида бу ер, шунингдек унинг хотини, болалари, ватани, жамияти унинг ҳақиқий ўзига мутлақо алоқаси йўқ экани, уларнинг ҳатто ҳаёлига ҳам келмайди. Биз аслида руҳий зарралармиз(*ахам браҳмасми*), агар биз шуни англай олсак, ҳақиқий бахтга эришамиз.

*Брахма-бхутах прасаннатма  
нашочати на канкишати  
самах сарвешу бхутешу  
мад-бхактим лабхате парам*

“Илоҳий, руҳий ҳолатга эришган киши шу

заҳотиёқ Олий Браҳманнинг табиатини англаб етади. У ҳеч нарсадан ташвишланмайди, ҳеч нарса истамайди ва барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Ана шундай ҳолатда инсон Худого пок садоқат билан хизмат қила бошлайди”(БГ.18.54).

Ўзининг руҳий табиатга эга бўлган жони, моддий танага ҳеч қандай алоқаси бўлмаган Браҳман эканини англаб етган заҳоти инсоннинг қалби қувончга тўлади(*прасаннатма*). Шу тариқа у ҳар қандай мусибатлардан ва бирор ўткинчи нарсага эришишга бемаъни интилишлардан бутунлай халос бўлади. Моддий оламда ҳар бир инсон бирор нарсага интилиб ёки йўқотган нарсасини қайғуриб яшайди, аммо фақат, аслида ўзи ким эканини англаб олиш шарофати билангина ҳақиқий, туганмас, мангу бахтга эришиш мумкин.

Токи ҳаёт ҳақида ногўғри, моддий тасаввурга эга эканмиз, биз моддий табиат қонунлари, давлат, ҳукумат қонунлари ва бошқа шарт-шароитлар билан бу дунёга каттиқ боғланган бўламиз. Мана шу ҳолат – руҳнинг шартланган ҳолати деб аталади, чунки танамизнинг мавжудлиги ҳар хил шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Ҳозир қандай шароитда яшаётганимиздан қатъий назар, биз ҳар бир ҳаракатимиз учун албатта жавоб берамиз. Агар биз содир қилган гуноҳларимиз оқибатидан покланиш учун белгиланган риёзатларга берилиб тавба-тазарру қилмасак, кейинги ҳаётимизда ҳар хил азоб-уқубатларга дучор бўламиз, чунки кейинги ҳаётдаги танамиз бизга ҳозирги ҳаётда қилган ишларимиз оқибатига қараб - карма қонуни асосида берилади. *Йам йам вапи смаран бхавам тйаджатй анте калеварам*. Моддий табиат қонунлари шундай. Шунинг учун Шукадева Госвами ҳар бир инсонга содир қилган гуноҳларининг оғирлигига қараб, муайян покланиш маросимлари ўтказишни тавсия қилади. Шастраларда гуноҳлардан покланишнинг жуда кўп усуллари кўрсатилган, агар инсон шу усуллардан фойдаланиб, гуноҳларидан покланмаса, келажакда азоб-уқубатлардан қутулиб қолишнинг иложи бўлмайди.

Махараж Парикшит ўткир заковатли инсон эди. У шундай дейди: “Тавба-тазаррулар, покланиш маросимлари ёрдамида инсон қилган гуноҳлари оқибатидан покланиши мумкин. Масалан, кимдир қасддан қотиллик қилди ва бу гуноҳи учун танасини қурбон қилди. Лекин, гарчи қилган гуноҳидан покланган бўлса ҳам, кейинги ҳаётида тирик мавжудот яна гуноҳ қилмайди, деб ким кафолат бера олади?” Шундай қилиб, Махараж Парикшит айтяптики, одамлар гуноҳларидан поклансалар ҳам, барибир яна шундай гуноҳ ишларга қўл урaveraдилар. Агар инсон бирор касалга чалинса, ҳар хил дорилар бериб, врач уни даволаши мумкин, лекин врач ёки дорилар уни яна касалга чалинишдан ҳимоя қила олмайди-ку. Худди шундай,

врачларнинг шунча уринишларига карамай, одамлар тинмасдан ҳар хил касалликларга чалинаверадилар, ўғри одам эса, ҳатто ўғирлик учун қамалиб чиққан бўлса ҳам, яна ўғирлик қилаверади. Бунинг сабаби нимада? Махараж Парикшит айтганидай, гарчи тавба-газарру қилган гуноҳлар оқибатидан покласа ҳам, у кейин яна шундай гуноҳ содир қилишдан ҳимоя қила олмайди. Ўғирлик қилган одамни давлат қонунлари қаттиқ жазолашини ҳамма билади, шунга карамай одамлар ўғирлик қилишдан ўзини тийиб тура олмайдилар. Барча муқаддас китобларда, ҳамма давлатларнинг қонунларида бирор жониворни ўлдириш ман қилинади, шунга карамай барибир одамлар шундай жиноятга қўл уришда давом этаверадилар. Бундай ҳолатга қандай чек қўйиш мумкин? *Дришта-шрутабхайам йат напам*. Ўзининг ҳаёт тажрибасидан ёки билимдон одамларнинг насиҳатларини тинглаб, инсон гуноҳ дегани нима эканини билиб олади. “Мен гуноҳ дегани нима эканини билмайман!” - деб айтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Поклангандан кейин яна худди шундай гуноҳ ишга қўл урадиган бўлса, гуноҳдан покланишнинг нима кераги бор? *Квачин нивартате “бхадрат квачич чарати тат пунаҳ прайашчиттам ато* “*партхам манйе кунжара-шаучават*(ШБ.6.1.9). Жиноятчини жазолаб, қамоқхонага олиб бораётганида у ҳайрон бўлади: “Мен нима гуноҳ қилдим? Энди мен ҳеч қачон бундай қилмайман!” Лекин, қамоқдан чиққан заҳоти у эски ҳунарини бошлайди.

Одат - инсоннинг иккинчи табиати бўлиб, ундан қутулиш жуда қийин. *Шва йади криямте раджа тат ким наинатй упанахам*(Хитопадеша). Итни шоҳнинг тахтига ўтқазиш мумкин, лекин бировнинг оёқ кийимига кўзи тушган заҳоти у дарров уни искагани чопади. Ит ҳамиша ит бўлиб қолаверади, шунчаки шоҳ тахтига ўтқазиш ёрдамида унинг одатини, табиатини ўзгартириб бўлмайди. Худди шундай, моддий табиат гуналари - саттва-, раджа- ва тамо-гуналар билан аралашгандан кейин биз ҳам моддий сифатларга эга бўламиз, бизларнинг одатларимиз ҳам мана шу гуналар таъсирига боғлиқ бўлади. Лекин, моддий табиатнинг ана шу гуналари таъсиридан озодликка чиқа олсак, бизнинг қалбимизда ўзимизнинг ҳақиқий, рухий табиатимиз намоён бўла бошлайди. Кришна онгига эга бўлиш усулининг моҳияти шундан иборат. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши ҳеч қачон моддий табиат гуналари таъсири остига тушиб қолмайди, чунки инсон Кришна онгига эга бўлган заҳоти қалбида унинг ҳақиқий, рухий ўзлиги намоён бўла бошлайди. Ҳаётда рухий юксалишга эришиш учун мана шу усулдан фойдаланишни бошлаган кишилар ҳатто аввал жуда кўплаб бемаъни одатлари бўлса ҳам, шунчаки Кришна онги билан яшай бошлагани шарофати билан ўзининг барча иллат-

ларидан бутунлай халос бўладилар.

Шундай қилиб, Кришна онги билан яшаш усули - барча азоб-уқубатлардан халос бўлишнинг энг яхши йўли ҳисобланади. Инсон то Кришна онги билан яшаш йўлига кирмас экан, у ҳеч қачон моддий табиат гуналари таъсири остида юзага келган бемаъни одатларидан қутула олмайди. Такрор ва такрор келаверадиган туғилиш ва ўлишлар занжиридан ҳақиқатан ҳам биратўла қутулишни истаётган одам Кришнани англаш усулидан фойдаланиши лозим. «Бхагавад-гита»да Кришна шундай дейди:(14.26).

*мам ча йо “вйабхичарена  
бхакти-йогена севате  
са гунан саматитйаитан  
Брахма-бхуйайа калпате*

“Ҳаётини Менга садоқат билан холис хизмат қилишга бутунлай бахшида этган ва ҳеч қачон танлаган йўлидан қайтмайдиган киши моддий табиат гуналари таъсиридан юқори кўтарилади ва Браҳман даражасига эришади”.

Кришна онги билан яшаш усулида содиқнинг қилган гуноҳлари оқибатидан ҳар хил тавба-газарру, покланиш маросимлари ёрдамида покланиши кўзда тутилмайди. Инсон қилаётган гуноҳлари оқибатидан тинмай покланишда давом этиши мумкин, аммо у Кришнага муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қилиш даражасига кўтарилмаса, шу йўл билан ўзининг бутун ҳаётини биратўла покламаса, қалбига ёпишган моддийлик касалидан ҳеч қачон қутула олмайди.

## Риёзат, яъни нафсни тия билиш

Худонинг хоҳиши зид равишда яшаб юрган киши қилган гуноҳлари оқибатида келадиган азоблардан биров вақтгача халос бўлиб юриши мумкин, лекин кўп вақт ўтмай у яна гуноҳ ишларга қўл уради. Шу сабабли Махараж Парикшит шундай дейди: *квачин нивартате “бхакрат квачич чарати тат пунаҳ прайашчиттам ато* “*партхам* - “Менимча, ҳамиша адо бўлмайдиган янгидан-янги гуноҳлар оқибатидан покланишга бекорга вақт кетказиш - мутлақо бемаъни иш” у бунга мисол қилиб, қўлда ювинаётган филни келтиради: фил қўлга тушиб яхшилаб ювинади, лекин сувдан чиққан заҳоти кирғоқдаги қумга беланиб, яна аввалгидай ифлос бўлиб қолаверади. Худди шундай покланиш маросими орқали ўтиш ёрдамида инсон қилган гуноҳлари оқибатидан покланиши мумкин, лекин у яна аввалгидай гуноҳ ишлар қила бошласа, гуноҳлардан покланишнинг нима маъноси бор? Шунинг учун Махараж Парикшит Шукадева Госвамига берган навбатдаги саволи жуда муҳим аҳамиятга эга: “Қандай қилиб моддий табиат гуналари таъсиридан булғанишдан биратўла

покланиш мумкин? Агар инсон барибир озодликка чиқа олмайдиган бўлса, гуноҳлардан покланишнинг нима кераги бор?”

Бунга жавобан Шукадева Госвами айтадики, агар инсон ўзининг кармасини, яъни гуноҳ ишлари оқибатини савоб ишлар билан йўқотишга ҳаракат қилиб юрган бўлса, бу йўл билан у азоб-уқубатлардан қутула олмайди. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун жаҳонда тинчлик ўрнатиш учун курашиб келяпти, лекин у барибир урушларга барҳам бера олмаяпти: ҳамиша ҳар ерда янгидан янги урушлар юзага келиб турибди. Биринчи жаҳон уруши тамом бўлгандан кейин сиёсатчи ва дипломатларнинг саъй ҳаракатлари билан Миллатлар Лигаси ташкил этилган эди. Кейин иккинчи жаҳон уруши бошланди, уруш тамом бўлгандан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилди, лекин барибир ҳар хил урушлар давом этяпти. Тинчликсевар ташкилотларнинг мақсади - давлатлараро урушларга барҳам беришдан иборат, лекин уларнинг ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермаяпти. Кимларнингдир уришилари натижасида янгидан-янги урушлар бошланяпти, бошқа бировларнинг уришилари билан урушлар бироз вақтга тўхтаб туради, лекин салгина имкон топилган заҳоти янги уруш бошланади. Худди шундай биз ҳам гуноҳ ишларга қўл ураемиз, кейин улардан покланамиз, кейин яна гуноҳ қилаемиз. Биз урушларни биратўла тўхтатиб, мусибатлардан бутунлай халос бўлишни истаймиз, лекин қўлимиздан ҳеч нарса келмаяпти.

Шукадева Госвами айтяптики, бир уруш натижасида қандайдир муаммолар пайдо бўлади, бошқа бир уруш натижасида эса, шу муаммолар ҳал бўлади, лекин асосий муаммо барибир ҳал бўлмай қолаверади. Шукадева Госвамининг фикрига кўра, мана шу мусибатларнинг ҳаммасига одамларнинг ғофиллиги сабабчи бўляпти: *авидвад-адхикаритват*. *Авидвад* ибораси “илмсизлик”, “илмнинг етишмаслиги” деган маънони англатади. *Авидвад-адхикаритват праишчиттам вимаришанам*. Фақат мукаммал илм ёрдамида барча гуноҳлар оқибатидан биратўла халос бўлиш мумкин. Нимага одамлар бир-бири билан урушадилар, нимага улар ҳар хил азоб-уқубатларга дучор бўладилар? Ведаларда “нимага” деган ана шундай адо бўлмас кетма-кет саволларга бутун бир “Кена-упанишад” деган асар бағишланган. Токи онгида ана шундай саволлар пайдо бўлмас экан, инсон ҳақиқий ИНСОН учун қўйилган талабларга мутлақо жавоб бермаётган бўлади. Шундай саволлар ҳар бир соғлом фикрли инсонни ўйлантириб қўйиши керак: “Нимага мен азоб чекапман? Мен бу дунёга қаердан келдим? Аслида мен ўзи кимман? Ўлгандан кейин ҳаёт борми? Ўлгандан кейинги тақдирим нима бўлади? Нимага бундай ачинарли аҳволга тушиб қолдим? Нимага мен туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик келтирадиган азоб-уқубатларга чидаб юраверишим керак?”

Мана шу муаммоларни биратўла ҳал қилиш имконини берадиган бирор чора бормикан? Шука-

дева Госвами шундай дейди: *нашнатаҳ патхйам эваннам вйадхайо “бхибхаванти хи/ эвам нийамакрид раджан шанаиҳ кшемайа калпате*. Бу моддий оламнинг шартланган шароитида яшаш муаммоларидан биратўла халос бўлишга интилаётган киши Худонинг қонун-қоидаларига, кўрсатмаларига риоя қилиб яшаши керак. Агар бемор врачнинг кўрсатмаларига амал қилмаса, у касаллик азобидан қутула олмайди. Худди шундай агар одам ўй-фикрларида, қилаётган ҳаракатларида Ведавий муқаддас китобларда ёзилган донишмандлик илмига амал қилиб юрмаса, у ҳеч қачон ҳаётда учрайдиган муаммолардан биратўла қутула олмайди. Гуноҳлардан покланиш ёрдамида қандайдир вақт мобайнида қийинчиликлардан қутулиб юриш мумкин, лекин эртами, кечми мусибатлар яна пайдо бўлаверади.

Шукадева Госвами айтадики, моддий яъни дунёвий ҳаёт бизни гуноҳ ишлар содир қилишга ва шу гуноҳлар оқибатида азоб чекишга мажбур қилади. Аслида моддий олам ўзи шундай яралган, шунинг учун агар биз адо бўлмас мусибатлар гирдобидан озодликка чиқишни истасак, ҳақиқий мукаммал илм эгаллашимиз лозим. Оддий одамлар, яъни кармилар ўз меҳнатларининг натижаларига қаттиқ боғланиб қолганлар, улар кечаю-кундуз оғир меҳнат қилиб азоб чекиш, унинг натижасидан лаззатланиш, кейин яна қийналиб азобланиш учун тиним билмай ишлайдилар. Бу йўл билан улар ҳеч қачон ҳаёт муаммоларини биратўла ҳал қила олмайдилар. Шунинг учун "Шримад Бхагава-там"да инсон ҳақиқий илм эгаллаши лозим деб айтилган. Мукаммал илм эгаллаш учун қилинадиган биринчи қадам - тапасйа, яъни риёзат чекиш, нафсни тийишдан иборат. Врач диабет касалига учраган кишига бир неча кун оч юришни тавсия қилганида, агар ҳақиқатан ҳам касалдан қутулишни истаса, гарчи оч юриш ҳеч кимга ёқмаса ҳам, у ўз хоҳиши билан врачнинг кўрсатмаларига амал қилиши лозим. Тапасйа, риёзат чекишнинг моҳияти шундан иборат – инсон ўз хоҳиши билан зарурий синовлар, азоблар орқали ўтиши керак. Шундай риёзатга қодир бўлган киши ҳар қандай хурмат-этиборга муносиб инсондир, чунки инсон ҳаёти тирик мавжудотга фақат риёзат чекиш, тапасйа учун берилади. Аслида риёзат, тапасйа ведавий жамиятда яшаш маданиятининг ажралмас қисмидир. Ҳиндистонда ҳатто ҳозирги кунда ҳам қаттиқ риёзатга берилиб юрган одамларни - тапасвиларни учратиш мумкин. Улар қишда бўйнигача совуқ сув ичида турган ҳолда муроқабага бериладилар. Қишда, совуқда муздай совуқ сув ичида туриш ҳеч кимга ёқмайди, лекин улар ўз хоҳиши билан шундай қиладилар. Ёзда эса, атрофига бешта гулхан ёқиб, уларнинг ўртасида муроқабага берилиб ўтирадилар. Ҳиндистонда кўпчилик риёзатчилар чекадиган риёзатнинг баъзи бир турлари шундай.

Ҳар бир инсон ҳаётда қандайдир риёзатларга берилиб яшаши лозим. Риёзат чекмай туриб, инсон руҳий ҳаётда ёки илм ўрганишда бирор муваффақиятга эриша олмайди. Агар бизнинг бутун ҳаётимиз танамизнинг еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш ва ўзини муҳофаза қилиш сингари ҳайвонларга ҳам хос бўлган талабларини қондиришга сарфланган бўлса, ҳақиқий илм ўрганиш учун ҳеч қандай риёзат чекмаган бўлсак, - “ўзимизга берилган нодир инсон умрини бекорга хазон қилдик” деб дадил айтавериш мумкин. Кришнани англаш йўлига кириб, руҳий устоздан фотиҳа олишни истаган ҳар бир инсондан биз аввало маълум қонун-қоидаларга амал қилиб, риёзат чекишни талаб қиламиз. Ғарбий давлатларда инсонга ноқонуний жинсий ҳаётдан, гўшт, тухум, балиқ, маст қилувчи нарсалар истеъмол қилишдан, ҳар хил қимор ўйинларидан ўзини тийиб юриш қаттиқ риёзат, тапасйа ҳисобланади. Гарчи биз ҳеч кимдан оғир риёзат чекишни талаб қилмасак ҳам, одамларга ҳатто мана шу қоидаларга амал қилиш ҳам ёқмайди. Англияда аристократ оиладан чиққан бир киши менинг руҳий оғайнимга шундай савол берибди:

- “Свамижи, сиз мени ҳам брахман даражасига кўтара оласизми?” Свамижи унга шундай деб жавоб берибди:

- “Ҳа, албатта. Лекин сиз бунинг учун 4 қоидага амал қилишингиз, яъни ноқонуний жинсий ҳаётни тарк этишингиз, гўшт емаслигингиз, қимор ўйнамаслигингиз ва ароқ ичмаслигингиз лозим”.

- “Бундай яшашнинг иложи йўқ” - деб жавоб берибди англиялик.

Ҳа, бунинг иложи йўқ. Чунки Европада ҳам, Америкада ҳам одамлар туғилган кунидан бошлаб ўз нафсининг қули бўлиб яшашга ўрганиб қолганлар. Кўпинча бадавлат ҳиндистонликлар ҳам фақат ана шундай ҳайвоний ҳаёт билан яшашни ўрганиш учунгина ғарбий давлатларга келадилар. Ана шундай бемаъни одатларга ўрганиб, ўз ватанига бориб, ўзларини “замонавий” киши қилиб кўрсатишга уринадилар. Ҳинд халқининг Ведаларга асосланган маданияти одамларни табиий равишда тапасйага ўргатади, лекин ҳозирги одамлар ўзларининг қадимий улуғвор маданиятини унутиш ва ғарбий маданият қоидаларини ўрганиш учун Америкага бораптилар. Лекин ҳақиқат шундан иборатки, агар инсон ҳақиқий руҳий илм эгаллаб, ҳаётининг барча муаммоларини биратўла ҳал қилишни истаса, у умрини тапасйага, риёзат чекишга, нафсини жиловлашга бағишлаб яшаши лозим.

Нафсни жиловлаш, риёзат чекиш қонун-қоидалари фақат инсонлар учун мўлжалланган, ҳайвонларга риёзат чекишнинг кераги йўқ. Биз машинани йўлнинг чап томонидан ҳайдай олмаймиз, ёки чорраҳадан светофорнинг қизил чироғида ўта олмаймиз - инспектор бизга жарима солиб жазолайди. Лекин, агар бирор ит кўчанинг чап томо-

нида юрса, ёки қизил чирокда ўтиб кетса, унга ҳеч ким аҳамият бермайди, чунки у - ҳайвон. Шундай қилиб, қонун одамларга ва ҳайвонларга ҳар хил талаблар қўяди, чунки одамлар ҳайвонларга нисбатан онгли деб ҳисобланади. Агар биз инсонлар жамиятида қабул қилинган қонун-қоидаларга амал қилишдан бош тортсак, ҳайвонлар даражасига тушиб қолган бўламиз. Ҳозирги пайтда кўпчилик одамлар ҳеч қандай қонун-қоидаларга, тартибга риоя қилмасдан эркин яшашни тарғибот қиляптилар, лекин, узокни кўра биладиган соғлом фикрли одамлар биладиларки, ҳеч қандай чекланишларга амал қилмасдан яшаш инсонни ҳайвон даражасига тушириб қўяди. Шунинг учун Шукадева Госвами ҳақиқий инсонларга илм ўрганиш учун риёзат чекишни тавсия қилади. Агар биз ҳақиқатан ҳам барча муаммолардан қутулишни истасак, риёзат чекиб яшашимиз лозим. Акс ҳолда биз азоб-уқубатларга тўла бу моддий оламда тутқун бўлиб юраверишга мажбурмиз.

Тапасйа дегани нима ўзи? Риёзат нима? Риёзатнинг асосий қонуни - брахмачарйа, жинсий покликни сақлашдан иборат. Брахмачарйанинг асл маъноси жинсий ҳаётни бутунлай тарк этишдан иборат, ведавий қонун-қоидаларга кўра, инсон ҳаётининг аввалги йилларида(25 ёшгача) брахмачарйа қонунларига қатъий амал қилиши лозим. Балоғат ёшига етгандан кейин брахмачарйа уйланиб, грихастха(оилали) бўлиши мумкин. Шундай кейин унга жинсий алоқа руҳсат этилади. Лекин шогирд брахмачарйа бўлиб яшар экан, у жинсий алоқадан ўзини тийиб, жинсий поклигини сақлаши лозим. Ҳозирги даврда яшаётган одамлар маънавий тубанликка тобора кўпроқ юз тутяптилар, чунки ҳеч ким уларга риёзат чекиш зарурлигини ўргатмаяпти, улар ҳеч қандай риёзат чекмай, худди ҳайвонлардай эркин яшаптилар. Фақат камчиликларни айтиб танқид қилиш билан жамиятнинг аҳволини яхшилаб бўлмайди: жамиятнинг маънавий аҳволини яхшилаш учун одамларни риёзат чекишга ўргатиш керак.

Ведалар таълимотига кўра, Худонинг қонун-қоидаларига амал қилиб, риёзат чекиб яшаётган одам брахман ҳисобланади.

*этад акшарам гарги видитвасмал*

*локат праити са Брахманаҳ*

*этад акшарам гарги авидитвасмал*

*локат праити са крипанаҳ*

Ҳар бир инсон эртами, кечми барибир ўлади, чунки ҳеч ким ҳозирги танасида мангу қололмайди, умрини риёзат чекиш билан ўтказган киши брахман бўлади. Аксинча, умрини ҳеч қандай риёзат чекмай, худди ит, мушуклардай эркин яшган киши крипанадир. Мана шу икки ибора - *крипана* ва *брахман*, ведавий муқаддас китобларда жуда кўп учрайди. Крипана дегани “хасис” деган маънони билдиради. Брахман дегани эса “улуғвор фикрловчи инсон” дегани билдиради. *Брахма жанатити Брахманаҳ*: “Парвардигорни, Мутлак

Ҳақиқатни англаб етган киши брахмандир, шу илмдан маҳрум киши эса - ҳайвон”. Инсон билан ҳайвоннинг орасидаги фарқ шундан иборат: ИНСОН деб аталишга муносиб бўлиш учун одм Мутлақ Ҳақиқатни англаш имконини берадиган илмга эга бўлиши лозим. Фақат илм ўрганиш учун инсонга яшаш имконияти, инсоний ҳаёт ато этилган, шунинг учун ҳам жаҳонда шунча ўқув маканлари бор: ҳар хил фанларни ўргатадиган мактаб, лицей, коллеж ва ҳоказолар мавжуд. Одамлар еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш ва ҳаётини муҳофаза қилиш учун махсус илм ўрганиши шарт эмас, чунки бу ишларни қилиш учун етарли илмни бизга ҳам, ҳайвонларга ҳам табиатнинг ўзи бериб қўйган. Шубҳа йўқки, инсон ҳаёти бундан юксакроқ мақсадга эришиш учун мўлжалланган. Ҳақиқий инсон ўзининг онгли ҳаётини риёзат чекишга ва руҳий илм ўрганишга бағишлаши лозим.

Брахмачарйа, яъни риёзатга бағишланган ҳаётнинг биринчи шартини белгиловчи жинсий поклик ведавий муқаддас китобларда қуйидагича таърифланади(Шридхара 6.1.12):

*смаранам киртанам келих  
прекшанам гухйа-бхашанам  
санкалто “оҳйавасайаш ча  
криянирвриттир эва ча*

Ҳақиқий жинсий поклик шундан иборатки, инсон жинсий ҳаёт ҳақида ҳатто ҳаёлида ҳам ўйламаслиги ёки шу мавзуда биров билан суҳбатлашмаслиги лозим. Ҳар турли кўринишларда жинсларнинг ўзаро муносабатларини таърифловчи газета, журнал, китобларни ўқиш ҳам Брахмачарйа қоидаларига зид ишлар ҳисобланади. Худди шундай қандайдир бошқа йўллар билан тананинг жинсий алоқага бўлган талабларини қондириш, яъни бошқа жинсга мансуб зотлар билан кўз уриштириш, гаплашиш ёки жинсий алоқа қилишга ҳаракат қилиш ҳам брахмачарйа қонунларини бузиш ҳисобланади. Шунга ўхшаган амаллардан ўзини бутунлай тийиб юришга қодир кишигина ҳақиқий брахмачарйа бўла олади.

Жинсий алоқани тарк этиш, риёзат, ақлни ва ҳиссиётни жиловлаб олиш ёрдамида инсон ўзининг ҳаётини бутунлай поклаши мумкин. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб хайр-эҳсонлар қилиш орқали ҳам худди шундай натижага эришиш мумкин. Бундай ишлар тйага, боғланмаслик деб аталади. Агар кимнингдир миллион доллар пули бўлса, бу пулларни уйда сақлаб қўйгандан кўра, уларни Кришнага хизмат қилиш учун ишлатиш керак. Пуллар ҳам, худди бизнинг куч-қувватимиз сингари қачон биз уларни Кришнага хизмат қилиш билан банд қилсаккина ўзининг асл вазифасини бажарётган бўлади.

Инсон танасини тарк этиб кетаётганида шу танада яшаган пайтида ишлаб топган нарсаларининг ҳаммасидан - пулларидан, бошқа

бойликларидан айрилиб қолади. Руҳий табиатга эга бўлган жон, руҳ бошқа танага ўтади, энди у шунча қийналиб топган пуллари қаерда турганини ҳам, нимага сарфланаётганини ҳам билмайди. Танасини тарк этмасдан олдин инсон ўз фарзандларига пулларини қандай ишлатиш тўғрисида васиятнома қолдириб кетиши мумкин, лекин, агар у фарзандларига миллион доллар қолдириб кетса ҳам, кейинги ҳаётида у шу пуллардан фойдалана олмайди. Шундай экан, токи инсон тирик экан, ўзининг бойлигини ўзи сарфлаш имконияти бор экан, уларни эзгу ишларга сарфлаб улгуриб қолиш керак. Агар инсон ўз бойлигини нотўғри ишларга сарфласа, шу ишлари оқибатида бу дунёга боғланиб қолади, эзгу ишларга, яъни Худо йўлида ишлатиш билан эса, мангу озодликка эришишга яқинлашади. Бу ҳолат муқаддас «Бхагавад-гита»да батафсил тушунтирилган.

«Бхагавад-гита»да хайр-эҳсон қилишнинг уч тури борлиги кўрсатилган: эзгулик гунасида, эҳтирос гунасида ва ғафлат гунасида. Эзгулик гунасида бўлган киши қачон, қаерда ва кимга хайр-садақа бериш лозимлигини яхши билади. «Бхагавад-гита»да Кришна шундай дейди: (9.29)

*само”ҳам сарва-бхутешу  
на ме двешйо “сти на приях  
йе бхаджанти ту мам бхактия  
майи те тешу сати ахам*

“Мен ҳеч кимга ҳасад қилмайман, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабат билдираман. Лекин, Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган, Мени ўзининг дўсти деб билган киши ҳаммиша Менда бўлади, Мен ҳам унинг дўсти бўламан”.

Парвардигор ҳеч қандай бойликка, пулга зор эмас, чунки Унинг Ўзи бутун борлиқнинг бошланғич эгаси бўлади(*ишавасйам идам сарвам*). Шунга қарамай, У биздан эҳсон қилишимизни сўрайди. Пакана-брахман Вамана киёфасига кириб, Кришна Бали Махараждан садақа сўраган эди. Кришна - барча сайёраларнинг Олий Ҳукмдори, *сарва-лока-махешварам*, шунда ҳам У биздан эҳсон қилишимизни сўрайди: “Илтимос, хайр-эҳсон қилинг!” Нимага У шундай қилади? У бизларнинг манфаатимизни кўзлаб шундай қилади, чунки Унинг бойлигини, Унинг пулларини қанчалик тезроқ Унга қайтариб берсак, бизлар шунчалик тезроқ бахт-саодатга эришамиз, Худонинг даргоҳига қайтиб борамиз. Балки бу гаплар кўпчилик одамларга ёқмас, лекин, аслини олганда бизлар ҳаммамиз ўғрилармиз, чунки Худонинг мулкини ўғирлаб, талон-тарож қилиб юрибмиз. Худони англаб етмаган, Кришна онги билан яшаб юрмаган, лекин, бирор нарсанинг эгасиман, деб даъво қиладиган киши ҳақиқий ўғридир, чунки у Худонинг мулкига эгалик қилишга даъво қилаётган бўлади. Моддий олам шундай яралган. Биз мана шу гапларни чуқур мулоҳаза қилсак, ўзимизнинг ҳолатимизга ҳақиқат кўзи билан қарашга ҳаракат қилиб кўрсак, тушунамикки, токи биз Худони англаб етмасак, Худонинг хоҳиши билан яшашни ўрганмас

эканмиз, ҳаётда фойдаланаётган нарсаларимизнинг барчаси ўғирланган нарсалар бўлиб қолаверади. Бу фикрни «Бхагавад-гита»да ҳам топиш мумкин. Унда айтилганки, агар инсон ўз бойлигини яғйа, курбонлик маросими ўтказишга сарфламаса, у ўғри одамдир (*йо бхункте стена эва сах*). Масалан, одам катта пул ишлаб топса-ю, шу пулдан маълум миқдорда давлатга солиқ тўламаса, у жиноятчи ҳисобланади ва шунга муносиб жазоланади. У “Мен бу пуллари ўзим ишлаб топдим!” Нимага энди уни ҳукумат билан бўлишимиз керак? - деб даъво қилиши мумкин. Йўқ, у солиқ тўлаши шарт, акс ҳолда жазоланади. Худди шундай биз фойдаланаётган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг, яъни Кришнанинг мулки ҳисобланади, шунинг учун биз ўзимиздаги ҳамма нарсани Унинг хоҳишига кўра ишлатишимиз лозим. Биз иморат қуришни исташимиз мумкин, аммо бунинг учун тош, тупроқ, ёғочларни қаердан оламиз? Биз ўзимиз ёғоч ярата олмаймиз, - дарахтлар Худонинг мулки. Биз темир ҳам ярата олмаймиз, у ҳам ердан олинади, Ер эса Худонинг мулки. Ердан қилинадиган ғиштлар ҳам Худоники. Ғишт куйиш учун биз меҳнат қиламиз, аммо, бизнинг меҳнатимиз ҳам Худоники. Меҳнат қилиш давомида биз қўлларимизни ишлатамиз, аслида бу қўллар ҳам бизники эмас, Худоники, чунки агар Парвардигор бизнинг қўлларимизни бошқариш қобилиятдан маҳрум қилса, улар мутлақо фойдасиз бўлиб қолади.

«Бхагавад-гита» ва "Шримад Бхагаватам" сингари ишончли муқаддас китобларда берилган ҳақиқат илмини тушуниб олиш учун биз ИНСОН танаси яратиб қўйган нодир имкониятни қўлдан бой бермасликка интилишимиз лозим. "Шримад Бхагаватам"да Шукадева Госвами айтадики, барча гуноҳлар оқибатидан биратўла қутулиш - чуқур фикрлаш, муруқабача қилишдан иборат. Чуқур тафаккури ёрдамида инсон аниқ билиб олиши лозим: аслида у танамидан, ёки танасидан фарқ қиладиган руҳми? Олий Рух, Парвардигор дегани ким? Бу саволларга Худонинг хоҳиш-иродасига бўйсуниб яшашга ҳаракат қилиш билан жавоб излаш лозим. Нодир инсон танасидаги ҳаётга энгилтаклик билан қарамаслигимиз, умримизни бекорга хазон қилмаслигимиз лозим. Ҳақиқий илмга эга бўлишга жиддий интилаётган киши тапасйа, риёзат чекиши лозим, аввал айтганимиздай, риёзатнинг биринчи қадами брахмачарйа, жинсий ҳаётни тарк этишдан ёки уни тартибга солишдан иборат. Инсоннинг бу дунёда кечирадиган дунёвий ҳаётининг ҳаммаси жинсий ҳаёт атрофида ўтади. Бу ҳолат фақат одамларда эмас, ҳайвонларнинг ҳаёти ҳам шундай. Масалан, каптарлар, чумчуқлар ҳам вегетариан овқатлар билан озикланадилар, лекин, шунга қарамай кунига 300 мартага яқин жинсий алоқа қиладилар. Ғўшт билан озикланадиган арслон эса,

бир йилда бир марта жинсий алоқа қилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, руҳий ҳаёт фақат ғўшт емаслик билан чегараланиб қолмайди: руҳий ҳаёт, риёзат - олий, муқаммал илм эгаллашда. Инсон ҳақиқий илмга эга бўлгандан кейин табиий равишда зулм қилиб ғўшт истеъмол қилишдан воз кечиб, вегетариан турмуш тарзига ўтиб яшайди. *Пандитах сама-даршинах*: ҳақиқий илмга эга бўлган маданиятли киши брахман, фил, ит ва сигирга бир хил кўз билан қарайди. У - *сама дарши*: олган илми шарофати билан у барча тирик мавжудотларга бир хилда меҳрибон бўлади. Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? У тирик мавжудотларнинг танасига эътибор бермайди, у шу тана ичидаги руҳни, руҳий заррани, Брахманни кўради. У шундай фикр юритади: “ит ҳам тирик мавжудот, лекин қилган гуноҳ ишлари оқибатида ҳозир у итнинг танасида туғилган. Брахман ҳам руҳий зарра. Савоб ишларининг натижасида у яхши, маданиятли хонадонда туғилишга муяссар бўлган”. Ҳаёт ҳақида руҳий нуқтаи-назарга эга бўлган киши тирик мавжудотларнинг сиртқи қобиларига - таналарига муҳим аҳамият бермайди, у ҳар бир тирик мавжудотда руҳий заррани кўради, шунинг учун уларни бир-биридан ажратмайди.

Аслида биз ўсимликларни ўлдириш ҳайвонларнинг ўлдиришдан яхши деб айтмаймиз, чунки ўсимликлар ҳам худди сигир ёки ит сингари тирик мавжудот. Биз шунчаки муқаддас “Шри-Ишопанишад”(1)да келтирилган кўрсатмага амал қиламиз:

*ишавасйам идам сарвам  
йат кинча жагатйам жагат  
тена тйактена бхунджитха  
ма гридхақ касйа свид дханам*

“Барча жонли ва жонсиз нарсалар Парвардигорнинг ҳукми остида ва Унинг мулки ҳисобланади. Шунинг учун, ҳар ким ўзига насиба қилиб берилган нарсалар билан қаноатланиши ва кимнинг мулки эканини эсидан чиқармаган ҳолда, бошқа нарсаларга кўз олайтирмаслиги керак”.

Ҳамма нарса Парвардигорнинг мулки бўлгани учун инсон фақат ўзига ажратилган нарсалардан фойдаланиши мумкин, бошқаларнинг мулкига қўл уришга ҳақки йўқ. Барча муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига асосан, инсон фақат мева ва сабзавотлар, дон маҳсулотлари билан озикланиб яшаши лозим: фақат шуларгина инсон учун ризқ қилиб берилган (“У Зот осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин деб, мевалар чиқарди”..Бақара сураси.2.”Биз дон-дунни ундириб чиқардик. Бас, улар ўшандан ерлар. Яна биз унда хурмозор ва узумзор боғларни қилдик ва ундан чашмаларни оқизиб қўйдик. Токи мевасидан есинлар учун”Ёсин сураси.34-35). Бунинг устига унинг тана тузилиши, тишлари ҳам айнан ана шундай овқатларни ҳазм қилишга мослаб яратилган. Гарчи табиат қонунлари бир тирик мавжудот-

ни иккинчи тирик мавжудотни ейишга мажбур қилса ҳам, инсон ҳаётда муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидалар доирасидан чиқмай яшаши лозим. Одамлар учун ризк бўлсин деб мева ва сабзавотлар, гуллар, ғалла, гуруч ва сут маҳсулотлари яратилган. Сут ҳам тирик мавжудотнинг маҳсулоти ҳисобланади: аслида сут - сирнинг ранги ўзгарган қони ҳисобланади, у одамлар учун ҳам мўлжаллангани учун, сирнинг бузоғига зарур бўлганидан анча кўп миқдорда сут беради. Инсон сирнинг сутини ичиш билан қаноатланиши, гўштини ейиш учун унга зулм ўтказиб, ёвузлик билан уни сўйиб ўлдирмаслиги керак. Шу тариқа, Парвардигор яратиб қўйган табиат қонунларини бузмасдан, бахтиёр яшаш мумкин. *Тена тйактена бхунджитха*: ҳар ким Парвардигор унга ажратиб қўйган нарсалар билан қаноатланиши лозим, шунда у мусибат нималигини билмай бахтиёр яшай олади.

Парвардигор ҳақидаги илоҳий илмни ўрганиш ёрдамида биз онгимизни юқори поғонага кўтаришимиз лозим. Бошқаларга яхшилик қилиш ҳар бир инсоннинг қалбида бор туйғу, лекин биз шу туйғуни кимга йўналтириш кераклигини билмаймиз. Биз нима қилсак ҳам, кучимизни нимага сарфласак ҳам, барчасини Кришна учун, Худони мамнун қилиш учун қилишимиз лозим, чунки ҳамма нарса Кришнаники. Ҳаётда ҳамиша шу тарзда ҳаракат қилиб юрган киши ҳеч қачон афсусланмайди. Кришна шу қадар марҳаматлики, биз ҳам ўз нафсимизни қондира олишимиз учун Унга таклиф қилган таомни шундайлигича ўзимизга қолдириб беради. Биз Кришнага шунчаки ҳар хил таомлар таклиф қилиш билан ҳам Унинг содиқ хизматкори бўлишимиз мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай пул, ёки бойлик сарфлашнинг ҳожати йўқ. Аслида, шундоқ ҳам ҳамма нарса Кришнаники, лекин, шуни англаган ҳолда биз имкониятимизга қараб, Унинг Ўзи бизга бериб қўйган нарсалардан Унга таклиф қилсак, бизнинг онгимиз покланади. Қилган гуноҳларимиз оқибатидан покланишнинг улуғвор ва ишончли усули мана шундан иборат.

## **Ҳамиша Кришна онгида яшаш санъати**

Чексиз бойликка эга бўлган кишининг тақридон қилишга интилиши табиий ҳол. Моддий оламдаги тирик мавжудотларнинг барча интилишларини икки тоифага бўлиш мумкин: *бхога*(сезги аъзоларининг талабини қондириш) ва *тйага*(таркидунёлик қилиш). Лекин инсон ўзи,

ҳақиқий рухий устоз раҳбарлигисиз ҳақиқий таркидунёлик қандай бўлишини тушунишга қодир эмас. Аввалига инсоннинг қалбида ҳиссий лаззатлардан тотиб кўриш истаги пайдо бўлади, кейин улардан ҳафсаласи пир бўлиб, уларни тарк этишга интилади. Лаззатлардан қочиб юриш жонига текканида эса, у яна ҳиссий лаззатларга интила бошлайди. Бу худди соат капирининг ҳар тарафга бориб келиб туришини эслатади. Биз ҳаётда гоҳ ҳиссий лаззатларга интилиб, гоҳида эса, уларни тарк этишга интилиб, у ёқдан бу ёққа чайқалиб яшаймиз, бу ҳол кетма-кет такрорланаверади.

Кармилар моддий оламда ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиб яшашга интиладилар. Янгидан-янги моддий ҳиссий лаззатларни излаб улар кечаю-кундуз ҳар хил тезликда, ҳар хил машиналарда у ёқдан бу ёққа елиб-югурадилар. Айни пайтда бундай изланишларда қатнашмайдиган одамлар ҳам бор. Кўпинча катталарнинг гапларини тинглагиси келмайдиган ёшлар шулар тоифасига киради. Шундай қилиб, бу дунёда яшаётган одамларни икки тофага бўлиш мумкин: ҳиссий лаззатланишга интилаётганлар ва таркидунёликка интилаётган одамлар. Лекин, дунёвий ҳаётнинг униси ҳам, буниси ҳам бизга ҳақиқий бахт келтиришга қодир эмас, моддий ҳиссий лаззатлар ҳам, моддий таркидунёлик ҳам бизнинг азалий, асл, ҳақиқий табиатимизга мос келмайди. Ҳамма нарса Кришнанинг мулки, бошқа ҳеч ким бирор нарсага эгаман, деб даъво қилолмайди, шунинг учун биз ўзимизники деб юрган нарсаларнинг ҳаммаси аслида Кришнанинг мулки ҳисобланади(*ишавасйам идам сарвам*). Биз ўзимиз дарахтларни, ўсимликларни, сув ва ерни ярата олмаймиз, демак биз ҳеч нарсага эгалик қилишни даъво қила олмаймиз. Агар аслида бизнинг ҳеч нарсамиз бўлмаса, биз тарк этишимиз керак бўлган нарсанинг ўзи йўқ, яъни, “бу дунёга яланғоч келдик, яланғоч кетамиз”. Шунга қарамай, ҳеч қандай асосиз равишда биз: “Бу - менинг ватаним. Бу менинг уйим. Бу менинг хотиним, менинг фарзандларим...”деб даъво қилаверамиз. Ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қарай олсангиз бундай даъволар мутлақо асосиз, чунки биз бу дунёга ёлғиз, яланғоч, ҳеч нарсасиз келдик, худди шундай ёлғиз, яланғоч, ҳеч нарсасиз кетамиз. Шундай экан, *бхога*(ҳиссий лаззатларга интилиш) ва *тйага*(таркидунёлик, воз кечиш)нинг маъноси, моҳияти нимада? Аслини олганда унисиям, бунисиям ҳеч қандай маънога эга эмас. *Бхога* - ўғирлик қилишдан бошқа нарса эмас, *тйага* - ўзимизники бўлмаган нарсдан воз кечиш эса, ақлдан озганликнинг яна бир кўриниши, холос.

Шунинг учун Парвардигор бизга шундай насиҳат қилади:(18.66) *сарва дхарман паритяджйа мам экам шаранам враджа*, яъни “ҳар қандай динларни тарк эт, ўзингни бутунлай Менга топшир!” Гарчи биз бхога ва тйага қоидаларига



асосланиб, сон-саноксиз динлар яратиб қўйган бўлсак ҳам, Кришна ҳар қандай динларнинг барчасидан юз ўгиришни ва ўз ихтиёримизни Унга топширишни маслаҳат берапти. Аслида биз бу дунёдаги бирор нарсадан лаззатланишга ҳам, бирор нарсани тарк этишга ҳам қодир эмасмиз. «Бхагавад-гита»да таркидунёлик деганда, ўзимизники бўлмаган нарсага сохта даъво қилмаслик тушунтирилган. Ёш бола отасининг чўнтагидан минг сўм олиб, гарчи қандай ишлашни билмаса ҳам, уни бирор жойга яшириб қўйиши мумкин. Буни барибир биладиган Отаси ундан сўрайди: “Ўғлим, пулингни менга бер!” Ўғли бу пуллар барибир Отасиники эканини, яхшиси пулларни Отасига бериши кераклигини, чунки ўзи барибир тўғри ишлата олмаслигини тушунмайди. Кришна айтяптики, “Бутун фаолиятингни Менга бағишла. Бутун бойлигингни, пулларингни Менга бер!” Кришна ҳеч нарсага муҳтож эмас, У қашшоқ ҳам эмас, У - бутун борлиқнинг эгаси: У шунчаки биз билан худди отаси ёш бола билан муомала қилгандай муомала қилади. Ҳақиқий тйага, ҳақиқий таркидунёлик деганда инсоннинг ҳамиша Парвардигорнинг кўрсатмалари асосида яшашга, фаолиятининг барча натижаларини Унга бағишлашга тайёр эканини тушуниш керак. Ана шундай таркидунёлик - Кришнани англашга, Кришна онги билан яшашга эришиш усулларида бири ҳисобланади. Риёзат чекиш, жинсий покликни сақлаш, ҳеч нарсага боғланиб қолмаслик ва эзгу ишлар қилиб, хайр-садақа улашиш Худони, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш учун зарур бўлган шартлардир. Кришнани англаш нисбий, ўткинчи ҳақиқатларни эмас, балки мангу ўзгармас, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишдир. "Шримад Бхагаватам"да Шрила Вйасадева Олий Мутлақ Ҳақиқат олдида эҳтиром билан бош эгишини айтади: *сатйам парам дхимахи*. У ўткинчи, иккинчи даражали ҳақиқатларга эмас, балки Мутлақ Ҳақиқатга, “суммум бонум” энг олий эзгуликка бош эгади. Браҳманнинг вазифаси - ўзида Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш учун зарур бўлган сифатларни ривожлантиришдан иборат.

Браҳманлар поклик, озодалик талабларига жавоб бериши, ростгўй, очиқ кўнгилли бўлиши, ақли ва сезгиларини жиловлай олиши, Ведаларга, муқаддас китобларга, айниқса "Шримад Бхагаватам" ва «Бхагавад-гита»га чуқур иймон келтирган бўлиши лозим. Кришна “Мен - ягона Парвардигорман!” - дейди. Биз буни шунчаки юзаки, кўр-кўрона, бошқалар шунга ишонгани учун эмас, балки шастралардан олинган чуқур илм асосида чуқур иймон билан қабул қилишимиз ва ҳаётда, кундалик турмушда Кришнанинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашимиз лозим. Браҳман бўлиб туғилмайдилар, амалий ва руҳий устоздан назарий илм ўрганиб браҳман бўлиб етишадилар. Браҳман бўлиш инсоннинг келиб-чиқишига эмас, унинг шахсий сифатларига, интилишига боғлиқ. Кришна

буни «Бхагавад-гита» тасдиқлаб, шундай дейди: (4.13.)

*чатур варнийам майа сриштам  
гуна-карма-вибхашагаҳ  
тасйа картарам апи мам  
виддхй акартарам авйайам*

“Моддий табиатнинг уч гунаси ва улар билан боғлиқ фаолиятлар асосида Мен жамиятдаги одамларни тўрт табақага бўлиб қўйдим. Гарчи бу тизимни Ўзим яратган бўлсам ҳам, Мен Ўзим, ҳамиша ўзгармас бўлган ҳолда, ҳеч иш қилмайман”.

Шунчаки браҳманларга хос сифатларга эга бўлиб қолишнинг ўзи кифоя эмас, жамиятда браҳманлар қилиши лозим бўлган ишлар билан машғул бўлиб яшаш керак, чунки инсоннинг аслида ким экани унинг жамият манфаати йўлида қилаётган иши билан белгиланади. Агар кимдир олий маълумотли инженер бўлса-ю, лекин ҳеч қаерда ишламай, уйда ўтирса, унинг мутахассислигининг нима маъноси бор? Худди шундай, токи инсон ҳаётда, жамиятда ўзининг ҳақиқатан ҳам браҳман эканини амалда исботламаса, ўзини браҳман деб ҳисоблаб юриши куруқ гап бўлиб, унинг сарик чақалик қадри бўлмайди. Шунинг учун ўзини браҳман деб ҳисоблайдиган киши биринчи навбатда браҳманларга ўхшаб яшаши, браҳман қилиши лозим бўлган ишларни бажариши, яъни умрини Парам-Браҳманга, Худонинг Олий Шахси Кришнага хизмат қилишга бағишлаши лозим.

Биз қандай қилиб Мутлақ Ҳақиқатга хизмат қилиш билан шуғулланишимиз мумкин? *Йамена нийамена ча*: йога билан шуғулланиш яъни, Парвардигор билан бирлашиш жараёни асосида инсон ҳаётини тартибга солиш ва ўзини тўла бошқара билиш ётади. Инсон ўз сезгиларини ва ақлини жиловлаб олмай туриб бирор қонун-қоида асосида тартибли ҳаёт кечиришга қодир бўлолмайди, шунинг учун фаросатли инсон донишмандлик илми асосида яшаб, ҳаётини поклаши лозим. Мактабни битириб, бирор маълумотга эга бўлишга интиляётган киши албатта мактабга бориши, ўқитувчиларнинг қўйган талабларини бажариши, ҳар қандай қийинчиликларга чидаши лозим, фақат шундагина у мактаб имтиҳонларини топшириб, ниятига ета олади. Агар ўқувчи кун бўйи дангасалик қилиб юрса, у қандай қилиб имтиҳонни топшира олади? Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилишда муваффақиятга эришишнинг Шукадева Госвами тавсия қилган усулида риёзат, тапасйа асосий шарт қилиб кўрсатилган. Риёзат яъни браҳмачарйа турмуш тарзи аввалига жуда оғир бўлиб туюлиши мумкин, чунки биз ҳеч қандай чекланишларга, талабларга бўйсунмишга одатланмаганмиз, лекин, риёзат, чеклашлар билан ҳаётимизни тартибга солиб олишимиз билан авваллари бизга жуда қийиндай туюлиб юрган нарсалар амалда ҳеч қандай қийин эмаслигига

амин бўламиз.

Одамлар икки тоифа бўлади: *дхира*(соғлом фикрлай оладиган, жиддий, қатъий фикрга эга), ва *адхира*(ўзгарувчан фикрга эга, бетайин). Хиссиётини, ақлини ўзига жалб этадиган нарсаларни кўрганда ўзгармасдан, хотиржамлигича қолаверадиган киши дхира деб аталади. Ана шундай дхирага мисол тариқасида Калидас Пандит, санскрит тилида шеърлар ёзадиган машхур шоир-мутафаккир, ўзининг “Кумара-самбхава” асарида маъбуд Шива ҳикоясини келтиради. Бир вақтлар иблислар билан бўлган жангда мағлубиятга учраган фаришталар, “бизга фақат маъбуд Шиванинг зурёидан бўлган лашкарбошигина ёрдам бера олади” деган қарорга келдилар. Лекин, ўша даврда маъбуд Шива чуқур мууроқабага берилиб ўтирган эди, шу боис уни зурёд қолдириш учун ким биландир жинсий алоқа қилишга кўндириш жуда қийин эди. Фаришталар ўзаро маслаҳатлашиб, унинг олдига ёш гўзал пари Парватини юборишга қарор қилдилар. У бориб ҳар хил нозу-карашмалар қилиб Шивани жинсий алоқага кўндириши лозим эди. Лекин, Парвати фаришталарнинг амрига бўйсуниб, чуқур мууроқабага берилиб ўтирган маъбуд Шиванинг олдига бориб қанча ҳаракат қилмасин, ҳатто унинг жинсий аъзосини силаса ҳам, Шива мууроқабадан чиқмай, осойишталигини бузмай ўтираверди. Калидас шундай дейди: “Мана шу дхира сифатига эга зотга мисол бўла олади, чунки у ҳатто ёш қиз келиб жинсий аъзосини ушласа ҳам, ўзининг қарорини бузмай, хотиржам, осойишта ҳолатини ўзгартирмай ўтираверди”.

Худди шундай, бир куни ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан банд бўлиб юрган Харидас Тхакурнинг обрўсини тўқиш учун, унинг олдига ёш чиройли фоҳиша аёлни юбордилар. Аммо унинг эҳтиросли илтимосларини тинглаб туриб, Харидас Тхакур шундай деди:

- Майли, мен розиман. Лекин аввал мен мантра зикр қилиш вазифамни бажариб олишим керак. Шу ерда бироз ўтириб тур, кейин мен сенинг илтимосингни бажараман.

Шундай деб у Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда давом этаверди. Тонг яқинлашиб борарди, фоҳиша ҳаяжонлана бошлади. Харидас Тхакур унга шундай деди:

- Афсус, бугун мен белгиланган миқдорда мантра зикр қила олмадим. Кечқурун кела қол! Фоҳиша яна икки кун келди, лекин ҳар куни Харидас Тхакур мантра зикр қилиш билан банд бўлар, фоҳиша эса беихтиёр уни тинглаб ўтирарди. Ниҳоят, учинчи кун фоҳиша қилаётган ишидан пушаймон бўлиб, унинг оёғига йиқилиб тавба қилди:

- Илтимос, мени кечир! Сенинг душманларингдан биттаси мени шу ишга мажбур қилган эди.

Харидас Тхакур унга шундай деди:

-Мен буни яхши билардим, лекин сенинг Ху-

донинг содиқ хизматкори бўлишингга ёрдам бериш учун сендан ҳар куни бу ерга келишни илтимос қилган эдим. Мана бу тасбеҳни ол, шу ерда қолиб ҳар куни Кришнанинг муқаддас номларини зикр қил. Мен энди бу ерни тарк этиб кетаман.

Харидас Тхакур ҳам ўз тана(дехо)сини, нутқини(вак) ва ақлини(буддхи) жиловлаб олган кишига мисол бўла олади. Худонинг қонунларини тўғри тушуниб олган киши дхира бўлиши, яъни танасини, нутқини ва ақлини жиловлаб олиши лозим.

Гуноҳ ишларимизнинг оқибатлари бизни жуда қадим замонлардан бери таъқиб қилиб юради, биз гуноҳ ишларни қачон бошлаганимизни эслай олмаёмиз. Лекин, ҳозирги инсон қиёфасидаги танамиз бизга қилган барча гуноҳларимиз оқибатидан халос бўлиш учун берилган. Агар экинзорда ўсиб чиққан ёввойи ўтларни тўплаб ёқиб юборсак, дала улардан тозаланади. Худди шундай инсон риёзат чекиш ёрдамида аввал қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб покланади. Лекин, Шукадева Госвами бизга покланиш учун бошқа усулни тавсия қиляпти:

*кечит кевалайя бхактйа  
вайсудева-парайанаҳ  
агхам дхунванти картснйена  
нихарам ива бхаскараҳ.*

Одатда браҳмачарйа қонун-қоидаларига амал қилиб яшайдиган, риёзат чекадиган, эзгу ишлар қиладиган, одамларга кўплаб хайр-садақа берадиган, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўладиган кишини тақводор инсон деб атайдилар.

Аммо Худонинг содиқ хизматкорлари, яъни Кришнанинг содиғи бўлган киши аввал қилган барча гуноҳлар оқибатидан дарров биратўла покланади. Қуёш чиққан заҳоти зулмат ёришиб, барча туманлар тарқалиб кетади, Кришна ҳам ғофиллик туманини ёритувчи минглаб қуёшларга ўхшайди.

Фақат жуда бахтли, камдан-кам учрайдиган омадга учраган кишигина бу йўлга кира олади. Шунинг учун Чайтанйа Махапрабху шундай дейди: *Браҳманда бхрамите кона бхагйаван жи-ва/гуру-кришна-прасаде пайа бхакти-лата-биджа* - “моддий олам бўйлаб бир танадан иккинчи танага кетма-кет ўтиб сарсон бўлиб юришлар давомида энг омадли тирик мавжудот гуру ва Кришнанинг марҳамати билан Худого садоқат билан хизмат қилиш уруғини олиши мумкин”. Кришнани англаб етиш - энг бахтиёр, энг омадли одамларнинг иши, чунки шунчаки бу йўлга кирган киши қаттиқ риёзат чекиб юрган риёзатчи зоҳидлар, қаландарлар, жинсий поклигини сақлаб юрган роҳиб донишмандлар интилиб юрган мақсадга бир пасда эришадилар. Шукадева Госвами шундай дейди: - Худого пок садоқат билан хизмат қилиш бахтига ҳаётда энг омадли инсонларгина муяссар бўла оладилар”. *Кевала бхакти* ибораси Худого

соф садоқат билан хизмат қилишни билдиради, унда содикнинг ҳаётда яшашдан, ҳар қандай ҳаракатидан кутаётган ягона истаги Кришнани мамнун қилишдан иборат бўлади. Инсон ўзининг моддий аҳволини яхшилаб олиши учун Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирмаслиги керак. Одатда биз ҳаётда иложи борича кўпроқ пул ишлаб топишга интиламиз, чунки шу йўл билан бахтли бўламиз деб ўйлаймиз, лекин, Кришнани англаб, ҳаётда Кришна онги билан яшай бошласак, шунчалик бахтиёр яшай бошлаймизки, пул ҳақида ўйлаш ёдимизга ҳам тушмайди. Аслида бизга пул ҳам, бахт ҳам, бахтсизлик ҳам ўз-ўзидан келаверади, шунинг учун пул топиш учун ортиқча уриниб юришнинг кераги йўқ. Югурганники эмас, буюрганники.

Дхрува Махараж ҳам қаттиқ афсусланган эди: “Нимага мен моддий бойликка эришиш ниятида Худога садоқат билан хизмат қилишга қўл урдим?” Одатда, кўпроқ мол-дунё тўплашга интилаётган киши бирор бой-бадавлат одам билан яқинроқ муносабат ўрнатишга, ўзининг бошлиғига яхшироқ хизмат қилишга, бирор фариштага сажда қилиб, сиғинишга ҳаракат қилади. Лекин, Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкорлари ҳатто баъзан моддий бойлик керак бўлса ҳам, ягона Парвардигордан бошқа ҳеч кимга мурожаат қилмайдилар. Ҳатто моддий бойлик сўраб Кришнага мурожаат қилганлар ҳам, кейинчалик, Дхрува Махаражга ўхшаб, ўзининг моддий истакларини эсидан чиқариб юборадилар. Қилган хатосидан пушаймон бўлиб, Дхрува Махараж шундай деган эди: “Ўзининг хизмати билан бирор бой-бадавлат кишини мамнун қилган киши ундан бир неча дона буғдой сўраган аҳмоқ, нодондай, мен ҳам Кришнага моддий бойлик сўраб мурожаат қилибман”. Агар қандайдир бадавлат киши ҳар қандай истагимизни амалга оширишни истаса-ю, биз ундан бир ховуч гуруч сўрасак, бу аҳмоқона иш бўлади. Парвардигордан қандайдир моддий бойлик сўраб мурожаат қилаётган кишининг иши ҳам шундай бўлади. Содикнинг Кришнадан ҳеч қандай моддий бойлик сўраб юришига ҳожат йўқ, чунки моддий бойлик, бойлик фариштасининг ўзи “қачон менга эътибор берар экан” деб, соф содикнинг изида юради.

Кришна онги билан яшаб юрган киши ҳеч қандай моддий нарсаларга муҳтожлик сезмайди. Хотин, бола-чақа, уй, моддий фаровонлик - буларнинг ҳаммаси Кришнанинг марҳамати билан, ўзидан ўзи келаверади. Кришнадан ундай нарсаларни сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Биз Кришнадан фақат бир нарсани сўрашимиз керак: “Кришна, илтимос, Сенга садоқат билан хизмат қилишимга рухсат бер!” «Бхагавад-гита»да Кришна айтадики, Унга хизмат қилиб юрган кишини барча зарур нарсалар билан Унинг Ўзи таъминлайди, бор нарсасини эса химоя қилади. Охирги насихатларининг бирида Кришна Аржунга

бутунлай Унга таваккал қилишни маслаҳат беради: (18.57).

*четаса сарва-кармани  
майи саннийасйа мат-параҳ  
буддхи-йогам упаириутйа  
мач-читтаҳ сататам бхава*

“Ҳаётда нима қилсанг ҳам, қандай натижаларга эришсанг ҳам, ҳамма нарсада Менга таваккал қил, ҳамиша Менинг паноҳим остида ҳаракат қил. Менга садоқат билан хизмат қилиб, ҳамиша Мен ҳақимда ўйла!”

## Муаммо ва адашишлардан қутулиш йўли

Чайтанйа Махапрабху ва Унинг шогирдлар силсиласида турган издошлари орқали осонлик билан Кришна онгига эга бўлиш мумкин, лекин, уларнинг ана шундай марҳаматини фақат энг омадли кишиларгина қабул қилиб олишга муяссар бўладилар. «Бхагавад-гита»да шундай дейилган:(7.3)

*манушийанам сахасрешу  
кашчид йатати сиддхайе  
йататам апи сиддханам  
каичин мам ветти таттваматах*

“Кўп минглаб одамлар ичидан биргина киши ҳаётда рухий баркамолликка эришиши мумкин, баркамолликка эришган ана шундай минглаб одамлар орасидан биргина киши Мени ҳақиқатан ҳам англаб етиши мумкин”.

Ҳайвонлар ва ҳайвонларга ўхшаб яшаётган, яъни инсон қиёфасида юрган ҳайвонлар Худо ҳақидаги илмни англаб етишга қодир эмаслар. Ҳозирги замонавий жамият аслини олганда инсон қиёфасида юрган ҳайвонлар жамиятидир, чунки жамиятнинг бутун фаолияти одамларнинг фақат ҳайвонларга ҳам хос бўлган моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Қушлар ва ҳайвонлар эрталаб туриб, қорнини тўйғазиш учун озиқ-овқат ва жинсий алоқа қилиш учун жуфт излай бошлайдилар, ҳар қандай хавф-хатардан йироқ юришга ҳаракат қилдилар, кечга яқин эса, бехавотир ухлаш учун қулай жой излаб топадилар. Кейин тонг отади, қушлар яна озуқа излаб дарахтдан дарахтга учиб ўта бошлайдилар. Худди шундай Нью-Йоркда ҳам эрталаб одамлар тўда-тўда бўлиб, бир оролдан иккинчи оролга ўтиш учун паромга ўтирадилар ёки метрога, бошқа транспортларга ўтириб, бир бурда нон излаб топиш учун иш жойларига йўл оладилар. Бундай ҳаётнинг ҳайвонларнинг ҳаётидан фарқи нимада? Паромлар, метронинг вагонлари, автобуслар тикилиб тўлган, кўплаб одамлар фақат тирикчилик қилиш учун ҳар куни 40-50 км йўл босишлари керак, аммо қушлар тирикчилик қилиш учун бир

дарахтдан иккинчи дарахтга ҳеч қийналмасдан учиб ўтаверадилар.

Ҳақиқатан ҳам маънавий ривожланган, ҳақиқий инсонлар яшайдиган жамиятнинг пировард мақсади одамларнинг фақатгина ҳайвоний талабларини қондириш билангина чекланиб қолмайди. Ҳақиқий инсонлар жамияти биринчи навбатда ўз олдига одамларга Олий Оталари, Парвардигор билан ўзаро муносабатларини қайта тиклашга ёрдам беришни мақсад қилиб қўяди. Одамлар Парвардигор билан ўзаро муносабати қандай эканини ўзлари истаган ҳар қандай муқаддас китобдан билиб олиши мумкин: Қуръон, Инжил, Таврот, Забур, Ведалар ва ҳоказо. Лекин, ҳар бир инсон албатта шуни билиб олиши лозим. Кришнани англаш жамияти одамларни бир диндан иккинчи динга, масиҳийларни мусулмонликка, мусулмонларни индуизмга ўтказиш билан шуғулланмайди. Кришнани англаш ҳаракати одамларга **Парвардигор билан ўзининг ўзаро муносабатини англаб етиш - ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги энг асосий бурчи** эканини тушунтиришга интилади. Ҳар бир инсон шуни албатта англаб етиши шарт, акс ҳолда улар нодир инсон танасидаги ҳаётини фақат танасининг ҳайвоний талабларини қондиришга сарфлаб, умрини хазон қиладилар. Бизлар ҳар биримиз умримиз давомида Худони, яъни Кришнани севишга ўрганишимиз, қалбимизда ягона Парвардигорга нисбатан муҳаббат уйғотишимиз лозим. Агар инсон бирор дин орқали Худога интилиб яшаётган бўлса, у шу йўлда давом этавериши мумкин; агар Парвардигор ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса, бизнинг жамиятимизга келиб, Худони англаш илмини ўрганиши мумкин. Ҳар хил динлар орасида душманлик туйғулари пайдо бўлишига ҳеч қандай асос йўқ. Парвардигор бир ва ягона, Уни қандай ном билан атасангиз ҳам, Унга қайси дин йўли билан сиғинсангиз ҳам - барча илтижоларни тинглайдиган, саждаларни қабул қиладиган Зот - ягона Парвардигордир. (“Эй инсонлар, сизларнинг миллатингиз-динингиз, ҳақиқатда бир диндир.” Анбиё сураси. 92. “Бизларнинг илоҳимиз ҳам, сизларнинг илоҳингиз ҳам бир Илоҳдир ва бизлар Унгагина бўйинсунгувчимиз. Анкабут сураси. 46. “Оллоҳ Парвардигорингиз ва Парвардигоримиздир. Шўро сураси. 15).

*вишад апи амритам грахйам  
амедхйад апи кинчанам  
ничад апи уттамам видйам  
стри-ратнам душкулад апи.*

(Нити-дарпана.1.16) Бу ерда буюк донишманд Чанакйа Пандит айтяптики, инсон ҳар қандай нарсадан ўзига фойдали бирор ибрат олиши мумкин. Агар заҳар тўла идишнинг ичида бир томчигина шарбат бўлса ҳам, заҳарга тегмай ана шу шарбатни олишни билиш керак. Худди шундай, ахлат

орасида ётган олтинни ҳам тозалаб олишнинг йўлини билиш керак. Шунга ўхшаб, Ведавий таълим тизимида кўра одамларга жамиятдаги олий табақага мансуб кишилар, яъни, браҳманлар таълим беришлари лозим. Лекин, агар паст табақага мансуб киши ҳақиқат илмини эгаллаган бўлса, таълим олиш учун унга ҳам мурожаат қилиш мумкин. Паст табақага мансуб киши руҳий устоз ёки ўқитувчи бўлиши мумкин эмас, деб ўйламаслик керак.

Шунга ўхшаб, ҳақиқатан ҳам Худо илмини, Худони англашга интилаётган киши “мен масиҳийман”, “мен мусулмонман” ёки “мен индусман” деб ўтирмаслиги керак. Агар инсон ҳақиқатан ҳам қалбида Худога нисбатан муҳаббат уйғотишга жиддий киришган бўлса, у ўз мақсадига тезроқ эриштирадиган, ўзининг қобилиятига, табиатида мос келадиган йўлни танлаши лозим. “Нимага мен индусларнинг ёки Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қилишим керак?” - деб ўйламаслик керак. Ведавий муқаддас китобларнинг барча кўрсатмалари инсон қалбида ягона Парвардигорга муҳаббат туйғусини уйғотишга қаратилган. Америкага илм ўрганиш учун келган студентларни бирор фанни ўргатаётган домлаларнинг немис, америкалик ёки бошқа миллатга мансуб экани қизиқтирмайди. Олий маълумотли бўлишни истаган киши университетга кириб илм ўрганади, бошқа нарсаларга эътибор бермайди. Худди шундай, агар Худони англаб етишнинг, Парвардигор билан ўзаро муносабатимизни қайта тиклашнинг Кришнани англаш сингари қулай, осон йўли бор бўлса, фаросатли киши бу усулдан албатта фойдаланиб қолиши лозим.

Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига ҳамма ҳам киравермайди(*кевалайа бхактйа*). Бу йўлга фақат энг омадли, энг донишманд, умрида Кришнага садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч қандай истаги қолмаган кишиларгина кира олади(“Одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Аллоҳдан бандалари орасидага олим-билимдонларигина кўркур.” Фотир сураси.28). Худонинг содиқ хизматкорлари эрта тонгдан то қоронғу кечгача Кришнага садоқат билан хизмат қилишда машғул бўладилар. Кевалайа(соф) иборасининг маъноси шундай: Кришнага хизмат қилиш - содиқнинг ҳаётдаги ягона вазифаси. Бу усул ҳаммага бирдай тенг мўлжалланган, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиш - барча динларнинг энг олий, охирги мақсади ва энг юкори поғонасидир(*са ваи пумсам паро дхармо йато бхактир адхокшадже*). Диний машғулотларнинг ҳар хил поғоналари мавжуд: олий ва қуйи. Санскрит тилида улар пара ва апара деб аталади. Дунёвий мақсадларни кўзлайдиган диний(дхарма) қонун-қоидаларга риоя қиладиган одамлар одатда эҳром ёки масжид,

черковларга бориб, Худога илтижо қиладилар: “Эй Худойим, менга етарлича ризқ бер, насибамни бутун қил!” Аслини олганда, бу ҳақда Парвардигорга илтижо қилишнинг ҳожати йўқ, чунки шундоқ ҳам Парвардигор бизнинг ризқимизни етарлича бериб кўйибди (“Аллоҳ ризқ берувчиларнинг яхшироғидир”. Жумъа сураси.11). Гарчи эҳром, черковларга бориб, илтижо қилмасалар ҳам, ҳатто қуш ва ҳайвонлар ҳам етарлича озуқа билан таъминланган. Худди шундай, биз ҳам черков ёки масжидга бориш бормаслигимиздан қатъий назар, ҳеч қачон очдан ўлмаймиз. Ҳатто уйсиз, бошпанасиз гадоилар ҳам қандайдир йўллар билан тирикчилик қиладилар. Бирор қуш, бирор ҳайвон, ҳатто чумолилар ҳам ҳеч қачон очдан ўлмайдилар. Жаҳонда озиқ-овқат ҳаммага етарли, шунинг учун очдан ўлишдан кўрқиб ҳеч ким ташвишланмаслиги керак. Агар ҳаётда бирор нарсага ташвишланиш зарур бўлса, Худога, эришишни ўйлаб ташвишланиш керак. Шундагина биз ўзимизга берилган нодир инсон умрини тўғри яшаб ўтган бўламиз. Ризқ-насибага келадиган бўлсак, Парвардигор яратиб кўйган даргоҳда бу нарсалар барчага етарли.

*Тасйаива хетоҳ прайатета ковидо на лабхйате йад бхраматам упарйадхаҳ.* "Шримад Бхагаватам"да айтилганидай, ҳақиқий инсон коинотнинг бирор сайёрасида эришиб бўлмайдиган мақсадга интилиб яшаши лозим. Бу қандай мақсад экан? *Кевалайя бхактйа* - соф садоқат. Худонинг чексиз марҳамати билан сайёраимизда ҳаёт, тирикчилик учун ҳамма нарса - озиқ-овқат ҳам, экин экиладиган ер мйдонлари ҳам, табиий бойликлар ҳам етарли. Фақат бизнинг нотўғри фаолиятимиз натижасидагина сайёранинг бир қисмида одамлар очарчиликдан ўлиб кетяптилар, бошқа бир жойларда эса тонналаб дон, озиқ-овқат маҳсулотлари исроф қилиниб, океанга ташлаб юбориляпти. Ведаларда шундай дейилган: *эко бахунам йо видадхати каман* - Олий Шахс бошқа барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туради. Ҳаётдаги барча муаммоларнинг асосий сабаби шундан иборатки, биз ўзимизга керагидан кўпроқ олишга ҳаракат қиламиз. Натижада ҳар хил муаммолар юзага келади. Гофил, узокни кўра олмайдиган калтафаҳм сиёсатчилар раҳбарлиги остида одамлар ҳозирги даврда боши берк кўчага кириб қолганлар. Лекин моддий табиатнинг, яъни Парвардигорнинг қонунлари бўйича бу дунё мукамал қилиб яратилган, унда ҳамма нарса ҳаммага етарли. “Шри Ишопанишад”да шундай дейилган:

*ом пурнам адаҳ пурнам  
идам пурнат пурнам удачйате  
пурнасыя пурнам адайя  
пурнам эвавашишйате*

“Парвардигор ҳар томонлама мукамал, у мутлақ ва мукамал бўлгани туфайли, Ундан чиқаётган ҳамма нарса, шу жумладан мана шу моддий олам

ҳам ҳар томонлама мукамал, тўла бутундир. Тўла бутундан чиқадиган ҳар қандай нарса ҳам тўла бутун бўлади. Мутлақ мукамал тўла бутун бўлгани учун, ундан шунча нарсалар ажралиб чиқиб турганига қарамай, Унинг Ўзи ҳаммиша тўла бутун Мутлақ Ҳақиқатлигича қолаверади”.

Парвардигор мукамал, У яратган бу олам ҳам, Унинг амрининг намоён бўлиши ҳам мукамал. Ҳаётдаги барча муаммоларни бизларнинг ўзларимиз келтириб чиқарамиз. Ҳақиқий таълим-тарбия одамларнинг қалбида Кришна онгини ривожлантириши, шу билан уларга она табиат неъматларидан, табиий бойликлардан тўғри фойдаланишда ва бемаъни, оқибатда фақат бахтсизлик келтирадиган фаолият билан шуғулланишни бас қилишга ёрдам бериши керак. Фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қабул қилаётган ҳар хил қарорлари ёрдамида инсониятни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Барча муаммоларни ҳал қилишнинг ҳақиқий, амалда қўллаш мумкин бўлган усулини билиш керак.

Шукадева Госвами айтадики, Худога соф садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи одамни ҳаётдаги барча муаммолардан халос этади. Худога садоқат билан хизмат қилиш билан ким шуғуллана олади? Оддий одамлар бунга қодир эмас. Фақат *васудева-парайанаҳ* даражасига етган, Васудеванинг, яъни Кришнанинг содиғи бўлган кишигина Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарила олади. Шундай қилиб, токи ҳаётдаги ягона мақсади - Кришнани мамнун қилиш эканини тушунмас экан, токи Унга соф садоқат билан хизмат қилишга киришмас экан, ҳеч ким дунёвий ҳаёт муаммоларидан халос бўла олмайди.

Аввал айтилганидай, инсоннинг бу дунёда учрайдиган барча муаммоларининг асосий сабаби унинг ўзининг қилган гуноҳларидир (*агхам дхунванти*). (“Сизларга не бир мусибат етса, бас ўз қўлларингиз қилган нарса-гуноҳ сабаблидир” Шўро сураси.30). Гарчи жаҳонда озиқ-овқат ҳамма учун етарли бўлса ҳам, одамлар эҳтиёткорлик билан, ёки фойда кўриш учун керагидан кўпроқ озиқ-овқат жамлаб кўядилар. Масалан, Ҳиндистонда 1942 йил бадавлат одамларнинг очкўзлиги, фойда кўришга муккасидан кетганлиги сабабли сунъий равишда очарчилик юзага келтирилган эди. Бой одамлар бозорлардаги барча гуручни сотиб олиб, унинг баҳосини олти рупийдан бирданига 50 рупийга кўтариб юбордилар. Натижада кўпчилик одамлар гуруч сотиб олишга қурби етмай, очарчиликка дучор бўлдилар. Буларнинг ҳаммасига гувоҳ бўлиб турган бир Америкалик ўшанда шундай деган эди: “Агар шундай ҳолат бизнинг мамлакатда юзага келган бўлса, аллақачон фуқаролар уруши, инқилоб бошланиб кетган бўларди”. Ҳиндистонда одамлар шу қадар сабр-тоқатли, тартибли,

такводор эдиларки, улар ҳукуматга бош кўтариб, инкилоб қилгандан кўра, бу нарсаларнинг ҳаммасини Худонинг хоҳиши деб билганча очдан ўлиб кетишни афзал билдилар. Бу – одамлар дуч келаётган муаммоларни Парвардигор эмас, нафсига кучи етмаган ғофил одамлар юзага келтираётганига шунчаки бир мисол, холос. Биринчи жаҳон уруши даврида оналар эҳромларга, черковларга бориб, Худодан эрларини, ўғилларини, оғаларини урушда ҳалок бўлишдан сақлаб қолишни илтижо қилиб сўраган эдилар, лекин урушдан жуда кам одамларгина тирик қайтиб келдилар. Шунда жуда кўп аёлларнинг Парвардигорга бўлган иймон-эътиқоди сусайиб кетган эди. Улар урушни бошлаган Парвардигор эмаслигини, бу муаммоларнинг барчасини Парвардигор яратаётгани йўқлигини унутиб қўйган эдилар. Агар бу муаммоларни Парвардигор яратмаган бўлса, нимага энди бу муаммоларни Парвардигор ҳал қилиши керак? Ҳар хил қийинчиликларни биз ўзимиз юзага келтираемиз, натижада ҳар хил мусибатларга дучор бўламиз.

Лекин, барибир, паноҳ, нажот сўраб Худого, Кришнага мурожаат қилган киши ҳақиқатан ҳам моддий оламдаги барча муаммолардан халос бўлади. Фақат шунинг учуноқ соғлом фикрлай оладиган киши Худонинг Олий Шахси, Васудевага садоқат билан холис хизмат қилиш йўлига кирса арзийди. *Васудеве бхагавати бхакти-йогоҳ прайоджитаҳ*. Васудевага, Худого садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган киши шу заҳотиёқ олий мукаммал илмга эга бўлади (*жанайати ашу ваирагйам*). *жнана-ваирагйа* ибораси “моддий нарсаларга боғланишдан халос бўлиш имконини берадиган илм” деган маънони англатади. *Жнана* дегани “илм” деган маънони англатади, *ваирагйа* ибораси эса - “моддий нарсалардан воз кечиш” дир. Инсон ҳаётда ҳақиқий бахтга эришиш учун унда мана шу сифатларнинг иккиси ҳам бўлиши шарт. У чуқур англаб етиши лозимки, “мен - руҳман, бу дунёдаги моддий нарсаларга ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен фақат ҳар хил моддий лаззатларни тотиб кўришга интилаётганим учунгина бу дунёда бир танадан иккинчи танага ўтиб сарсон бўлиб юрибман. Гарчи биринчи бор бу дунёга қачон, қандай қилиб тушиб қолганимни эслай олмасам ҳам, бу дунёдаги ҳаётим узлуксиз давом этиб келаётир.” Ҳаёт ҳақида ҳақиқий илм мана шундай бўлиши керак. Илмга эга бўлиш - ўзининг азалий, ҳақиқий ҳолатини англаб етиш, бу дунёда нимага азоб чекаётганини, мусибатларининг сабабини, улардан қутулишнинг йўлини билиб олишдан иборат. Инсон *васудева-парайанаҳ* ҳолатига эришганда, яъни Васудеванинг содиғи бўлгандагина мукаммал илмга эга бўлади. «Бхагавад-гита»да Кришна Аржунга шундай дейди: (7.19)

*бахунам жанманам анте  
жнанаван мам прападйате*

*васудеваҳ сарвам ити  
са махатма судурлабхаҳ*

“Жуда кўп туғилиш ва ўлишлардан ўтгандан кейин, Мен - барча сабабларнинг азалий, бошланғич сабабчиси, бутун борлиқнинг моҳияти эканимни англаб, ҳақиқий донишманд ўз ихтиёрини Менга топширади. Ана шундай зот ҳаётда жуда кам учрайди”.

Буюк руҳ - махатмалар, яъни Васудева бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси эканини мукаммал биладиган зотлар бу дунёда жуда кам учрайди. Соч-соқолини ўстириб, барчага Худо билан бир бўлдим, ўлгандан кейин Худого кўшилиб, ўзим ҳам Худо бўламан деб юрган сохта махатмаларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Аслида ундай иккиюзламачи фирибгарларни махатма деб бўлмайди. Уларни *дуратма* деб, яъни ҳеч қандай асосиз равишда Кришнанинг ўрнини эгаллашни, У билан кўшилиб кетишни даъво қилаётган “худобезори”лар деб айтиш тўғрироқ бўлади. Агар корхонада ишлайдиган оддий ишчи бир куни ўзини корхонанинг эгасиман, директорман деб даъво қила бошласа, бу ҳақиқий директорга хуш келиши амри маҳол. Худди шундай Худо бўлишга интилаётган ҳар қандай тирик мавжудот Парвардигорнинг қаҳрини келтиради. Ҳеч ким Худо бўла олмайди, лекин Худо билан бир бўлишга, Унга кўшилиб кетишга интилишнинг ўзи ҳам Худого ёқмайди. Шундай ниятли одамлар «Бхагавад-гита»да *дவிшатаҳ*, “ҳасадгўй одамлар” деб аталган. Парвардигор шундай дейди: (16.19)

*тан ахам двишатаҳ  
круран самсарешу нарадхаман  
кишпамй аджасрам ашубхан  
асуришв эва йошишу*

“Ҳасадгўй ва бадахлоқ одамларни, одамлар орасида энг пасткашларини ҳар хил иблис табиатли ҳаёт шаклларида туғилишга мажбур қилиб, Мен моддий оламда мангу тутқун қилиб қўяман”.

Парвардигорга ҳасад кўзи билан қарагани сабабли шундай тирик мавжудотлар дўзахий яшаш шароитларига такрор ва такрор тушаверадилар. Аввалига улар моддий оламда юқорироқ мартабага эришишга интиладилар, лекин, вақт ўтиши билан уринишлари бекор кетаётганини тушуниб етадилар ва ўзларича: ”Энди мен Худо бўламан!”- деб ўйлайдилар. Кўриниб турибдики, уларнинг бу орзулари ҳам ушалмайди, чунки ҳеч ким, ҳеч қачон Худо бўлолмайди. Парвардигор - ҳамшиша Парвардигор, тирик мавжудот эса ҳамшиша тирик мавжудот бўлиб қолаверади.

Парвардигор - энг буюк Зот, У чексиз буюк, биз эса, - Унинг чексиз кичик заррачасимиз. Шунинг учун бизнинг ҳақиқий ҳолатимиз - Унинг хизматкори бўлиш, Унга хизмат қилиш. Агар биз ҳамшиша ўзимизнинг ҳақиқий ҳолатимизда қолсак –

рухий баркамолликка, ҳақиқий бахтга эришган бўламиз. Биз Парвардигорга тақлид қилиш билан ҳеч қачон бахтли бўла олмаемиз. *Йасйаука-нишвасита-калам атхаваламбйа живанти ломавиладжа жагад-анда-натхаҳ* (Брахмасамхита.5.48). Моддий оламда сон-саноксиз коинотлар бор. Улар Маха-Вишнунинг бир нафас чиқариши ва нафас олиши давомида пайдо бўладилар ва яна Унинг танасига кириб кетадилар. Шундай экан қандай қилиб тирик мавжудот Парвардигор бўла олади? Бунинг умуман иложи йўқ. Шунинг учун биз мукамал илм эгаллаб, Васудевани, яъни Кришнани ягона Яратган, Парвардигор деб қабул қилишимиз лозим. Кришнани оддий инсон деб ўйлаш ғирт нодонликдан бошқа нарса эмас. Унинг Ер сайёрасида кўрсатиб кетган кароматларидан бирортаси Уни оддий инсон деб ўйлашга йўл қўймайди. Ҳали кичкина болакай пайтидаёқ У шунчалик ҳайратли ишларни амалга оширдик, ундай ишларни бирор тирик мавжудот такрорлай олмайди. Ўз ихтиёримизни Кришнага топширар эканмиз, биз ҳеч қачон Уни оддий инсон деб ўйламаслигимиз лозим. Йўқ, биз ўз ихтиёримизни Худонинг Олий Шахсига, ҳар нарсага қодир бўлган ягона Парвардигорга топшираемиз. Барча ведавий муқаддас китоблар шу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Агхам дхунванти: Ўз ихтиёрини Кришнага топшириш билан инсон содир қилган барча гуноҳлари оқибатидан биратўла халос бўлади. «Бҳагавад-гита»да Кришнанинг Ўзи бизга ихтиёримизни Унга топширишни маслаҳат беради:(18.66).

*сарва-дхарман паритяжйа  
мам экам шаранам враджда  
ахам твам сарва-напехйо  
мокшайишйама ма шучаҳ*

“Барча динларни тарк эт, ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан қўрқма”.

Шундай қилиб, Худонинг содиғи(*васудеванарайана*)шунчаки Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани туфайли аввал қилган барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлади. Кришнага садоқат билан хизмат қилиш даражасига, яъни, Кришна онги билан яшаш даражасига фалсафий фикр юритишлар ёрдамида эришиб бўлмайди. Бунга фақат Кришнанинг асл содиғининг бесабаб марҳамати билангина эришиш мумкин. Кришна онги – камдан-кам учрайдиган бебаҳо неъмат, уни буюк руҳлар, махатмалар чуқур ҳамдардлик туйғуси таъсирида тирик мавжудотларнинг бу дунёдаги аҳволига ачинганидан уларга ато этганлар. Кришнанинг марҳамати билан омадли киши ўзининг ҳаёти йўлида гуру, яъни ҳақиқий рухий устозни учратади, гурунинг марҳамати билан эса, биз Кришнага эришиш имконига эга бўламиз. Бу худди қуёшнинг чиқишини эслатади. Тунда ҳамма нарса қоронғу зулмат

қарига ботган бўлади, аммо қуёш чиқа бошлаши билан бутун оламни қоплаган зулмат ортга чекина бошлайди. Худди шундай биз қалбимизда Кришна қуёшининг чиқишига имкон берсак, шу заҳоти ҳаётдаги барча муаммоларимиз ўз ўзидан ҳал бўла бошлайди.

## **Кришна онгида бўлиш - ҳақиқий озодликка эришиш демақдир**

Агар биз азалий, бошланғич шахс(*адипурушам*)га сажда қилишга бутун ҳаёлимизни муҷассам қилсак, бизни ҳеч ким, ҳеч қачон йўлдан адаштира олмайд. "Шримад Бҳагаватам"га биринчи бўлиб изоҳ ёзган буюк донишманд Шридхара Свами таъкидлаб айтадики, инсон ўзининг ҳаётини *кевалайа-бхактйага*, яъни, Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаш натижасида рухий баркамоллик чўққисига эришади. Бунинг учун бошқа бирор усул излаб юришининг ҳожати йўқ. Шукадева Госвами айтадики, мусибатларга тўла бу дунёдаги ҳаётга биргина зарба(*кевалайа*) билан биратўла чек қўйиш мумкин. Биздан аввалига оғир риёзатлар орқали ўтиш, жинсий покликни сақлаб, озодликка қатъий риоя қилиш, ақлимиз ва ҳиссиётимизни жиловлаб олиш, кўплаб хайр-эхсон қилиш, бир неча марта дабдабали қурбонлик маросими ўтказиш, ростгўйликка риоя қилиш талаб қилинмайди. Шунчаки Кришнани англаш йўлига кириш билан инсон рухий юксалишнинг энг юқори поғонасига кўтарилади ва унинг қалбида барча илоҳий фазилатлар ўзидан ўзи ривожлана бошлайди. Заргар олтин билан ишлаганида кичкина болғача билан авайлаб ҳаракат қилади, аммо темирчи темирни катта болға билан уриб тўғрилайди, темирчининг бир зарбаси заргарнинг барча ишларини чиппака чиқаришга қодир. Кришнани англаш, Кришна онги билан яшаш усули, худди темирчининг ишига ўхшайди: биз бхакти-йога болғасидан фойдаланиб, унинг битта зарбаси билан моддий оламда тутқун бўлиб юришга биратўла барҳам бераемиз. Унча муҳим бўлмаган бошқа арзимас усул ва илмий таълимотларга мурожаат қилиб юришининг ҳожати йўқ. Аслида биз рухий юксалишнинг ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган бошқа усулларини қўллай олмаемиз. Масалан, хатха-йога усулида қуйидагиларни бажариш талаб қилинади: ҳақиқий браҳмачарий бўлиш, ўрмонда яшаш, ҳамма вақт кўзгалмасдан, елкани тик тутиб, бир ҳолатда ўтириш, ярим йил давомида навбатма-навбат бурун тешикларини тикиб, нафас олиш машқларини бажариш. Мана шу кўрсатмаларни ҳозир ким бажара олади? Ҳозирги биз яшаётган даврда бундай ишларни қилишнинг иложи йўқ,

шунинг учун заргарга ўхшаб имиллаб ишлашнинг ҳам мутлако кераги йўқ. Бунинг ўрнига қудратли бхакти-йога болғасини олиб, бир зарба билан барча гуноҳлар оқибатидан биратўла халос бўлиш керак.

Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиб биз васудева-параiana даражасига, яъни Васудеванинг, Кришнанинг содиқ хизматкори бўлишимиз лозим. Бошқача қилиб айтганда, биз Васудевани севиш санъатини эгаллашимиз лозим. Агар жаҳондаги одамларнинг ҳаммаси Кришна онги билан яшай бошласалар, сайёраимизда шубҳасиз тинчлик, ҳамжиҳатлик қарор топади. Ҳозир она сайёраимиздаги шароит шиддат билан дўзахий сайёраларниқига айланиб борапти, агар одамлар Кришна онги билан, Худонинг хоҳишига бўйсуниб яшаш йўлига кирмасалар, таълим-тарбиянинг, илм-фаннинг, иқтисоднинг қанчалик ривожланишига қарамай, ер юзида яшаш шароити тобора ёмонлашиб бораверади. Шунинг учун барча соғлом фикрли кишилар Худони, Кришнани англаш ҳаракатига жиддий эътибор беришлари, унинг инсоният ҳаётидаги ахамиятини тушунишга ҳаракат қилишлари лозим. Бу Ҳаракатни қандайдир бир оддий инсон ёки унинг издошлари бошлагани йўқ. Бу ҳаракат қадим замонлардан бери мавжуд ва ўз фаолиятида минглаб йиллар аввал нозил бўлган ишончли ведавий муқаддас китобларнинг таълимотига асосланади.

*Нихарам ива бхаскараҳ. Бхаскараҳ* ибораси “Куёш” деганни билдиради. Ўзининг нурлари билан куёш бир зумда зулмат қоронғулигини тарқатиб юборади. Аввал айтганимиздай, биз қалбимизда Кришна куёшининг чиқишига имкон беришимиз лозим. “Чайтанья Чаритамрита”да ҳам Кришна куёшга ўхшайди, майа, Унинг алдамчи қуввати эса - зулматга ўхшайди, деб айтилган. *Йа-хан кришна, тахан нахи майара адхикара:* Кришна куёши чиққанида майа зулмати дарров тарқалиб кетади. Кришна онги билан яшашга ўрганмаган кишининг майа, алданиш, зулмат уммонини кечиб ўтиши қийин. Агар биз одамларга ўз ихтиёрини Худога топширишни ўргатсак, моддий оламнинг алдамчи зулмати шу заҳотиёқ йўқолиб кетади. Бизнинг усулимиз жуда осон. Шунчаки мана бу буюк мантрани зикр қилиш керак: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Инсон мана шу илоҳий мантрани зикр қилиши натижасида кўплаб умрлар давомида унинг қалбини қоплаб олган қалин зулмат пардаси ёйилиб кетади. *Чето-дарпана-марджанам:* Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ақл кўзгусини ғофиллик ғуборларидан тозалайди, натижада содиқ ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қарай бошлайди. Шу тариқа биз ҳақиқий ўзлигимиз қандай эканини, Парвардигор ким эканини, бизнинг У билан ўзаро муносабатимиз қандайлигини, моддий олам нима

эканини, бу дунёда биз ўзимизни қандай тутишимиз лозим эканини, кейинги ҳаётимиз қандай бўлишини тушуна бошлаймиз.

Бу илмларни оддий мактабларда ўрганишнинг иложи йўқ, у ерда болаларга фақат қандай қилиб ҳар хил моддий нарсалар яшаш ва лаззатланиш учун улардан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатадилар. Одамзотнинг моддий табиатни ўзига бўйсундиришга зўр бериб уринаётгани сабабли тирикчилик учун оғир кураш сира тамом бўлмапти. Одамлар яратган ҳар қандай қулайлик албатта қандайдир, бундан ҳам бадтарроқ ноқулайликларга сабаб бўлади. Масалан, аввалроқ одамлар катта тезлик билан уча оладиган самолёт ўйлаб топишга эришган эдилар. Лекин самолёт ўзи билан бирга қанчадан-қанча муаммолар олиб келганини кўринг: даҳшатли шовқин, авариялар, касалликлар ва ҳоказо. Шу тариқа биз сунъий равишда ҳар хил қулайликлар яратишга уринамиз, лекин бунинг оқибатида кўплаб муаммоларга дучор бўламиз. Буларнинг барчаси карма, сабаб ва оқибат қонунларининг амалда намоён бўлишидир. Ҳар қандай ҳаракат албатта қандайдир оқибат келтиради ва шу оқибат бизни бу оламга боғлаб қўяди. Бу ҳақда «Бхагавад-гита»да айтилган.(3.9)

*йаджнартхат кармано “нйатра  
локо “йам карма-бандханаҳ  
тад-артхам карма каунтейа  
мукта-сангаҳ самачара*

“Ҳар қандай фаолиятни Вишнуга атаб амалга ошириш керак, акс ҳолда у моддий оламда тутқун бўлиб қолишга сабаб бўлади. Шунинг учун, эй Кунтининг ўғли, ҳаётдаги ўз бурчингни Худони мамнун қилиш учун бажар, шунда сен ўз меҳнатинг натижаларига боғланиб қолмайсан, натижада моддий тутқунликдан халос бўласан”.

Агар одам ҳиссиётининг талабларини қондириш, уларни лаззатлантириш учун ҳаракат қилса, бундай фаолияти уни ўзига боғлаб қўяди. Аммо у Кришнани мамнун қилиш учун ҳаракат қилса, (*йаджнартхат кармано*), қилаётган ҳар қандай ишларининг оқибати унга таъсир қилмайди.

Ҳар бир инсонга Худога соф садоқат билан хизмат қилишни маслаҳат берар экан, Шукадева Госвами таъкидлаб айтадики, Кришнага садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон ўзи содир этган барча гуноҳлари оқибатидан халос бўла олади. Бу дунёдаги ҳар бир инсон у ёки бу даражада гуноҳкор, чунки агар биз гуноҳлардан мутлако пок, бегуноҳ бўлсак, моддий танага эга бўлмаган бўлардик. Тирик мавжудот гуноҳ ишларни биратўла тарк этиб, гуноҳларидан бутунлай покланса, озодликка чиқиб, руҳий танасида руҳий оламга кўтарилади. Шундай қилиб, бу усулнинг моҳияти бизни гуноҳларимиз оқибатидан, яъни моддий иллатлардан поклашдан иборат.

Шукадева Госвами шундай дейди: “Эй шох, гуноҳкор киши риёзат(*мана-адибху*) чекиб гуноҳлари иллатидан покланиши мумкин”. Кейин



кўшиб кўйди, лекин гуноҳлардан бутунлай покланиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Риёзат чекишга берилган, лекин барибир гуноҳлари оқибатидан биратўла поклана олмаган йоглар ҳақида жуда кўп маълумотлар бор. Улардан биттаси - Вишвамित्रа муни. Ўзи кшатрий бўлатуриб, у браҳман бўлишга аҳд қилди ва шу мақсад билан риёзат чека бошлади. Лекин, анча вақт ўтгандан кейин жаннатдан тушган париваш Менаканинг чиройига маҳлиё бўлиб, бу йўлдан адашди. Вишвамित्रа тўла поклана олмагани сабабли паривашнинг нозу-карашмаларига бардош беролмай, у билан жинсий алоқа қилишга мажбур бўлди, натижада уларнинг фарзанди бўлди. Шунинг учун айтадиларки, ҳатто инсон буюк муқаддас қасамларга риоя қилиб оғир риёзат чекишга берилса ҳам, моддий қувват такрор ва такрор уни моддий табиат гуналари таъсири остига тушишга мажбур қилаверади. Жуда кўп санъасилар аввалига моддий оламни сохта, сароб деб ҳисоблаб, таркидунё қилишга берилиб, шахсиятсиз Браҳманни англаш даражасига кўтарилишга уринганлар, аммо, кейин яна дунёвий фаолиятга қайтиб, эзгу, савоб ишлар билан машғул бўлганлар. Улар моддий олам, дунёвий ҳаёт сохта, сароб, алдамчи деб айтадилар, нимага уларни шу алдамчи ҳаёт - дунёвий эзгу ишлар ўзига жалб этади? Кришнани англаш фалсафасига кўра моддий олам, дунёвий ҳаёт сохта эмас: у ҳақиқатан ҳам мавжуд, фақат ўткинчи, яъни, мангу эмас. Бу оламни Парвардигор яратиб кўйибди, Парвардигор ҳақиқатан ҳам мавжуд, Парвардигор мавжуд бўлса, У яратган олам нимага мавжуд бўлмасин? Парвардигор Мутлақ Ҳақиқат бўлгани сабабли У яратган олам ҳам Ҳақиқат. Моддий олам ҳақиқатан ҳам мавжуд, фақат ўткинчи, вақтинчалик, холос.

Инсон бу дунёда бирор нарсанинг эгасиман, деб даъво қилиши мумкин, аммо унинг бу даъвоси сохта. Албатта, ҳар нарсанинг эгаси бор: Ҳамма нарса Худоники (*ишавасйам идам сарвам*). Шундай қилиб, ана шу мавжуд нарса сохта, сароб деб ўйламаслик керак. Фақат бизнинг бирор нарсанинг эгасиман деб даъво қилишимиз сохта. Бундай аҳмоқона сохта фикр ҳеч қандай асосга эга эмас ва ўзимизни хўжайин, Худо деб ҳисоблаш натижасида келиб чиқади. Ҳар қандай одам бошқаларга хўжайинлик қилишга, бирор нарсага эга бўлишга интилади - аввал министр бўлишга, кейин президент бўлишга, кейин Парвардигорнинг Ўзи бўлишга. Тирик мавжудот бу моддий ҳаётдан бутунлай ҳафсаласи пир бўлганида ўз олдига мен Худо бўламан деган мақсад кўяди. Бундай интилишнинг асосида буюк зот бўлиш истаги ётади, лекин тирик мавжудот энг буюк Зот Парвардигор эканини, Унга нисбатан ўзи арзимас заррача эканини унутиб кўяди. Энг буюк Зот ҳам, энг кичик заррача ҳам сохта эмас, ҳақиқатан ҳам реал мав-

жуд бўлган нарсалар, лекин энг кичик заррачанинг “энг буюкман” деб даъво қилиши сохта.

Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, Браҳман, руҳ энг кичик заррадан ҳам кичик, атомдан ҳам кичкина (*анор анийамасам*), айти пайтда энг катта нарсадан ҳам катта (*махато махийамсам*). Биз тасаввуримизга сиғдира оладиган энг катта нарса коинот ичидаги космик фазо, осмон, аммо, бир куни Кришна Ўзининг оғзини очиб онасига кўрсатганида, онаси Унинг оғзининг ичида ана шундай миллионлаб коинотларни кўрган эди. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг кичкина заррачалари бўлган ҳолда Унинг улуғворлигини англаб ета олмадилар. Биз чексиз кичик ва чекланганмиз, Парвардигор эса чексиз. Аслида алоҳида руҳнинг ўлчамлари шу қадар кичкинаки, уни кўришнинг иложи йўқ. Бизнинг ҳозирги моддий ақлимиз руҳнинг ўлчамларини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди.

Тирик мавжудотлар ҳам, Кришна ҳам бир хилда, ягона руҳий табиатга мансуб бўлгани сабабли, улар сифат жиҳатидан бир хил, бир биридан фарқ қилмайди. Аммо миқдор жиҳатидан уларнинг орасида чексиз фарқ бор, чунки Парвардигор тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада чексиз буюк, тирик мавжудотлар эса - тасаввур қилиб бўлмас даражада кичик. Агар ведавий муқаддас китобларда берилган маълумотларни ўргансак, мана шу ҳақиқат ўз ўзидан ошкор бўлади. "Браҳма-самхита"да айтилганки, *йасйаика-нишвасита-калам атхаваламбйа живанти лома-виладжа джагад-анда нитхаҳ* - яъни, нафас чиқарганида Парвардигорнинг танасидан миллионлаб коинотлар чиқади, у нафас олганида эса, улар яна Унга кирадилар. Миллионлаб коинотлар пайдо бўлиб яна яқсон бўлиши учун Унинг бир мартагина нафас олиши кифоя. Шуни назарда тутган ҳолда, арзимас кичкина тирик мавжудотларнинг бу дунёда бирор нарсанинг эгасиман деб даъво қилишлари ҳақиқатга тўғри келадими? Одам бирор нарсага эгаман деб даъво қилишга ва ўзини Худо деб эълон қилишга уринмасгина ўзининг асл ҳолатида бўлади ва ҳар қандай хавф-хатардан холи бўлади. Ҳозир ўзини Худо деб эълон қилиш оммавий тусга кириб кетган, бундай даъволар ғофил одамларга жуда ёқади. Аммо, муқаддас китобларни ўрганиб чиқсак, ҳеч бир тирик мавжудот ҳеч қачон Парвардигорнинг ўрнини эгаллай олмаслигини, тирик мавжудот ҳеч қачон Худога тенглаша олмаслигини билиб оламиз.

Биз ўзимизнинг сохта, нотўғри даъволаримиздан онгли равишда воз кечган заҳоти озодликка эришамиз. Озодликка эришиш учун атайлаб ҳаракат қилишнинг ҳожати йўқ. Аммо, токи тирик мавжудот моддий танасини “мен ўзим” деб ҳисоблар экан, у ҳамма вақт шартланган ҳолатда қолиб кетаверади. Озодлик деганда тирик мавжудот ўзининг танасидан бошқа, ундан бутунлай фарқ қилишини аниқ тушунишини,

шуни англаб етганини тушуниш керак. Шунинг учун Шукадева Госвами шундай дейди: *прайашчиттам вимаршианам* - “Илм олишга интил, чунки фақат илм сени озодликка чиқаради”. Биз ўзимизнинг кичкина руҳий зарра эканимизни, Парвардигор эса, бизнинг барча эҳтиёжларимизни таъминлаб турадиган чексиз катта руҳий Зот эканини аниқ тасаввур қила олганимиздагина бизнинг илмимиз мукаммал бўлади (*эко бахунам йо видадхати каман*). Шундай қилиб, ўзимизнинг Парвардигорнинг арзимас кичик руҳий заррачаси эканимизни тан олиб, ягона вазифамиз Олий Зотга хизмат қилиш эканини тушуниб оламиз. Парвардигор бутун борлиқнинг, фазовий коинотнинг марказидир; У - Олий лаззатланувчи, бизлар эса - Унинг хизматкорларимиз. Биз шуни мукаммал тушуниб етсак, ҳақиқий озодликка эришган бўламиз.

Аслини олганда, озодлик деганда ҳаёт ҳақидаги сохта, нотўғри тасаввурлардан воз кечишни тушуниш керак. Озодликка чиққан кишининг ўн қўли бўлади ёки яна нималардир деб ўйламаслик керак. “Шримад Бхагаватам”да озодлик *муктир хитванйатха-рупам* деб ифодаланган. *Мукти* - “воз кечиш”, “рад этиш” деганидир. *Айатха रुपам* - “сохта, нотўғри тушунчалар” деганни билдиради. Шундай қилиб, ҳаёт ҳақидаги ўзининг барча сохта, нотўғри тасаввурларидан воз кечиб, ўзининг азалий, ҳақиқий ҳолатига қайтганда тирик мавжудот озодликка эришган бўлади. “Шримад Бхагаватам”да яна айтилганки, инсон ҳақиқий илмга эга бўлган заҳоти озодликка эришади. Ҳақиқий илмга эга бўлиш қийин эмас. Бунинг учун: Парвардигор буюк, мен эса - Унинг чексиз кичик заррачаси эканини тушуниб олсам, бас. У - бутун борлиқнинг эгаси, ҳаммани барча зарур эҳтиёжлар билан таъминлаб туради, мен эса - Унинг хизматкориман. Ким мана шу ҳақиқатни инкор эта олади? Йўқ. Бу аниқ ҳақиқат. Биз адашганимиздан, ғофиллигимиз туфайли ўзимизни ҳар хил моддий нарсаларга қийслаб юрибмиз, бунинг натижасида, охир-оқибатда ўзимиз Худомиз деган хулосага келамиз. Гарчи бирор жойимиз оғриган заҳоти ёрдам сўраб врачга югурсак ҳам, биз ҳатто “ҳақиқатан ҳам шундаймикан, биз ҳар нарсага қодир Худомизми?” деб ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ўзини Худо деб эълон қилиб юрган одамлар алданишнинг энг охирги тузоғига илинган одамлардир. Шундай адашган киши руҳий озодликка эриша олмайди, чунки у ҳаёт ҳақида мутлақо нотўғри тасаввурга эга.

Инсон мукаммал илмга эга бўлганида ҳақиқий озодликка эришади. Бу ҳолатни брахма-бхута деб ҳам атайдилар. Бу поғонани Парвардигор «Бхагавад-гита» шундай таърифлайди (18.54):

*брахма-бхутах прасаннатма  
нашочати на канкишати  
самаҳ сарвешу бхутешу*

*мад-бхактим лабхате парам*

“Илоҳий, руҳий ҳолатга эришган киши шу заҳотиёқ Олий Браҳманнинг табиатини англаб етади. У ҳеч нарсадан ташвишланмайди, ҳеч нарса истамайди ва барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Ана шундай ҳолатда инсон Худога пок садоқат билан хизмат қила бошлайди” (БГ.18.54).

Олий Браҳманни англаб етган кишининг ҳис қиладиган чексиз лаззати унинг мана шу оддий ҳақиқатни англаб етгани туфайли ўз ўзидан келадиган натижадир: “Мен шунча вақтдан бери ўзимни Худо деб адашиб юрган эканман. Мен қандай аҳмоқ эканман-а! Лекин, энди аслида мен Худонинг мангу хизматкори эканимни англаб етдим!” Ана шундай тушунчага эга бўлиб, тўғри хулоса чиқарган тирик мавжудот прасаннатма, чексиз қувончга тўлади, чунки у ўзининг азалий, табиий ҳолатига қайтади.

Азалий пок онги билан яшаётган кишининг бирор нарсадан ташвишга тушишига мутлақо ҳожат қолмайди, чунки у ўзини Парвардигорнинг паноҳи остида бўлган кичкина, руҳий зарра эканини англаб, ҳис қилиб юради. Бирор нарсадан хавотирланишга, қийналиб ташвишга тушишга унда ҳеч қандай сабаб қолмайди. Ёш бола отасининг қўлидан ушлаб борар экан, ўзини мутлақо бехатар ҳис қилади. “Менинг отам ёнимда, шунинг учун мен ҳеч нарсадан қўрқмайман. Менга ҳеч ким тега олмайди”. Худди шундай, ўз ихтиёрини Кришнага топширган киши ҳам ўзининг ҳамиша бехатар эканига, ишончли ҳимоячининг паноҳи остида эканига аниқ ишонади, чунки Парвардигор ҳамиша уни албатта ҳимоя қилади. Кришнанинг содиғи ҳеч қачон ҳеч нарсадан қайғуга тушмайди, ҳеч нарсани истамайди. Худони англаб етмаган одам эса, ҳамиша нимагадир интилади, ёки йўқотган бирор нарсасини қайғуриб, афсусланади. Худони англаб етган, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган киши бундай мусибатларга дучор бўлмайди. У ҳамма нарса Парвардигорнинг қўлида эканини яхши тушунади, агар у бирор нарсасидан маҳрум бўлса, у “Парвардигор шуни истадим, демак, шундай бўлиши керак!” - деб ўйлайди. Шунингдек, у ҳеч қандай моддий нарсаларга интилмайди ҳам, чунки Олий Отаси Парвардигор уни барча зарур нарсалар билан албатта таъминлаб туришини яхши билади.

Инсон Кришна билан ўзаро муносабатларини англаб етган заҳоти унга бутун оламдаги тирик мавжудотлар аслида бир отанинг болалари экани тушунарли бўлади. Барча одамлар, ҳайвонлар, умуман барча тирик мавжудотлар тўла бутуннинг ажралмас бўлаклари эканини тушуниб етган киши ҳеч қачон бошқа тирик мавжудотларга душманлик кўзи билан қарамайди, уларга азоб беришни, қийнашни ёки ўлдиришни истамайди. Кришнанинг содиғининг қалбида табиий равишда барча яхши фазилатлар ривожлана бошлайди,

чунки унинг онги энди пок, мусаффо онг, Кришна онги. *Харав абхактасйа кутто махад-гуна маноратхенасати дхавато бахиҳ.* Кришнага бўлган садоқати инсонга ўзида фаришталарга хос бўлган барча яхши фазилатларини ривожлантириш имконини беради. Яна бир жойда шундай дейилади: *ванчха-калпатарубхйаиш ча крипа-синдхубхйа эва ча.* Вайшнав, яъни Кришнанинг содиғи - марҳамат уммонидир, чунки у инсониятга энг буюк, бебаҳо неъмат - инсонлар ҳамма нарсдан ҳам кўпроқ муҳтож бўлган нарсани - Кришна онгини инъом этади. Вайшнав одамларга бебаҳо бойлик, тенгсиз хазина - махамантрани совға қилади - Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Бу мантрани шунчаки зикр қилиш шарофати билан инсон руҳий озодликка эришади ва шу лаззатли ҳолатда мангу қолади. Лекин, руҳий озодликка эришиш - одам чордона қуриб ўтириб, кун бўйи ташки олам билан алоқасини мутлақо узиб, мууроқабага берилиб ўтириш натижасида эришиладиган транс, жазава ҳолати деб тушунмаслик керак. Ҳақиқий озодлик - хизмат қилишдир. Биз: “мен ҳаётимни Кришнага топширдим, энди мени ҳеч ким безовта қилмасин, мен жазава ҳолатидаман!” - деб ўйламаслигимиз керак. Бизнинг садоқатимизнинг ҳақиқий мезони - хизмат қилишда, *нишевайа.* Содиқ Кришнага садоқат билан хизмат қилишга қанчалик ўзини бағишласа, Кришна шу даражада унга ўзини намоён этади. Содиқ ўзининг нодир умрини хазон қилмасдан, уни Кришнага хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган ишларга сарфлаши лозим. «Бхагавад-гита»да Кришна ҳар биримизга сутканинг 24 соатида Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиш кераклигини айтади. У ҳеч қачон бизга ўн-ўн беш минут мууроқаба қилиб, бошқа вақт яна ўзингизнинг бемаъни дунёвий ишларга берилишингиз мумкин демаган. Биз Кришнага қанчалик кўп хизмат қилсак, Унга бўлган садоқатимиз шунчалик кучайиб мустаҳкамлаша боради. Шунинг учун биз Кришнага садоқат билан хизмат қилишда бор имкониятимиздан тўла фойдаланиб, бутун қобилиятимизни ишга солишимиз лозим. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз асосий тури мавжуд: тинглаш, зикр қилиш, эслаш, хизмат қилиш, эҳромда Илоҳга сажда қилиш, илтижо қилиш, Парвардигорнинг кўрсатмаларини бажариш, Унга дўст сифатида хизмат қилиш ва Унга ўз ихтиёрини бутунлай топшириш. Содиқ ҳамиша мана шу ишларнинг камида биттаси билан машғул бўлиши керак. Ўзининг бутун ҳаётини, куч-қудратини Кришнага хизмат қилишга бағишлаган киши ҳеч қачон ҳеч нарсдан пушаймон бўлмайди(*бхаджатам притипурвакам*). Кришнага муҳаббат билан хизмат қилиш керак, лекин Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошида бу анча кийинроқ туюлиши

мумкин, шунинг учун, инсон аввалига бироз руҳан тушкунликка тушиши мумкин. Лекин, қалбида Кришна онги ривожлана борган сари у қилаётган хизматидан тобора кўпроқ лаззат ола бошлайди. Кришна буни «Бхагавад-гита»да тушунтириб шундай дейди:(18.37)

*йат тад агре вишам ива  
паринаме “мритопамам  
тат сукхам саттвикам проктам  
атма-буддхи-прасада-жам*

“Аввалига заҳардай аччиқ, кейин шарбатдай тогли, инсонни ҳақиқий ўзлигини англашга ундайдиган бахт - эзгулик гунасидаги бахтдир.”

Инсон илоҳий даражага кўтарилганда унинг учун дунёвий фаолиятнинг ҳеч қандай кизиғи қолмайди. Масалан, Кришнанинг муқаддас номларини инсон бутун умри давомида зикр қилиб юриши мумкин, бу ҳеч қачон унинг жонига тегиб кетмайди. Агар бирор моддий нарсанинг номини бир неча марта такрорламоқчи бўлсангиз, у дарров жонингизга тегиб кетади. Инсон Кришнанинг муқаддас номларини қанчалик кўп зикр қилса, яна шунчалик зикр қилгиси келаверади. Худога садоқат билан хизмат қилишда кўйиладиган биринчи қадамлар шундан иборат - шраванам, киртанам, яъни, тинглаш ва такрорлаш. Кейинги қадам - смаранам, яъни ҳамиша Кришнани ўйлаб юриш. Инсон Кришна ҳақида тинглаш ва зикр қилишда баркамолликка эришса, у ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юришга муваффақ бўлади. Шундай даражага етганда у энг буюк йог бўлади.

Кришнани англашни қанчалик муваффақиятга эришган бўлса ҳам, инсон ҳеч қачон шу онгини йўқотмайди. Моддий оламда кимдир фабрика қуришни бошласа-ю, уни охирига етказмаса, барча қилган ишлари зое кетади. Қурилиш ярмига етганда тўхтаб қолса, сарф қилинган барча меҳнат, пул шамолга совурилган бўлади. Аммо, Кришнани англаш йўлида ҳеч қачон бундай бўлмайди: агар инсон ҳозирги ҳаётида баркамолликка эришмаса, эришган натижаларининг барчаси у билан бирга қолади, кейинги ҳаётида у Худога садоқат билан хизмат қилишни шу келган жойидан давом эттиради. Парвардигор «Бхагавад-гита»да Худони англаш йўлига кирган киши ҳеч нарса йўқотмаслигини тасдиқлайди:(2.40)

*нехабхикрама-нашо “сти  
пратйавайо на видйате  
свалпам апй асйа дхармасйа  
трайате махато бхайат*

“Бу йўлга кирган киши ҳеч нарса йўқотмайди. Бу йўлда эришилган озгина натижа ҳам инсонни ҳаётда энг катта хавф-хатардан сақлаб қолади”.

«Бхагавад-гита»нинг олтинчи бобида, Аржуннинг омадсиз йогнинг тақдири нима бўлади, деган саволига жавоб бера туриб, Парвардигор шундай деди:(6.40)

*партха наивеха намутра  
винашас тасйа видйате*

*на хи калйана-крит кашчид  
дургатим тата гаччхати*

“Эй Притхининг ўғли, эзгу ишлар қилиб юрган илоҳиётчи киши на бу дунёда, на руҳий оламда ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди. Эй дўстим, ҳеч қачон ёмонлик яхшилиқни енга олмайди”.

Кейин Парвардигор айтадики, бу ҳаётида йо-гада баркамолликка эриша олмаган йог кейинги ҳаётида келган жойидан бошлаб Худога садоқат билан хизмат қилишда давом этиш имкониятига эга бўлишини айтади. Бошқача қилиб айтганда, агар бу ҳаётида инсон Кришнани англаш йўлининг ярмини ўтса, кейинги ҳаётида шу йўлни келган жойидан бошлаб кетаверади. Моддий бойликка келсак, инсон бу ҳаётида қанча бойликка эга бўлмасин, ажали етганда уларнинг барчасидан маҳрум бўлади, чунки у ўзи билан бирор нарса олиб кетишга қодир эмас. Лекин, кейинги ҳаётимизда барибир давом эттирар эканмиз деб, биз шаштимиздан, шижоатимиздан қайтмаслигимиз керак. Йўқ. Биз ҳозирги ҳаётимизнинг ўзидаёқ Кришна онги билан яшашни мукамал ўрганишга ҳаракат қилишимиз лозим. Кришна бизга ваъда бериб айтадики, Унинг содиқ хизматкори бўлган киши албатта Унинг даргоҳига қайтади:

*ман-ман бхава мад-бхакто  
мад-йаджи мам намаскуру  
мам эвашиyasi сатйам те  
пратиджане прийо “си ме*

“Ҳамиша Мен ҳақимда ўйла, Менинг содиқ хизматкорим бўл, Менга сиғин ва Менинг олдимда сажда қил. Шунда сен албатта Менга эришасан. Мен сенга бунни ваъда бераман, чунки сен - Менинг энг азиз дўстимсан”.

Кришнага, Худонинг даргоҳига қайтиш қандайдир кўзни камаштирадиган ёғдуни кўриш ёки бўшлиққа кириб кетиш эмас. Кришна, Парвардигор ҳам худди бизлар сингари шахс сифатига эга бўлган Зот. Ҳаётдаги тажрибамиздан биламизки, отамиз шахс сифатига эга. Худди шундай отамизнинг отаси, унинг отаси ҳам шахс сифатига эга. Шу тартибда то Кришнага, Олий Отагача бораверсак, Кришна ҳам албатта шахс бўлиши кераклигини англаб етамиз. Бунни тушуниб етиш унчалик қийин эмас. Айтиш лозимки, фақат Ведавий муқаддас китобларда Парвардигор, Кришна Олий Ота деб айтилган эмас, балки Библия, Қуръон ва бошқа барча муқаддас китоблар ҳам бунни тасдиқлайди. “Веданта-сутра”да ҳам Мутлақ Ҳақиқат бутун борлиқни яратган азалий Ота экани тасдиқланади. Бундай гапларни Ведаларда ҳам кўплаб учратиш мумкин:

*нитийо нитйанам четанаш четананам  
эко бахунам йо видадхати камман*

“Парвардигор барча мангу тирик мавжудотлар орасида юксак даражада мангу бўлган тирик мавжудотдир. У бошқа барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туради”. Барча тирик мавжу-

дотларга хос бўлган ҳар хил истаклар ва ҳаёт белгилари аслида Олий тирик мавжудотнинг истаклари ва ҳаёт белгиларининг оксидир. Бошқача қилиб айтганда, орзу-истаклар Парвардигорга хос бўлган хусусиятлар бўлгани туфайли, ундай хусусият бизларда ҳам бор. Биз Парвардигорнинг ажралмас кичик руҳий заррачалари бўлганимиз сабабли, бизнинг истакларимиз ҳам - Унинг истакларининг майда зарраларидир. Моддий ҳаётда одатдаги ишлар бўлган ишқий ўйинлар ва жинсий алоқа ҳам руҳий оламдаги илоҳий муҳаббатнинг бузилган оксидир. Биз яшаётган олам моддий деб аталади, чунки унда яшаётган тирик мавжудотлар Парвардигорни эсидан чиқарганлар, лекин улар Парвардигорни эслаган захоти, бу олам ҳам руҳий оламга айланади. Бошқача қилиб айтганда, одамлар ҳамиша Кришнани эслаб юрадиган жойни руҳий олам деб ҳисоблаш мумкин. Муқаддас китобларда руҳий олам ана шундай таърифланган. Шунинг учун биз ҳаётимизни шундай ташкил этишимиз лозимки, ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида Кришнани ўйлаб юрадиган бўлайлик. Шунда, Кришнага узлуксиз хизмат қилган ҳолда, биз ҳамиша Унинг даргоҳида, Вайкунтҳада ёки Голока Вриндаванада юрган бўламиз.

Ҳозир бизнинг булганган онгимиз таъсири остида бу олам тобора моддийлашиб боряпти ва аста-секин ҳақиқий дўзахга айланиб боряпти. Ўзимизнинг ҳақиқий, азалий ҳолатимиз ҳақида ҳеч нарса билмаган ҳолда биз бирин-кетин ўзимиз учун сон-саноксиз муаммоларни юзага келтиряпмиз. Бу худди тушимизда ақлимиз ҳар хил тушуниб бўлмайдиган нарсаларни юзага келтирганига ўхшайди. Аслини олганда бизда ҳеч қандай муаммо йўқ. Мен тушимда ҳар хил нарсаларни кўришим - қутураётган океанда ғарқ бўлаётган, ёки қароқчилар қўлига тушган, ёки кимдир пулимни ўғирлаётган, ёки менга арслон ҳамла қилаётган бўлиши мумкин, лекин, аслида бу нарсаларнинг барчаси, ҳаёлимдагина пайдо бўлган, сохта, аслида йўқ нарсалардир. *Асанго хи айам пуруша ити шрутех*. Ведалар таълимоти бўйича рух, атманинг сохта, ўткинчи моддий фаолиятга мутлақо алоқаси йўқ. Шунинг учун ҳозирги, худди уйқудаги ҳолатга ўхшаган сохта ҳолатдан чиқиш учун биз Кришнани англаш усулидан фойдаланишимиз лозим.

Бхактилар, яъни Худонинг содиқ хизматкорлари ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интилиб юрган одамлардан, файласуфизланувчилардан ва сеҳрли-йоглардан устун турдилар. Бхакта, содиқ ҳамиша хотиржам, қалби осойишта, чунки унинг қалби Кришнага бўлган муҳаббат билан лиммо-лим тўлган, бошқа барча одамлар эса, ҳар хил орзу истаклар, интилишлар азобида қийналадилар. Шуддха-бхакта, асл содиқ ҳеч нимага интилмайди, чунки шунчаки Кришнага хизмат қилиш билан у тўла мамнуният ҳосил қилган, ўзини бахтиёр сезиб яшайди. Кришна

хақиқатан ҳам ягона Парвардигорми ёки йўқми деган савол уни қизиқтирмайди, у шунчаки Кришнани севиб, Унга хизмат қилишни истайди, холос. Кришнанинг ҳар нарсага қодир ёки ҳамма жойга сингиб кетган, ҳар ерда мавжудлиги ҳам уни қизиқтирмайди. Масалан, Вриндаванда гопилар ёки подачи болалар Кришнанинг аслида ким эканини билмайдилар ҳам, улар шунчаки Кришнани севадилар, холос. Улар билимдон ведантистлар эмас, йоглар ёки кармилар ҳам эмас, улар оддий кишлоқи болалар ва қизлар эдилар. Улар ҳар куни Кришнани кўриб, У билан бирга бўлаётганларидан чексиз бахтиёр бўлиб яшайдилар. Мана шу ҳолат энг юксак руҳий поғона ва у санскрит тилида шундай таърифланади: *сарванадхи-винирмуктам тат-паратвена нирмалам*, яъни “барча моддий иллатлардан покланиш босқичи”.

Йоглар ҳам, гйанилар ҳам Худони англаб етишга интиладилар, лекин ўзлари алданиш, майа домига тушиб қолганини сезмайдилар. *Майа-сукхайа бхарам удавахато вимудхан*. Улар - ғофил, нодон одамлар, чунки бор кучларини ишга солиб, алдамчи бахтга интиладилар: улар ҳеч қачон қалбининг осойишталигига эриша олмайдилар. Гйанилар ва изланувчи-файласуфлар тирик мавжудот моддий оламда мажбур бўлган тирикчилик учун оғир курашда иштирок этишни истамайдилар, шунинг учун улар бу моддий оламни сароб, алдамчи деб ҳисоблайдилар ва ундан воз кечадилар, таркидунё қиладилар (*браҳма сатйам жаганмитхйа*). Улар кармилардан устун турадилар, чунки кармилар моддий, дунёвий нарсалардан бошқа нарсага интилмайдилар. Кармилар одатда: “Биз ўз бахтимизни мана шу ҳаётда, бу дунёда қураимиз” деб ўйлайдилар. Шу тариқа уларнинг бутун фаолияти, дини, дхармаси жаҳонда тинчлик ўрнатиб бахтиёр ҳаёт қуришдан иборат. Ундай ғофил нодонлар билмайдиларки, бундай кураш миллион йиллардан бери давом этиб келяпти, аммо ҳали ҳеч ким бу дунёда бахтга эришмаган, ҳеч қачон эришмайди ҳам. Агар моддий оламни яратган Парвардигорнинг Ўзи бу оламни “мусибатлар макони” деб айтган бўлса, қандай қилиб бу ерда бахт ва фаровонлик ўрнатиш мумкин?(8.16)

*абраҳма-бхаванал локаҳ  
пунар авартино “ржуна  
мам упетйа ту каунтейа  
пунар жанма на видйате*

“Энг олий сайёрадан то энг қуйи сайёрагача моддий оламнинг барча сайёралари азоб-уқубатлар маконидир. Бу ерда туғилиш ва ўлиш қайта-қайта такрорланаверади”.

*Духхалайам ашаиватам*: моддий оламдаги ҳаёт мусибатларга тўла, бунинг устига у мангу эмас, ўткинчи. Ҳатто сиз бу ерда моддий ҳаётнинг уч хил азоб-уқубатларига сабр қилиб мангу қолмоқчи бўлсангиз ҳам, эртами-кечми сизни бундай имкониятдан маҳрум қиладилар. Бу дунёда сиз тақдирингизга ёзилган мусибатларга дучор

бўласиз, аммо умрингизнинг охирида сизни танангиздан ҳам ҳайдаб чиқарадилар. Инсон умр бўйи катта бойлик тўплаши мумкин, ўзи ва оиласи учун катта, ҳашаматли иморат қуриши мумкин, ҳаётини ҳар турли қулайликлар билан таъминлаши ва “Мен ҳаётда бахтиёр яшайман!” - деб ўйлаши мумкин, - аммо, кутилмаганда, ўзи ҳам билмаган пайтда ажал келиб уни шу нарсаларнинг барчасидан бир зумда маҳрум қилади. Албатта, инсон қаршилиқ қилиши мумкин: “Бу менинг уйим, мен уни шунча қийналиб қурганман. Менинг ҳали шунча ишларим бор, пулларим кўп. Нимага мен буларнинг ҳаммасини ташлаб кетишим керак?”

- Сендан буларни ҳеч ким сўраётгани йўқ! Гапни калта қил, тезроқ танангни тарк эт!

Ана шу вақтда унинг олдида Парвардигорнинг Ўзи пайдо бўлади.

- Мен Худонинг борлигига ишонмаган эдим, - деб ўйлайди шундай одам, - лекин, энди менинг ҳаётимга охириги нуқтани қўйиш учун Парвардигорнинг Ўзи келиб турибди.

Худобехабар, иблисифат иймонсиз одамлар Кришнани уларни умр бўйи бу дунёда тўплаган ҳамма нарсасидан маҳрум қиладиган ажал қиёфасида кўрадилар.

Парвардигор билан ажал қиёфасида учрашишнинг нима кераги бор? Иблис Хиранйакашипу Парвардигорни ажал тимсолида кўрган, аммо унинг ўғли Прахлад, Худонинг содиғи, Уни шахсий қиёфада, ўзининг сеvimли Парвардигори қиёфасида кўрди. Худога қарши чиқадиган, Унинг қонунларига қарши иш қиладиган одамларга Парвардигор дахшатга солувчи ажал қиёфасида кўринади, Ўзининг содиқларига эса, У Ўзини ҳаммани махлиё қилувчи, чиройли шахсий қиёфада намоён қилади. Лекин, барибир ҳар бир одам албатта Парвардигор билан юзма-юз бўлади.

Самимий, қалби пок содиқ Парвардигорни ҳамма ерда кўриб юради. Кришна шундай дейди: “Мени англаб олишга ҳаракат қил. Мени ҳамма ерда мавжуд ҳолда кўришга интил!” Бизга ёрдам бериш учун, бунинг осон йўлини тушунтириб, У шундай деди: расо “*хам апсу каунтейа* - “Мен - сувнинг таъмиман”. Биз чанқаб стакандаги сувни ичмоқчи бўлсак, фикр юритишимиз мумкин: сувнинг чанқокни босиш, бизга лаззат бериш қобилияти - Кришнанинг Ўзи. Худди шундай куёш чиқаётганида, тўлин ойни томоша қиладиганда ҳам биз Кришнани эслашимиз мумкин, чунки Унинг Ўзи шундай дейди: *прабхасми шаши-сурйайох*: “Мен - Ой ва Қуёшман!” Руҳий борлиқни англашда яна юқориқроқ поғонага кўтарилиб, биз Кришнани бутун борлиқнинг ҳаёт кучи сифатида ҳис қила бошлаймиз бу ҳақда Унинг Ўзи «Бхагавад-гита»да шундай дейди:(7.9)

*пунйо гандхаҳ притхивйам  
ча теджаши часми вибхивасау  
живанам сарва-бхутешу  
тапаши часми тапасвишу*

“Мен - Ернинг бошланғич хидиман, Мен - оловнинг тафтиман. Мен - барча тирик мавжудотнинг ҳаётиман, Мен - барча риёзатчиларнинг риёзатиман.”

Агар биз Кришна бутун борлиққа сингиб, унинг мавжудлигини таъминлаб турганини тушуна олсак, ҳеч қачон Уни эсимиздан чиқара олмаймиз. «Бхагавад-гита»да Кришна айтадики, бутун борлиқ Унда мужжасам, У - бутун борлиқнинг ҳам боши, ҳам ўртаси, ҳам охиридир.(7.6-7)

*этад йонини бхутани  
сарвантй упадхарайа  
ахам критснасийа жагатах  
прабхавах пралайас татха  
маттах паратарам нанйат  
кинчид асти дхананжайа*

*майи сарвам идам протам сутре мани-гана ива*  
“Билсанг, Мен - дунёдаги ҳам руҳий, ҳам моддий оламларнинг аввали ва охириман, эй бойлиқлар эгалловчи Аржун. Мендан юксакроқ Ҳақиқат йўқ. Худди ипга тизилган маржонлардай бутун борлиқ Менда жойлашган”.

Аслини олганда Кришнани кўриш жуда осон, лекин бундай қобилият фақат Унинг содиқларига берилади. Ғофил ва нодон одамлардан У Ўзини майа(алдамчи) пардаси билан тўсиб олади:(7.25)

*нахам пракашах сарвасйа  
йога-майа-самавритах  
мудхо “йам набхижанати  
локо мам аджам авйайам*

“Нодон ва ғофил одамларга Мен ҳеч қачон Ўзимни ошкор этмайман. Мен уларнинг кўзидан Ўзимнинг ички қувватим билан яшириниб олганман, шунинг учун улар ҳеч қачон туғилмаган ва бегуноҳ бўлган Мени танимайдилар, билмайдилар”.

Кришнага нисбатан қалбида муҳаббат уйғота олган содиқлар олдида Кришнани тўсиб турган ана шу ниқоб, Унинг ички йога-майа пардаси кўтарилади. "Брахма-самхита"да шундай дейилган:

*преманжана-ччхурита-бхакта-вилочанена  
сантах садаива хридайешу вилокайанти*

“Қалбида Кришнага нисбатан муҳаббат уйғота олган киши Уни ҳамиша ўзининг қалбида кўриб юра олади”.

Шундай қилиб, Кришнанинг содиқлари ҳаётда ташвиш нималигини билмай яшайдилар, чунки ажали етиб ўлгандан кейин қаерга боришларини аниқ биладилар. Тақдирида омади келиб, энг бебаҳо неъмат - Кришна онгини эгаллашга муяссар бўлган бахтли одамлар биладиларки, ажали етиб ўлгандан кейин, бошқа янги танага кириш учун яна бу дунёда туғилмайдилар. Кришнанинг содиқлари кейинги ҳаётида Кришнанинг олдида борадилар. Лекин Кришнанинг даргоҳига фақат худди Кришнаники сингари руҳий танада бориш мумкин. Ундай тана *сач-чит-ананда-виграха*, яъни “илм ва лаззатга тўла мангу тана” деб аталади. Оловнинг ичига кириб қуйиб қолмаслик учун, ав-

вало оловдан таркиб топган танага эга бўлиш керак. Худди шундай руҳий оламга ҳам фақат руҳий танада кириш мумкин. Унда тирик мавжудот худди гопилар сингари Кришна билан биргаликда раса рақсига тушиши мумкин. Раса рақси, яъни рақси само - оддий рақс эмас, бу - Худонинг Олий Шахси билан бўладиган мангу рақс. Бу рақсда фақат қалбида Кришнага нисбатан уйғонган, ривожланган соф илоҳий муҳаббат ёрдамида барча моддий иллатлардан бутунлай покланган киши иштирок эта олади. Шунинг учун Кришнани англаш усулини қандайдир юзаки, аҳамиятсиз йўл деб ўйламаслик керак. Кришнани англаш усули, Кришна онги - бу дунёда мусибат чекаётган одамларга Парвардигорнинг Ўзи юборган нодир, бебаҳо неъматдир. Мана шу неъматни қабул қилган ҳар қандай инсон ўзининг ҳаётдаги, асосий сабабчиси ажал, ўлим бўлган барча ташвиш ва мусибатларига биратўла чек қўяди.

Харе Кришна.

## Қуръон оятларидан

“Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса(Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳок, Яъқуб ва унинг уруғ-авлодларига нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Исо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. У пайғамбарлардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Ва биз Унинг Ўзигагина бўйинсунгувчилармиз” деб айтинг.

Ол-и-Имрон сураси. 84.

Аллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади. Лекин Аллоҳ пайғамбарларидан Ўзи истаган зотларни сайлаб олур ва огоҳ қилур. Бас, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирингиз!

Ол-и-Имрон сураси. 178.

Эй мўминлар, Аллоҳга, унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган Китобларига иймонингиз комил бўлсин. Кимки, Аллоҳга, фаришталарга, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига ишонмаса, демак у жуда қаттиқ адашибди.

Нисо сураси. 136.

Албатта, Аллоҳ ва пайғамбарига ишонмайдиган, Аллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган ва “айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз” дейдиган, ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар - ана ўшалар ҳақиқий кофирлардир. Бундай кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.

Нисо сураси. 150-151.

Айтинг: “Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим ва сизларнинг ўртангизда адолат қилишга амр этилдим. Аллоҳ Парвардигорингиз ва Парвардигоримиздир. Бизларнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизларнинг амалларингиз ўзларингиз учундир. Бизлар билан сизларнинг ўртангизда бирон жанжал йўқдир. Аллоҳ барчамизни жамлар ва ёлғиз Унга қайтиш бордир”.

Шўро сураси. 15.

Айтинг: “Эй аҳли китоб, то Тавротга, Инжилга ва сизларга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмагунигизча, ҳеч қандай динда эмассизлар.

Моида сураси. 68.

Бу (Қуръон) бир муборак, ўзидан олдинги китобларни тасдиқлайдиган, барча қишлоқлар онаси-маркази бўлмиш (Макка) ҳамда унинг атрофидаги кишиларни оғоҳлантиришингиз учун Ўзимиз нозил қилган Китобдир. Охиратга иймон келтирадиган кишилар унга ҳам иймон келтирадилар...

Анъом сураси. 92.